

74.261,8  
H 65

# АДАБИЙ ТАЪЛИМ МУАММОЛАРИ



ТУЙҒУНОЙ НИЯЗМЕТОВА



FF0000018087


74.261.8  
H65

65


Туйғуной Ниязметова

# АДАБИЙ ТАЪЛИМ МУАММОЛАРИ

Методик қўлланма



4-7870  
12



6574

Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси наشريети  
Тошкент 2012



УДК: 37:821.512.133

КБК 74.202.4

Н69

**Ниязметова Туйғуной.**

Адабий таълим муаммолари / Т.Ниязметова; масъул муҳаррир Б.Тухлиев. — Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2012. — 120 б.

**КБК 74.202.4**

**Масъул муҳаррир:**

Б. Тухлиев, филология фанлари доктори, профессор.

**Такризчилар:**

М.Мирқосимова, пелагогика фанлари доктори, профессор.

У. Долимов, пелагогика фанлари доктори, профессор.

Ушбу китобдан адабий таълимнинг ривождаги муаммоларни бартараф қилишдаги тадқиқотлар, тажрибалар, адабий меросимиз бўлган асарлардан намуналар таҳлили ўрин олган.

Китоб тилшунослар, адабиётшунослар ҳамда адабиётга қизиқадиган кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган

ISBN 978-9943-06-409-6

© Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси  
нашриёти, 2012.

## ЖОНКУЯР

Мустақиллик йилларида таълим ва тарбия тизими ҳам мустақиллик мафқураси, янгиланган педагогик тафаккур тамойилларига таянган ҳолда, жиддий янгиланишларга юз тутди. Мамлакатимизда мустақил фикрли, билимдон, ижодкор, яратувчи, маънавияти юксак бўлган шахсни шакллантиришга, уни ҳар томонлама юксалтиришга, ақлий ҳамда руҳий камолотини таъминлашга, жаҳон цивилизациясига уйғун ҳолда, рақобатбардош кадрларни тайёрлашга жиддий эътибор қаратилди. Бу республикаimizдаги ҳар бир олим ва педагог - тарбиячи олдига масъулиятли вазифаларни қўйди.

Педагогик фикрлар назарияси ва амалиётининг ривожланиш тарихини кузатиш шу нарсани кўрсатмоқдаки, маънавий, шу жумладан, адабий-эстетик қадриятлар билан яқинликнинг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг ўрни ва аҳамияти йирик олимларнинг ишларида ўзига хос тарзда ифодасини топган.

Адабий таълимнинг мустақиллик йилларидаги ўзига хосликлари, равнақи, унинг олдида турган асосий вазифаларни муайянлаштиришда О.Шарафиддинов, У.Норматов, Н.Каримов, Б.Назаров, Б.Қосимов, А.Зуннунов, М.Мирқосимова, Қ.Йўлдошев, Б.Каримов, С.Матчонов, Н.Жумаев, С.Олимов сингари олимларнинг ҳиссаси катта бўлди. Биз бу силсилада методист олима Туйғуной опа Ниязметованинг ҳам муносиб Ғрин тутишини яхши биламиз.

Туйғуной опанинг ишни амалиётчи ўқитувчи сифатида бошлаганига эллик йилдан ошди. Республика тил ва адабиёт ўқитувчилари опани амалиётчи ўқитувчи, методист олима, ташкилотчи, ташаббускор раҳбар сифатида яхши билишади.

Кўплаб педагогик ҳамда методик янгиликлар, уларни амалиётга жорий этиш, яхши иш тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштириш опа фаолиятининг асосий қирраларини ташкил этади.

Ўқитувчиларимизни адабий таълим жараёнига янги педагогик технологияларни олиб кириши ва татбиқ этишларида кўпгина қийинчиликлар сезилиб турибди. Бу соҳадаги ишлар ҳам кенгроқ кўламда давом этиши, амалиётчи ўқитувчиларимизга педагогик тажрибаларда синовдан ўтган, самарадорлик даражаси анча юқори бўлган шакл ва усуллар тизимини тезроқ тавсия этиш долзарблигича қолмоқда.

Шунинг учун ҳам, бўлажак мутахассисларнинг шу соҳада пухта билим олишлари, бу борадаги тегишли кўникма ва малакаларни эгаллашлари уларга сабоқ бераётган устозларга ҳам боғлиқ эканлиги сир эмас. Туйғуной опа бу борада ҳам пешқадам. У “Ўзбек тили ва адабиёти”, “Бошланғич таълим”, “Дефектология” факультетларида “Адабиёт ўқитиш методикаси”, “Тил ва адабиёт таълимининг замонавий технологиялари” сингари фанлардан сабоқ бериб келмоқда.

Айниқса, илмий-методик ишларни йўлга қўйиш, она тили ва адабиёт ўқитувчиларига методик ёрдам кўрсатиш борасида Туйғуной опа улкан ҳажмдаги ишларни амалга оширган. У А.Зуннунов, Қ.Йўлдошев, М.Мирқосимова, С.Матчонов, Қ.Хусанбоева, Р.Ниёзметова сингари методист олимлар билан ёнма-ён шу соҳа ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Опанинг кўп йиллик тажриба эгаси сифатида умумий ўрта таълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини яратишдаги, уларнинг сифатини замон талабалари даражасига кўтаришдаги саъй-ҳаракатлари эътирофга сазовор.

Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, олий таълим учун янги тип ва мазмундаги давлат таълим стандартлари, дастурлар, ўқув қўлланмалари ва дарсликларни яратишда ҳам Мустақилликнинг илк йиллариданоқ жиддий ўзгаришларга, янгиланишларга юз тутган адабий таълим, айниқса, “Таълим тўғрисида”ги янги Қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилинганидан кейин ўзининг асл ўзанларини топиб олди.

Асарнинг қайси мавзуда ёзилгани эмас, балки унда нима дейилаётгани муҳим, бундан ҳам муҳимроғи эса, ана шу ниманинг ифода тарзи қизиқарлидир. Методист олима кўпдан бери айти шу муаммо устида жиддий бош қотириб келмоқда.

Ўқитувчининг, айниқса, адабиёт ўқитувчисининг асосий вазифаси ўқувчига ижодкор кўзда тутган бадиий олам эшикларини очиб кўрсатишдан иборат. Бадиий олам дейилган қутлуғ қасрнинг муборак ва муқаддас остонасига олиб келинган ўқувчи бу қасрнинг чексиз осмондаги рангин юлдузлардан ҳайрат туйғуларини юқтириши, улардан олам ва одам сирларини ўрганишнинг сеҳрли калитларини топиши даркор. Назаримизда, методист олимлар ана шундай хислатларни ўзида тўлиқ мужассамлаштирган бўлишлари шарт.

Туйғуной опанинг мақола ва маърузалари, дарслик ва қўлланмалари, рисола ва монографияларидаги асосий мақсад кўпчилигининг, айниқса, ёшларнинг, ўсиб келаётган авлоднинг онгида бадиий адабиётга, хусусан, жонажон ўзбек халқи адабиётига муҳаббат уйғотишдан иборат.

Мазкур тўпلام ҳам методист олиманинг яна бир янги тухфаси. Унда таълимнинг турли босқичлари ва адабий таълимнинг ўзига хосликлари, уни амалга оширишнинг замонавий шакл ва усуллари тўғрисида янги ва яхши сўзлар айтилган.

Тилимизда “жонкуяр” деган сўз бор. У бирор ишга астойдил киришадиган, шу иш учун мунтазам куйиниб, у ҳақда бош қотирадиган одамларга нисбатан қўлланади. Назаримизда, Туйғуной опа ҳам адабий таълимнинг ана шунақа жонкуярларидан бири.

Ўйлаймизки, мазкур китоб талабаларга, аспирант ва тадқиқотчиларга, тил ва адабиёт фанларининг ўқитувчиларига муносиб тухфа бўлади.

**Боқижон Тўхлиев,**  
филология фанлари доктори,  
профессор

## МУСТАҚИЛЛИК ВА АДАБИЙ ТИЛ ТАДРИЖИ

### АДАБИЁТ – ЭЗГУЛИК, ҲАҚИҚАТ, ГЎЗАЛЛИК ТАРБИЯЧИСИ СИФАТИДА

Адабиёт ўқитиш тарихини кузатиш маълум маънода комил инсон тарбияси тарихини кузатиш, дейиш имконини беради. Зеро, айнан шу соҳада жамиятнинг бўлажак комил аъзоларининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи жараён сифатида содир бўлади. Бу жараённинг асосий қонунлари эса, Эзгуликдан, Ҳақиқатдан, Гўзалликдан иборатдир. Адабиёт ўқитиш методикаси соҳасидаги мутахассисларнинг илмий-педагогик ҳамда методик тадқиқотларини кузатиш шу хулосаларга олиб келади.

Методист олим Қозоқбой Йўлдошевнинг методика соҳасида амалга оширган тадқиқотлари, яратган дарслик ва қўлланмаларида ёш авлодни бадиий адабиёт воситасида жамиятимизнинг муносиб аъзолари қилиб тарбиялашнинг ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатлари кенг қамровда тадқиқ этилиши билан эътиборлидир. Олимнинг тадқиқотлари бир неча йўналишларга эга эканлигини кузатиш мумкин. Хусусан:

1. Адабиётшуносликнинг назарий муаммоларини ўрганиш асосида адабиёт ўқитиш муаммоларини тадқиқ этиш.

2. Адабиёт фанини ўрганишнинг илмий-назарий жиҳатларига эътиборни қаратиш.

3. Алоҳида адиблар ҳамда алоҳида асарларнинг ўрганиш хусусиятларини аниқлаш.

4. Адабиёт ўқитишнинг бевосита амалий жиҳатларини тадқиқ этиш.

У олим сифатида адабиёт фанини ўқитишнинг илмий-назарий муаммоларини жиддий ўрганди. Бу соҳада йирик тадқиқотларни амалга оширди.

**Қозоқбой Йўлдошев** адабиёт ўқитиш методикаси фанининг мустақиллик давридаги ривожига сезиларли таъсир ўтказиб ва муносиб ҳисса қўшиб келаётган олимлардан биридир. Унинг “Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари”<sup>5</sup> китоби Адабиёт ўқитиш методикаси фанининг энг сўнгги ютуқларидан бири сифатида қайд этилиши мумкин. Олим бу тадқиқотида адабиёт ўқитишдаги янгича тамойиллар ҳақида баҳс юритади. Анъанавий адабий таълимдаги нуқсон ва камчиликлар

<sup>5</sup> Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари. Т., «Ўқитувчи», 1996.

тўғрисида мулоҳазалар билдиради. Энг муҳими, у янгича адабий-эстетик таҳлил намуналарини тавсия ҳам этади.

Олимнинг адабиёт ўқитувчилари ва ихлосмандлари учун тайёрлаган методик қўлланмаларидан бири “Алпомиш талқинлари” дир<sup>6</sup>. Унинг асосий фазилатлари сифатида асар мазмун-моҳиятига теран бир нигоҳ ташланганлигини, дoston матни замирида яшириниб ётган миллий-маънавий қадриятларнинг бадиий талқинларига алоҳида эътибор берилганлигини, сўз санъатининг бир тури сифатида фольклордаги бадиий жозибанинг ўзига хос қирраларини очиб беришга уринишни кўрсатиш мумкин. У адабиётшунослар, хусусан, фольклоршунослар учун қанчалик муҳим бўлса, методист олимлар, тил ва адабиёт ўқитувчилари, филология факультетлари талабалари учун ҳам шунчалик кераклидир.

Китоб бадиий асарни таҳлил ва талқин қилишнинг ўзига хос йўллари кўрсатиб бера оладиган яхши намуна сифатида тавсия этилиши мумкин. Муаллиф асарнинг “қўп қатламли” эканлигини кўрсатади, дostonнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ илмий қарашларига янгича нуқтаи назардан ёндашади, бунда соҳанинг йирик олимларига суяниб иш кўради. Шунинг учун ҳам “Гап “Алпомиш” дostonи устида боргандан сўнг, умуман, халқ дostonлари ҳақида дунё адабиётида мавжуд бўлган қарашларга ёхуд ижтимоий қолипларга эмас, балки асарнинг матнига, ундаги қаҳрамонларга, қўлланилган тимсолларга таяниш, ўшаларга таяниб сўз айтишгина самара келтиради”<sup>7</sup>, каби хулосалар салмоқли ва илмий-методик жиҳатдан фойдалидир.

Унинг “Адабий сабоқлар. 8.”<sup>8</sup> китоби умумтаълим мактабларининг 8-синф “Адабиёт” дарслиги учун методик қўлланма бўлиб, у 8-синф дарслиги билан бир хил тузилишга эга, яъни дарсликдаги “Халқ оғзаки ижодидан”, “Ўзбек адабиёти тарихидан”, “Янги ўзбек адабиётидан”, “Жаҳон адабиётидан” сингари руқнларга бўлинади. Қўлланмада таъкидланганидай, “Саккизинчи синф “Адабиёт” дастурида миллатнинг келажаги бўлган ўспирин маънавиятини таркиб

<sup>6</sup>Ўулдошев Қ. «Алпомиш» талқинлари ёки дoston бадиияти ҳамда миллат маънавияти ҳақида айрим фикрлар. – Т.: «Маънавият», 2002.

<sup>7</sup>Ўулдошев Қ. «Алпомиш» талқинлари ёки дoston бадиияти ҳамда миллат маънавияти ҳақида айрим фикрлар. – Т.: «Маънавият», 2002, 19-бет.

<sup>8</sup>Ўулдошев Қ. «Адабий сабоқлар. 8.». Умумтаълим мактабларининг 8-синф «Адабиёт» дарслиги учун методик қўлланма. – Т.: «Шарқ», 2004.

топтиришга хизмат қиладиган асарларни ўрганишга эътибор қаратилган”<sup>9</sup>. Унда адабий материалларнинг мантиқий-хронологик тартибда жойлаштирилганлиги ҳам кўрсатиб ўтилади. Назаримизда, қўлланмадаги “Ўқитувчи бу синфда ўрганилиши мўлжалланган асарларни ўтишда, ўқувчилар билан биргаликда таҳлил қилишда бадиий матндан келиб чиқадиган ижтимоий, сиёсий, миллий, маънавий мазмундан ҳам кўра, асарнинг эстетик хусусиятларига кўпроқ эътибор қаратиши шарт”<sup>10</sup> деган алоҳида таъкидлар бежиз эмас. Унинг асосий ютуқлари ва ижобий фазилатлари ҳақида куйидагиларни айтиш мумкин:

1. Қўлланма ўқитувчиларни кўпгина назарий маълумотлар билан танишишга, уларни назарий жиҳатдан бойитишга хизмат қилади.

2. Келтирилган асос ва талқинлар ўқувчиларнинг бадиий асар мазмуни ва моҳиятини теран англашларига ҳамда уларни тегишли ўзанларга йўналтиришга ёрдам беради.

3. Унда берилган таҳлил намуналари ўқитувчиларнинг иш фаолиятларига амалий жиҳатдан кўмак бўла олади.

4. Айрим таҳлилларнинг адабиётшунослик ва фольклоршунослик фанларига таянган ҳолда умумий ўрта таълим мактабларининг ўқитувчилари учун илк марта амалга оширилганлигини ҳам таъкидлаш ўринлидир.

Методист олимнинг асар воқеалари ёки қаҳрамонларнинг ҳаракатлари талқинида фақат мантиқий асосгина эмас, балки маънавий-эстетик асосларнинг ҳам эътиборда туриши лозимлиги ҳақидаги қайдлари ўқитувчилар учун дастуруламал бўла олади.

Олим О. Мадаев ва бошқалар билан биргаликда “Адабиёт ўқитиш методикаси” фанидан дастурий қўлланма яратиб, адабиёт ўқитиш методикаси фанига ўзининг тегишли ҳиссасини қўшган. Бу китобнинг ҳозиргача ҳам талабалар ва ўқитувчилар учун муҳим қўлланма бўлиб келаётганлигини таъкидлаш жоиз.

Олимнинг методика соҳасида узлуксиз ва баракали ижодининг бу фан равнақига сезиларли таъсир кўрсатиб келаётганлигини алоҳида таъкидлаш керак.

<sup>9</sup>Уша китоб, 4-бет.

<sup>10</sup>Уша китоб, 4-бет.

Ўқитувчиларнинг умумий ахлоқий-маърифий маданиятини шакллантириш адабиёт фани олдидаги асосий вазифалардан бири саналади. Ҳар бир асар ўзига хос маънавий-маърифий оламдир. Демак, уларнинг ҳар бирида бошқаларига ўхшамаган маънавий мағиз мавжуд. Уларнинг ҳар бири бошқасини такрорламайдиган шаклларда намоён бўлади. Ўқитувчининг асосий вазифаларидан бири ҳам мана шу шаклий-маънавий хилма-хилликларни, ранг-барангликларни ўқувчининг кўз олдида гавдалантириб беришдан, шу хилма-хилликларга уларнинг эътиборини торта олишдан, уларни шундай хилма-хилликлар ичида яшай олишга, уларни кўришни, кузатишни удалай олишга ҳамда фикрлашга ўргатишдан иборат.

Буларнинг барчаси тўғри, аммо у қандай амалга оширилади. Назаримизда, методист олим сифатида Қозоқбой Йўлдошев шу саволларга ҳам жавоб беришга астойдил уриниб кўради. Юқоридаги йўналишлар ичида асосий муаммо ҳам аслида шу саволларга жавоб топишдан иборат бўлган.

Биз олим тузган дарсликларнинг айримларини кўриб чиқиш асосида шу хулосага келдикки, мазкур муаммо Қ.Йўлдошев тадқиқотларининг асосий ўзак нуқталаридан бирини ташкил этади. Айрим адабий асарларга тузилган савол ва топшириқларни кузатайлик. Жумладан, 7-синф “Адабиёт” дарслигида шундай намуналар мавжуд:

• “Авазнинг рад жавоби Равшанга қандай таъсир қилди? Равшаннинг шу вазиятдаги руҳий ҳолатини тушунтириб бера оласизми?”<sup>11</sup>

• “Анвар билан Худоёрхон ўртасидаги фикрлар олишувига диққат қилинг. Бу “жанг”да сизнингча ким ғолиб чиқди?”<sup>12</sup>

• “Шеърдаги Гўзал образини ким деб ўйлайсиз? Одам тимсолими, озодлик рамзими, бахтми ёки тақдир ифодасими?”<sup>13</sup>

• “Нима учун ёзувчи “Отнинг ўлими – итнинг байрами” мақолини эпиграф қилиб олган?”<sup>14</sup>

• “Қобил бобонинг ҳолати тасвирланган ўринларга эътибор қилинг. Нега у даг-даг титрайди?”<sup>15</sup>

<sup>11</sup> Q. Yo'ldoshev, B.Qosimov. Adabiyot: 7-sinf uchun darslik-majmua – T.: G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2004, 37-bet.

<sup>12</sup> Ўша китоб, 194-бет.

<sup>13</sup> Ўша китоб, 199-бет.

<sup>14</sup> Ўша китоб, 213-бет.

• “Ҳикоядаги асосий қаҳрамоннинг нега Қобил бобо деб аталишига эътибор қилдингизми? Бу номда бирор яширин маъно борми?”<sup>16</sup>

• “Ҳикоя қаҳрамони кўрқувдан хушини йўқотиб қўймаслик учун қандай йўл тутганлигини аниқланг. Бундай ҳолатда сиз нима қилган бўлардингиз?”<sup>17</sup>

• “Ўзингиз ҳам бирор марта тунни ёлғиз кузатганмисиз? Ўзингиз кузатган тун манзараси билан Ҳ. Олимжон тасвиридаги тун манзараси ўртасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни топинг”<sup>18</sup>.

Кўриниб турганидек, мазкур савол ва топшириқларнинг асосий моҳияти ўқувчиларга бадиий адабиётда тасвирланган ҳаёт воқеаларининг моҳиятини англантишга, шу воқеалар тасвиридаги ҳаёт манзараларини теранроқ илғашлари, идрок этишлари учун ёрдам беришга, ўқувчиларнинг тегишли асар қаҳрамонлари ўрнида ўзларини тасаввур қила олишларига эришишга қаратилган. Бу нарса ўқувчиларни фақат асар қаҳрамонларининг ҳаёти, руҳиятинигина эмас, балки ўзларининг хатти-ҳаракатлари моҳиятини ҳам ўйлаб кўришга, уларнинг ички ва ташқи маъноларини қиёслашга ундаб туради. Миллий-маънавий қадриятлар мушоҳадаси ўқувчига ўзининг ҳам шу муҳитдаги мавқеи ҳақида мушоҳадаларнинг уйғонишига сабаб бўлади.

Олимнинг “Ёниқ сўз. Адабий ўйлар” китоби унинг ҳам зукко адабиётшунос олим, ҳам йирик методист сифатидаги илмий қиёфасини анча ёрқинроқ тасаввур қилиш имконини беради<sup>19</sup>. Аниқроғи, у методист бўлиш учун адабиётшунос бўлиш шартлигини, яхши методист бўлмасдан туриб эса, ҳақиқий адабиётшунос бўлиш ҳам осон эмаслигини амалий жиҳатдан яна бир марта кўрсатиб беради.

Китобдаги “чинакам санъат асарларидан фақат ижтимоий маъно қидириш унда тасвирланаётган жонли одамлар тақдири ва руҳиятини кишидан тўсиб қўяди”<sup>20</sup> сингари мулоҳазалар

<sup>15</sup> Q. Yoʻldoshev, B. Qosimov. Adabiyot: 7-sinf uchun darslik-majmua – T.: Gʻ. Gʻulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2004, 213-bet.

<sup>16</sup> Ўша китоб, 213-бет.

<sup>17</sup> Ўша китоб, 224-бет.

<sup>18</sup> Ўша китоб, 228-бет.

<sup>19</sup> Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. Адабий ўйлар. – Т., Янги аср авлоди, 2006, 249-бет.

<sup>20</sup> Ўша китоб, 8-бет.

адабиётшунослик учунгина эмас, балки методистлар, амалиётчи ўқитувчилар учун ҳам жўяли педагогик маслаҳатдир.

“Бадиий асарнинг эстетик мартабаси ва ижтимоий самарадорлиги муаллиф томонидан яратилган матндагина эмас, балки рецепиэнтнинг савияси, унинг тайёрлик даражасига ҳам боғлиқдир. Ўқитувчининг ижтимоий, тарихий ва шахсий тажрибаси бадиий матн билан шундай фаол алоқага киришадик, бу муносабат бир томонлама коммуникацияга эмас, балки икки ёқлама мулоқотга, матн ва ўқувчининг диалогига айланади. Рецепиэнтнинг бадиий асарга маъно юклай олиш даражаси унинг матндан эстетик таъсирланиш даражасига тенг бўлади. Демак, бадиий матннинг теранроқ англашилиши ҳамда жамият қатламларига таъсирининг ортишида танқидчи ва адабиётшуносларнинг ўрни каттадир”<sup>21</sup>.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов бу китоб ҳақида шундай мулоҳазаларни билдирган эди:

“Китобга кирган мақолалар орасида таниқли адибларимизнинг китобларига сўзбоши ёки сўнгсўз ўрнида ёзилганлари ҳам борки, улар қизиқиб ўқилади. Маълумки, етук бадиий асарларнинг “сирли” жиҳатлари ҳам борки, бу “сир”лар осонгина намоён бўлавермайди. Агар бу сирни кулфга қиёс қиладиган бўлсак, уларни “очишга” калит керак бўлади. Йигирманчи асрнинг энг буюк адиблари: Маркес, Фолькнер, Хемингуэйлар асарлари ана шундай “сирли” асарлар сирасига киради. Баъзан биз уларни қадрламаслигимиз сабаблари ҳам шунда. Чунки тўлиқ анланган нарсагина қадрланади.

Қозоқбой ҳеч қандай қонунларга “бўйсунмайдиган” бадиий адабиётдан қонуниятлар қидиради, топади, қарашларини асослайди. Хуллас, олим сўзни нозик туяди, таниб ва танлаб ишлатади. Бу жиҳат, табиийки, китобга алоҳида жозоба бахш этади. Хуллас, танқидчининг бу китобини лоқайдлик билан ўқиб бўлмайди. Улардаги фикрларга қўшилиш ёки қўшилмаслик, маъқуллаш ёки инкор қилиш мумкин. Лекин улар кишини бефарқ қолдирмайди”<sup>22</sup>.

Умуман олганда, олимнинг ўқувчи шахси билан алоқадор бўлган тадқиқотларидаги энг асосий йўналишларни бир-бири

<sup>21</sup> Йулдошев Қ. Ёниқ сўз. Адабий ўйлар. – Т., Янги аср авлоди, 2006, 455- бет.

<sup>22</sup> Ёқубов О. Ёниқ сўз ёғдуси. – Йулдошев Қ. Ёниқ сўз. Адабий ўйлар. – Т., “Янги аср авлоди”, 2006, 4-бет.

билан боғланиб кетган учта ҳолат ташкил этишини қайд этиш мумкин. Булар: бадиий асарни ўқиган пайтида ўқувчида қандай ҳолат содир бўлади? Асар қаҳрамонлари ўз хатти-ҳаракатларини қай тарзда амалга оширишган? Агар ўқувчи уларнинг ўрнида бўлиб қолса, ўзини қандай тутган бўлар эди?

Бундай табиий ҳолатга олиб кирилган ўқувчида мушоҳада юритиш, фикрлаш имконияти пайдо бўлади. Унинг учун шароит ва зарурият ўртасида мувофиқлик юзага келади. Мана шу тажриба сабоқлари туфайли аста-секинлик билан унда ҳодисанинг моҳиятини илғаш, уларни кузатиш, ўзаро таққослашга оид кўникма ва малакалар шаклланади. Авваллари фақат ўқитувчининг савол ва топшириқлари етовидагина юраётган ўқувчида мустақил ҳаракат, мустақил фикрлаш ҳамда мустақил хулосалар чиқаришга мойиллик ва рағбат пайдо бўлади. Бу эса, адабий таълим олдида турган асосий вазифалардан биридир.

## БАДИЙ АСАР ТАҲЛИЛИ МЕТОДИСТ ОЛИМЛАР ТАЛҚИНИДА

Бадиий асар таҳлили адабиёт ўқитиш методикасининг ўзақ муаммоларидан биридир. Шунинг учун ҳам методика илми билан шуғулланадиган олимларнинг деярли барчаси бу муаммони четлаб ўтишмайди. Мустақиллик даврида яратилган илмий-методик адабиётлар таҳлили ҳам бу фикрнинг тўғрилигини тасдиқлайди.

Ўзбекистон истиқлолни қўлга киритган даврдан ҳозиргача бўлган муддат оралигида адабиёт ўқитиш методикаси соҳасида бир қатор ишлар яратилди, улардан учтаси докторлик диссертациясидир. Ҳар учаласида ҳам бадиий асар таҳлилига дахлдорлик мавжуд. Албатта, уларнинг барчаси айни шу муаммога бағишланган эмас, аммо уларнинг мазмун ва мундарижасида ушбу муаммонинг у ёки бу жиҳатларига алоқадорлик бор. Биз мазкур мақоламизда ушбу ишларга оид айрим мулоҳазаларимизни билдирамиз.

Дастлаб, бевосита бадиий асар таҳлилини тадқиқот муаммоси сифатида белгилаган М. Мирқосимованинг айрим илмий кузатишлари ҳақидаги мулоҳазаларимизни баён этамиз.

Олима ўз докторлик диссертациясини айни шу муаммога бағишлаган. Шунинг учун ҳам унинг илмий-методик мақолалари, эълон қилган монография, методик ва ўқув қўлланмаларида шу мавзунинг устуворлиги бежиз эмас.

“Бадиий таҳлил усуллари”<sup>23</sup> олиманинг шу йўналишдаги дастлабки китобидир. Методик тавсия сифатида чоп этилган ушбу нашрда бадиий асар таҳлилининг ўзига хос амалий жиҳатлари етакчи ўрин тутди. Унда мактаб таълимидаги асарлар таҳлилига кенг ўрин берилган. Энг муҳими, у янгиланган адабий таълим мазмунига таяниб яратилган. Жумладан, таҳлилга Чўлпон асарларининг танланиши мактаб ўқитувчилари учун ўша пайтда жуда катта амалий ёрдам эди. Шунга қарамай, таҳлилларда ижтимоийликка кўпроқ урғу тушгандек тасаввур уйғонади.

Тавсияларда бадиий асар таҳлилининг амалий жиҳатларига урғу берилгани эътиборли. Улар қаторида шеърларни мустақил ўқиш, ижодий тақриз ёзиш (7-бет), ижодий тадқиқотга ундаш (8-бет), қуйи синфларда кичик ҳажмли шеърлий ёки насрий

<sup>23</sup> Бадиий таҳлил усуллари (методик тавсиялар). – Т.: Республика ўқув-методик маркази, 1993.

асар ҳақидаги ўз таассуротларини баён этиш (10-бет), 8–9-синфларда ўзлари ўқиган асарларга тақриз ёзиш (10-бет), рефератлар тузиш (12-бет), адабий кечалар, адабий альбомлар, маърузалар ташкил этиш (12-бет) ва бошқаларни кўриш мумкин. Муҳими, буларнинг барчаси муаллифнинг шахсий тажрибасида амалиётда синовдан ўтказилган, шунинг учун ҳам, уларни ташкил этишга оид амалий кўрсатмалар жуда табиий, содда ва ишонарли эканлигини қайд этиш ўринли бўлади. Бу тавсияларнинг ҳозир ҳам долзарблигини йўқотмаганлиги эътиборлидир.

Китобдаги асосий ўринлардан яна бири бадий асар таҳлили воситасида ўқувчиларни ижодий фикрлашга ўргатиш муаммоси билан алоқадор. Таҳлил манбаси сифатида асосан, XX аср адабиёти, мустақиллик даври шеърляти, Аҳмад Яссавийнинг ҳаёти ва ижоди ажратиб олинган. Буларнинг барчаси ўқувчиларни “оддий китобхон даражасидан бадий ижод қонуниятларини чуқур тушунадиган, бадий асарга муайян эстетик ҳодиса сифатида муносабатда бўладиган, бадий сирларини юракдан ҳис қилиб англайдиган адабиёт фидойисига айлантириш”<sup>24</sup> учун хизмат қилади.

Бадий асар таҳлили борасидаги “Адабий суҳбатлар” китоби олиманинг ушбу муаммони кенг қамров билан ўрганаётганлигидан гувоҳлик беради. Бу ерда дастлаб муаммонинг назарий жиҳатлари ҳам қамраб олинганлиги кўзга ташланади. “Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантиришнинг илмий-методик асослари”, “Юқори синфларда бадий асар таҳлилининг ўзига хос хусусиятлари”, “Адабий таҳлил воситасида асар жанр хусусиятларини ўрганиш”, “Бадий асарларни шарҳли ўрганиш ва таҳлил қилиш” каби қисмлар айна шу йўналишга эга.

Муаллифнинг адабий таҳлилнинг элементар кўринишлари бошланғич синфлардаёқ йўлга қўйилиши ва бу режали ҳамда тизимли тарзда амалга оширилиши керак, деган асосий концепцияси кўзга ташланади. Буларнинг умуман тўғри эканлигини қайд этган ҳолда, бевосита дастур ва дарсликлар таҳлилига ҳам жиддий ўрин ажратилмаганлиги муаллифнинг бу борадаги айрим мулоҳаза ва хулосаларининг декларатив характер касб этишига олиб келганлигини тан олишга тўғри келади.

---

<sup>24</sup> Ўша китоб, 9-бет.

Методист олиманинг бир яхши хислати шундан иборатки, у ҳар доим бевосита амалиётда фойдаланиш мумкин бўлган тавсия ва ишланмаларни эътибордан четда қолдирмайди. Бу ерда ҳам “Ўғри” ҳикоясининг композиция ва сюжетини ўрганиш, уни тест саволлари орқали ўрганиш, ҳикоя матни устида ишлаш соатларини ташкил этишга оид кўрсатмалар шундай хусусиятга эга.

Китобнинг “Аҳмад Яссавийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишга оид дарс намунаси”, “IX синфда Хоразмий ижодини ўрганишга оид машғулот намунаси”, “Мактабда Атоий ижодини ўрганиш”, “XX аср ўзбек адабиёти намуналарини анъанавий ва ноанъанавий усулларда ўрганиш” сингари қисмлари бевосита амалий аҳамият касб этган.

Олима айрим мавзуларга қайта-қайта мурожаат этади. Бунда такрорийлик эмас, тадрижийликнинг устуворлиги кўзга ташланади. Агар олдинги китобда Аҳмад Яссавийнинг ҳаёти ва ижоди билан умумий тарзда таништириш кўзда тутилган бўлса, мазкур китобда ушбу мавзунини ўқишнинг илмий-методик жиҳатларига батафсил тўхтаб ўқиш кузатилади. Ўқитувчиларнинг қўлига янги материалларни тавсия этиш, бунда альтернатив методларнинг қўлланиш имкониятларини изоҳлашга кенг ўрин берилади. Натижада, тадқиқотнинг илмий-методик савияси бир қадар юқори кўтарилади, ундан амалда фойдаланиш имконияти ҳам ортади.

Китобдаги асосий хулосалар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Бадиий асар таҳлили воситасида ижодкорнинг бадиий маҳоратини ҳис этиш, тушунишга эришиш мактаб адабий таҳлилининг бош вазифаларидан биридир.

2. Бадиий таҳлил адабий таълимда етакчи мавқе тутсагина ўқувчиларнинг нафосат тарбиясига эришиш мумкин бўлади.

3. Адабий асар таҳлили ўқувчининг мустақил, ижодий фикрлашини шакллантириш ва такомиллаштиришдаги бош омилдир.

“Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари”<sup>21</sup> китоби олиманинг бу йўналишдаги энг яхши ютуқларидан бири сифатида баҳоланиши мумкин. Муаллиф тўғри кўрсатиб ўтганидай,

<sup>21</sup> М. Мирқосимова. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари. – Т.: «Фан», 2006.

ўқувчиларни адабий таҳлилга ўргатиш таълимнинг бир босқичидагина амалга ошириб бўладиган иш эмас. Унга узвий ва узлуксиз тарзда ёндашилгандагина тегишли самарага эришиш мумкин. Шунга кўра, бадий таҳлилнинг элементар намуналари бошланғич синфларданоқ бошланиши керак. Бу ҳақда олима шундай ёзади:

30/8 “Дастур талабига кўра V–VII синфларда адабий материални ўрганиш жараёнида ўқувчининг тўғри, тез, равоқ ўқиш малакасини ҳосил қилишга, оғзаки ва ёзма нутқини, боғланишли нутқини ривожлантиришга, сўзларни қўллаш, сўз маъносини, унинг товуш хусусиятларини ўрганиш; жумлалар ва гаплар тузиш воситасида ўз мулоҳазаларини мантиқий изчилликда, тасвирий ифодалардан фойдаланиб баён этиш; асарни қайта ҳикоялаш, ўқувчини кузатган ҳодисалари ёки расмлар воситасида мустақил ҳикоя тўқишга ўргатиш лозим. Натижада, бошланғич синф ўқувчисида адабий материални ўқиб-ўрганиш, унинг мазмунини ўзлаштириш, китоб устида ишлаш кўникмалари шакллантирилади. Таянч синфларда эса, бундай кўникмаларни янада ривожлантириш заминиде адабий асарнинг қурилишини ўрганиш, бадий образ моҳиятини англаш, эстетик дидни тарбиялашга эътибор қаратилади”<sup>22</sup>.

“Бадий асар таҳлили” М. Мирқосимованинг шу йўналишдаги энг янги тадқиқотларидан биридир. У магистратура босқичидаги “Ўзбек адабиёти” мутахассислиги учун ўқув қўлланма сифатида нашр этилган. Муаллиф тўғри таъкидлаганидек, “Адабий таълим жараёнида ўқувчи ҳиссиёти тарбияланади. Унинг гўзаллик ҳақидаги тушунча ва тасавурлари такомиллаштирилади. Бу борада бадий асар таҳлиliga таяниб иш олиб борилади. Бадий асарлар таҳлили орқали ўқувчининг мустақил фикрлаш салоҳияти ўсади, оғзаки ва ёзма нутқи такомиллашади, ўқувчида ўз фикрларини илмий-амалий жиҳатдан асослаш малакалари шакллантирилади”<sup>23</sup>.

Шу ўринда йирик методист олим Қ. Йўлдошевнинг қуйидаги эътирофларини эслаш ўринли бўлади: “Саксонинчи йиллардан бошлаб адабий таълимда бадий асар таҳлилининг ҳал қилувчи аҳамияти англанадиган ва тан олинадиган бўлди. Ўша англашнинг, асар таҳлили инсон маънавияти шаклланишида тугган юксак мавқеи тан олиншининг

<sup>22</sup> М. Мирқосимова. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари. – Т.: «Фан», 2006, 3-бет.

<sup>23</sup> М. Мирқосимова. Бадий асар таҳлили. – Т.: ТДПУ. 2007. 3-бет.

натижаси ўлароқ, “Бадиий асарни таҳлил қилиш” номли янги филологик фан пайдо бўлди ҳамда Россия, Қозоғистон, Украина, Тожикистон сингари бир қатор республикалар олий мактабларнинг филология факультетлари ўқув режаларига киритилиб ўқитила бошланди. Афсуски, бизда бадиий таҳлил-маданияти ғоят паст, мактабларда ишлайдиган аксар ўқитувчилар асарларни таҳлил қилиш малакасини мутлоқ эгалламаган бўлишларига қарамай, олий мактабларни битириб чиқаётган ёш мутахассислар санъат асарларини таҳлил қилишнинг дастлабки кўникмаларига ҳам эга бўлган ҳолда амалий фаолиятга “Бадиий асарни таҳлил қилиш” фанини ўргатиш йўлга қўйилмади. Мазкур фан миллий адабиётшуносларимиз томонидан жилла курси, назарий жиҳатдан ҳам ишлаб чиқилмади» (71–72-бет).

Қўлланмада бадиий асарни унинг композиция ва сюжетига, қаҳрамонлар тизимига боғлиқ ҳолда ўрганиш тўғрисида янги ва қизиқарли кузатишлар берилган. Айниқса, шеърини асарларни таҳлил қилиш борасидаги мулоҳазалар мустақиллик даври методикасида мутлақо янги деб айта оламиз.

Муаллифнинг кириш машғулоти ҳақидаги мулоҳазалари ҳам тажрибали методист олимнинг кузатишлари сифатида таассурот қолдиради. Фақат бир нарсани қайд этиш лозимки, унинг кириш машғулоти муддатларини кўрсатган ўринлари бир қадар баҳсли кўринади. Кириш машғулоти ўқувчиларнинг ёши, дунёқарashi, айниқса, адабий тайёргарлиги билан чамбарчас боғлиқ эканлиги назарга олинса ўринли бўлар эди.

Муаллиф бадиий асарни таҳлил қилишда дарслик ва қўлланмаларда эстетик таҳлил тамойиллари устуворлашиб бораётганини тўғри кўрсатади.

Буларнинг барчаси мустақиллигимиз шарофати билан бадиий асарларни таҳлил қилишнинг социологик усуллари ўрнига аста-секинлик билан бўлса-да, бадиий-эстетик тамойилларнинг устуворлик касб этиб бораётганлигини кўрсатиб турибди.

6574



17

4-7870/2

## БОЛАЛАР КИТОБХОНЛИГИ МЕТОДИСТ ОЛИМ НИГОҲИДА

Педагогика фанлари доктори, профессор Сафо Матчонов серқирра ижод соҳиби, кенг дунёқараш ва ўзига хос фикр эгаси сифатида илм аҳлига яхши таниш. У қизиқиш доираси анча катта бўлган олимлар сирасига киради. Ҳар ҳолда унинг XX аср ўзбек адабиёти, фольклоршунослик, ҳозирги адабий жараён, адабий танқидчилик, болалар адабиёти соҳаларида эъгироф топанлигини яхши биламиз.

Айни пайтда у адабиёт ўқитиш методикаси фанининг равнақи учун жонқуярлик қилиб келаётган олимларимиздан биридир. Ўзбек адабиётини ўқитиш методикаси соҳасида йирик тадқиқотларни амалга оширган олимларимиз бармоқ билан санарли. Уларнинг яқин-яқинларгача ҳам карвонбошиси профессор Асқар Зуннунов эди, бу карвонни олис манзилларга чоғлашда Б. Тўхлиев, Қ. Йўлдошев, М. Мирқосимова сингари йирик мутахассислар камарбаста. Уларнинг ёнида С. Матчоновнинг ҳам муносиб ўрни бор.

Методист олим сифатида С. Матчонов таълимнинг турли босқичлари ва барча соҳаларида ўз сўзини айтиб келяпти. Мактабгача тарбия ёшидагилар учун бир қатор қўлланмалар, бошланғич синфлар учун «Ўқиш китоби», умумий ўрта таълим мактаблари учун «Адабиёт» фанига оид дастур, дарслик ва қўлланмалар фикримизга далил бўла олади. У ўқувчиларнинг китобхонлик маданиятини ошириш, бунда адабий таълимнинг ўрни, аҳамиятини кўрсатиб беришга катта куч ва меҳнат сарфлаб келмоқда. Болалар китобхонлиги, ўқувчилар нутқини ўстириш усуллари, ўқувчиларни бадиият оламига олиб киришнинг энг мақбул усул ва шакллари борасида олим тинимсиз изланиб келмоқда. Олим «ўқитган одам» ҳамда «ўқимишли одам» тушунчаларининг кескин фарқ қилиши ҳақида тўхтаркан, «китобхонлик тор маънода китоб ўқишни билдирса, кенг маънода танлаб ўқиш, ҳис этиш, англаш ва фикр билдириш тушунчаларини ўз ичига қамраб олади. У бадиий адабиётдан озиқланади, адабий танқид ва педагогика кўмагида юксала боради»<sup>24</sup>, — деб ёзади.

Сафо Матчон янгиликни излайдиган олим. Янгиликни топиш бошқа, уни бошқаларга етказиш бошқа. Сафо муаллимда кейинги хислат ҳам яхшигина сайқал топган.

<sup>24</sup> Сафо Матчон. Китоб ўқишни биласизми? — Т.: «Ўқитувчи», 1993, 4-бет.

Фикрни изчил, мантиқли, ҳар доим оҳори тўқилмаган мисоллар билан бойитиб бериш унинг услубида кўзга ялт этиб ташланиб турадиган жиҳатлар.

У ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш соҳасида беназир тадқиқотларни амалга оширган. «Узлуксиз таълим тизимида адабиётдан мустақил ишлар» мавзусидаги докторлик диссертацияси бу соҳадаги энг йирик тадқиқотдир. Унинг «Мактабда адабиётдан мустақил ишлар» номли ўқитувчилар учун методик қўлланмаси ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга молик. Унда қайд этилишича, «ўқишда малакасизлик ҳар қандай фанни тинкани қуритадиган оғир меҳнат ва мажбуриятга айлантиради»<sup>25</sup>.

Тадқиқотчи ўқувчилар учун ҳар қандай қизиқарли китобларни тавсия қилиш эмас, балки ўқувчи ўқийдиган ҳар қандай китобни қизиқарли қилиш тарафдори. Бунинг учун эса, методист олимлар ўз сўзларини айтишлари керак. Китоб ўқувчиларнинг мустақил ишларининг ташкил этилиши, турлари, мазмуни, амалга ошириш шароитлари ҳақида баҳс юритса-да, унда асарга ёндашиш усуллари, ўқувчиларнинг ижодий ишлари, матн устида ишлаш, матнни таҳлил қилиш, бундаги метод ва усуллар ҳақида ҳам қизиқарли, муҳими, назарий жиҳатдан тўғри ва амалий жиҳатдан фойдали бўлган кўплаб фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Олимнинг ҳозирги адабий жараён муаммоларига бағишланган чиқишлари, тадқиқот ва мақолалари ҳам илмий жамоатчилик томонидан юқори баҳоланади, алоҳида қадрланади. Унинг «Жаҳонгашта адиб», «Геран нигоҳ, кўламли муқояса», «Тасвир самимияти», «Юртнинг геран томирлари», «Бадиий маҳорат қирралари» сингари мақолалари шу йўналиши билан эътиборлидир.

Сафо Матчон болалар адабиётининг йирик билимдонларидан биридир. «Мактабда болалар адабиётини синфдан ташқари ўқиш» методик қўлланмаси<sup>26</sup>, болалар учун мўлжалланган «Гулшан» тўплами<sup>27</sup>, «Кичик ёшдаги болалар нутқини ўстириш»<sup>28</sup> сингари китоблар, «Ўзбек тили ва адабиёти», «Тил ва адабиёт таълими» журналларидаги, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Маърифат» ва бошқа

<sup>25</sup> Сафо Матчон. Мактабда адабиётдан мустақил ишлар. – Тошкент, «Ўқитувчи», 1996, 3-бет.

<sup>26</sup> Сафо Матчон. Мактабда болалар адабиётини синфдан ташқари ўқиш. Методик қўлланма. – Тошкент, «Ўқитувчи», 1980.

<sup>27</sup> Гулшан. Тўплам. Нашрга тайёрловчи С. Матчон. – Тошкент, «Ўқитувчи», 1985.

<sup>28</sup> Сафо Матчон. Кичик ёшдаги болалар нутқини ўстириш. – Тошкент, «Ўзбекистон», 2001.

газеталардаги илмий-оммабоп мақолалари фикримизга далил бўла олади. Айниқса, «Тириклик суви»<sup>29</sup> китобининг адабий танқидчиликда яхши кутиб олинганини таъкидлаш жоиз. Уларда болалар дунёсининг нозик билимдони, адабий ҳодисаларнинг ҳассос синчиси бўлиш билан биргаликда талабчан олим, жанговар танқидчи, камчиликларга нисбатан муросасиз курашчи, ижодкор жуда ёрқин тарзда намоён бўлган.

Сафо Матчон илмини амалиётга татбиқ қилиб келаётган устоз сифатида ҳам ардоқли. У талабаларнинг сеvimли домласи даражасига кўтарила олган педагогдир. Республикадаги етакчи олимлардан бири сифатида у мамлакатимизнинг бир қатор олий ўқув юртларида, малака ошириш институтлари ва факультетларида ҳам дарс бериб келади.

Сафо Матчонов Республикамизда юқори малакали педагог кадрларни тайёрлашга ҳам тегишли ҳиссасини кўшиб келмоқда. Кўп йиллар давомида Низомий номидаги педагогика университети қошидаги Ихтисослаштирилган кенгашнинг илмий котиби сифатида фаолият кўрсатди, ҳозир ҳам шу кенгаш аъзоси сифатида методист олимлар тайёрлашда фидокорлик кўрсатиб келмоқда. Унинг бир қатор шогирдлари фан номзоди илмий даражасини олган, яна бир қисми эса шу соҳада илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириб келишяпти. Улар устознинг ёнида туриб Республикамизнинг турли вилоятларида адабий таълим равнақи учун қамишдан бел боғлаб хизмат қилишга ҳозир.

Олимлик билан ташкилотчилик ҳар доим ҳам уйғун келавермайди. Сафо Матчон эса, мана шу икки нуқтани ҳам бирлаштириб келаётган олимларимиздан биридир. У «Ўқитувчи» нашриётида «Ўзбек тили ва адабиёти» бўлимини, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида «Ҳозирги ўзбек адабиёти» кафедрасини бошқарди. Бир қатор журналларнинг таҳририят аъзоси, тўпламлар тузувчиси, монография, дарслик ва қўлланмаларнинг масъул котиби сифатида уларнинг илмий-методик савияси ва сифатининг яхшиланишига муносиб улуш қўшиб келмоқда. Ўрни келганда бу мўътабар олимнинг сеvimли журналимиз «Тил ва адабиёт таълими» таҳририятининг аъзоси эканлиги билан фахрланишимизни ҳам айтиб ўтишимиз керак.

Жиддийлик билан юморнинг бир кишида мужассам бўлиши анча қийин ҳолатга ўхшайди. Аммо Сафо Матчонни

<sup>29</sup> Сафо Матчон. Тириклик суви. — Тошкент, «Ёш гвардия», 1980.

кўрган, билган кишилар бунга шубҳа қилишмайди. У кишига «қувноқ жиддийлик» ярашиб туради. Устозга ҳар доим «қувноқ жиддийлик» ёр бўлаверсин!

Сафо Матчон адабий таълимнинг энг муҳим жабҳалари: мустақил таълим ҳамда синфдан ташқари ўқиш соҳасидаги етук мутахассис сифатида эътироф этилган. Аслида болалар адабиётининг мутахассиси бўлган олим уни методика илми билан муносиб тарзда боғлаб ўрганишда янги саҳифаларни очди. Шу ҳаракатларнинг самараси сифатида унинг «Мактабда болалар адабиётини синфдан ташқари ўқиш» китоби юзага келган эди<sup>30</sup>.

Унинг «Адабиётдан мустақил ишларни ташкил этиш усуллари» китоби бу соҳадаги йирик фундаментал тадқиқотлар сирасига киради. Сафо Матчоннинг бошқа адабиётчи-методистлардан ажралиб турадиган яна бир жиҳати бор. Бу унинг бошланғич синфлардаги адабий таълимга алоҳида эътибор бериши билан боғлиқ.

«4-sinfda o'qish darslari» методика соҳасидаги янги бир қадам сифатида баҳоланиши мумкин. Китоб А. Шожалилов, Н. Воҳидова, Ў. Одамовалар билан ҳамкорликда ёзилган.

Китобнинг «Кириш» қисми синфда ўқиш дарсларининг вазифалари, уларнинг таълимий ҳамда тарбиявий аҳамиятини кўрсатишга бағишланган. Китобда ўқиш дарсларининг фақат тегишли матнларни ўқиш ва уларнинг мазмунини ўзлаштиришгагина қаратилиб қолмасдан, «ўқувчиларнинг ақлий, ахлоқий ва эстетик камолотига хизмат» қилиши кўрсатиб берилган<sup>31</sup>.

Бошланғич синфларда ўқиш дарсларини ташкил этишдаги асосий хусусиятларнинг кўрсатиб берилгани ўқитувчилар учун бевосита амалий ёрдам вазифасини адо эта олади. Жумладан, синфдан синфга ўтган сари мавзу жиҳатдан ҳам, мазмун жиҳатдан ҳам ўзгаришлар динамикаси тўғри белгиланади. Синфда ўқиш дарсларининг асосий вазифалари доираси муайянлаштирилади. Бу соҳадаги мавжуд камчиликларнинг асосий сабаблари ҳамда уларни бартараф этишнинг замонавий усуллари кўрсатиб берилгани ҳам китобдаги эътиборли нуқталардан бирини ташкил этади.

<sup>30</sup> Матчонов С. «Мактабда болалар адабиётини синфдан ташқари ўқиш». Адабиёт ўқитувчиларига ёрдам. Тошкент, «Ўқитувчи», 1980.

<sup>31</sup> S. Matchonov, A. Sojalilov, N. Vohidova, O'. Odamova. 4-sinflarda o'qish darslari. – Toshkent, «O'qituvchi», 2002. – 144 b.

Адабий ўқишнинг таянч нуқталаридан бирини луғат ишлари гашиқил этади. Китобда «Луғат устида ишлан» бўлимининг киритилгани бежиз эмас. Айниқса, бу соҳада бошланғич синф ўқувчиларининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олишга доир кўрсатмалар ўринли бўлган. Бунда ўқувчиларнинг тегишли мавзулар бўйича луғат бойликларининг ортишига эришишлари, сўзларнинг изоҳлари билан танишишини кенгайтиришга эътибор, сўзларнинг ўз ва кўчма маънолари устида ишлаш масалалари ёритилган.

Китобда алоҳида мавзуларни ўрганишга ҳам асосий ўрин ажратилган. «Мустақиллик дарси»га алоҳида эътибор берилгани мақсадга мувофиқ бўлган.

Дарс ишланмаларини беришда дарсликлардаги рукнларга таянилгани сезилиб туради. Бу эса, қўлланмадан амалий жиҳатдан фойдаланишни қулайлаштирган. Масалан, «Истиқлолим—истиқболим» рукнидаги материаллар учун 6 соат, «Ўзбекистон—ватаним маним» рукнидаги материаллар учун 8 соат, «Олтин куз» рукнидаги материаллар учун 6 соат, «Нима яхши-ю, нима ёмон?» рукнидаги материаллар учун 18 соат ажратилган. Уларнинг тахминий режалаштирилиши ҳам берилган. Энг муҳими, ҳар бир дарснинг ихчамгина ишланмалари тавсия этилган. Бу усул ўқитувчилар, айниқса, эндигина иш бошлаган ёш педагоглар учун ниҳоятда керакли ва ўринли имкониятларни яратади.

Албатта, китобни бундан ҳам яхшироқ, методик тавсияларга бойроқ қилиш имкониятлари мавжуд эди.

«Boshlang'ich sinf o'qish darslarini pedagogik texnologiyalar asosida tashkil etish» китоби бу йўналишдаги янги босқич сифатида баҳоланиши мумкин<sup>32</sup>. Китобнинг энг муҳим ютуғи сифатида ҳар бир машғулотнинг ишланмаси берилганлигини, бу ишланмаларнинг замонавий педагогик технологиялар асосида бойитилганлигини кўрсатиш мумкин. Худди мана шу жиҳатлар унинг амалий аҳамиятини жуда ошириб юборади.

Ҳар бир мавзунинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш, уларга эркин, ижодий ёндашиш, бунинг устига ўқитувчининг мустақил ижодий ёндашуви учун ҳам кенг

<sup>32</sup>S. Matchonov, X. G'ulomova, M. Suyunov, H. Boqiyeva. Boshlang'ich sinf o'qish darslarini pedagogik texnologiyalar asosida tashkil etish. Oliy o'quv yurtlarining «Boshlang'ich ta'lim» fakulteti talabaları uchun qo'llanma. Qo'shimchalar kiritilgan nashr. — Toshkent, «Yangiyo'l poligraph service», 2008.

имкониятлар майдонининг очиб берилиши муаллифларнинг ютуги сифатида баҳоланишга муносибдир.

Китоб номи умуман бошланғич синфлардаги ўқиш дарслари ҳақида баҳс юритишга ваъда бераётган бўлса-да, ундаги материаллар фақат 4-синф дарслари билан чегараланади. Шунга кўра уни «4-sinfda o'qish darslari» китобининг қайта ишланган ва тўлдирилган варианты дейилса ҳам бўлади. Буни муаллифларнинг ўзлари ҳам қайд этишган. Китобдаги «Мазкур методик қўлланма 4-синф «Ўқиш китоби» дарслигидаги барча бўлимларни ўз ичига қамраб олган» тарзидаги таъкид шу фикрни қувватлайди<sup>33</sup>.

Китобнинг яна қайта нашр этилиш имкониятини эътиборга олган ҳолда, айрим истакларни билдириш мумкин. Жумладан:

1. Айрим педагогик технологиялар мустақил метод сифатида талқин қилинган.

2. Жадвалларда нотугалликлар кўзга ташланади. Масалан, Наврўз байрами ҳақидаги жадвалда «Наврўз байрами нима учун 21 мартда нишонланади?» – деган саволга бошқа тўғри ва муносиб жавоблар қаторида «кунда нишонланади»(???) деган жавоб ҳам мавжуд<sup>34</sup>.

3. Айрим атамаларни ноўрин қўллаш ҳолатлари учрайди (Ўқиш таълими, 3-бет).

Албатта, булар жузвий ҳолатлар, холос. Бу китобларнинг амалиётга, амалиётчи ўқитувчиларга кўрсатадиган наф жуда катта эканлигини эътироф этиш керак. Сафо Матчон таълимнинг турли босқичлари учун ўқув адабиётлари яратиб келаётган меҳнаткаш олимларимиздан бири. Унинг, айниқса, мактабгача тарбия, бошланғич таълим, умумий ўрта таълим мактаблари учун яратаётган дарслик ва қўлланмалари шу соҳадаги ноқисликларни муносиб равишда тўлдириб келмоқда.

Сафо Матчонов мустақиллик даври ўзбек адабиётини ўқитиш методикаси фани ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган методист олим сифатида ҳар доим ардоқли бўлиб қолаверади.

<sup>33</sup> S. Matchonov, A. Sojalilov, N. Vohidova, O'. Odamova. 4-sinflarda o'qish darslari. – Toshkent, «O'qituvchi», 2002. – 8-bet.

<sup>34</sup> Ўша китоб, 160-бет.

## МУМТОЗ АДАБИЁТНИ ЎРГАНИШ САБОҚЛАРИ. НАВОЙНИ АНГЛАШ ЙЎЛИДА

«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да ёшларни маънавий баркамол қилиб шакллантиришга алоҳида эътибор бериш зарурлиги таъкидланган. Бунга адабиёт дарсларида сўз санъатининг эстетик табиатидан келиб чиқиб иш кўрилгандагина юксак самарага эришиш мумкин бўлади.

Ўқитувчи ўқувчини ўқитишга эмас, балки уни ўқимаса туролмайдиган руҳий-педагогик ҳолатга келтиришга уриниши лозим.

Давлат таълим стандарти ва ўқув дастурида адабиёт фанининг тарбиявий-маърифий вазифалари ҳамда ўқувчиларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиқиб умумий ўрта таълим мактабларининг V–IX синфларида адабиётни икки босқичга бўлиб ўрганиш кўзда тутилган. Босқичлар орасида мантиқий изчиллик, давомийлик ва узлуксизлик бўлишини таъминлашга эътибор қаратилган. Буни турк дунёси адабиётининг энг машхур вакили Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини мантиқий изчилликда, узлуксиз ўрганишда кўриш мумкин. Навоий ижоди туркий адабиётнинг энг юксак чўққисидир. Чунки ҳеч ким унга қадар ва ундан кейин ҳам бу тилда «кўп» ва «хўб» ёза олмаган. Навоий туркий ва форсий тилда маҳорат билан қалам тебратган зуллисонан шoir эди. Навоий ҳаёти ва ижоди барча таълим босқичларида: умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежларида ўрганилади. Шу боис Навоийни яна бир бор англаш ва англатиш йўлида қуйидаги 1 соатлик ноанъанавий дарс намунасини тавсия этишни лозим топдик.

**Мавзу:** Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди юзасидан такрорлаш

**Мақсад:**

- *таълимий:* ўқувчиларнинг Навоий ҳаёти ва ижоди бўйича олган билимларини мустаҳкамлаш;

- *тарбиявий:* ўқувчиларнинг она тилига, Ватанига бўлган муҳаббатини ўстириш;

- *ривожлантирувчи:* мавзу бўйича билим, кўникма ва малака ҳосил қилиш.

**Дарс тури:** ижодий мулоқот.

**Дарс жиҳози:** дарслик, Навоий портрети, шоир ҳаёт йўли бўйича тузилган хронологик жадвал, ребус, тест топшириқлари, реферат ва буклетлар.

**Дарсинг бориши:** ўқитувчи раҳбарлигида ўқувчилар ўз қизиқиши ва хоҳишига кўра уч гуруҳга бўлинадилар:

1-гуруҳ — тарихчилар;

2-гуруҳ — адабиётшунослар;

3-гуруҳ — журналистлар, деб номланади.

Ўқитувчи «Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди» мавзусида топшириқлар олдиндан берилганлиги учун қисқача кириш сўзи билан дарсни бошлайди.

Тарихчилар гуруҳи аъзолари хронологик жадвал орқали Навоийнинг ҳаёти ва Навоий яшаган даврдаги муҳим тарихий воқеалар ҳақида тўхтаб ўтадилар.

1-ўқувчи: Буюк ўзбек шоири, ўзбек адабий тилининг асосчиси, ғазал мулкининг султони Навоий 1441 йил 9 февралда Ҳирот шаҳрида туғилди. Унинг отаси шоиртабиат, зиёли инсон эди. Шунинг учун ўғлининг билим олишига алоҳида аҳамият берди. 1447 йилда Хуросон ва Мовароуннаҳр ҳукмдори Шохруҳ Мирзо вафот этади. Бек ва шаҳзодалар тахт таллашиб бир-бирлари билан қонли уруш бошлайдилар. Кўп оилалар олис юртга йўл оладилар. Алишерлар оиласи ҳам Ироққа кўчиб кетади.

2-ўқувчи: 1964 йил Алишер Машҳаддан Ҳиротга қайтиб келади. Бу пайтда у Хуросондаги таниқли шоирлардан бири эди. Ўша пайтда Хуросон тахтида Султон Абу Саид ўтирар эди. Султон Алишердан ҳадиксирар эди. Чунки Алишер Абу Саиднинг душмани Ҳусайн Бойқаронинг дўсти эди. 1465 йилнинг ўрталарида Абу Саид Навоийни таҳсил баҳонасида Самарқандга жўнатади. 1469 йил Навоий Ҳиротга қайтди. Бу вақтда тахтга унинг дўсти Ҳусайн Бойқаро чиққан эди. Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоийни муҳрдорлик лавозимига тайинлади.

3-ўқувчи: 1472 йилда Навоий вазир, 1487 йил Асрободга ҳоким этиб тайинланди. 1488 йил Ҳиротга қайтиб келади ва умрининг охиригача ижод билан шуғулланади. 1501 йил 3 январда дунёдан кўз юмади.

Навоийнинг ҳаёт йўли билан қисқача танишилгач, ижоди бўйича адабиётшунослар гуруҳига навбат беради.

1-ўқувчи: Навоий улкан ва ғоят бой лирик хазина яратган шоирдир. Навоийнинг тўрт девонни ўз ичига олган «Хазойин ул-маоний», форсийда назм дурлари терилган «Девони Фоний» каби куллийтлари борки, бежиз «Ғазал мулкининг султони» деган таъриф у таҳсинга сазовор бўлган эмас.

2-ўқувчи: Навоийнинг энг йирик асарларидан бири «Хамса»дир. «Хамса» — Навоий ижодининг юксак чўққиси. Ундан олдин «Хамса» яратган ижодкорлар улуг озарбайжон шоири Низомий Ганжавий, ҳинд-форс адабиёти намояндаси Хусрав Деҳлавий ва форс адабиётининг мумтоз вакили Абдурахмон Жомийдир. Бу ижодкорлар ўз достоларини форсий тилда яратдилар. Алишер Навоий эса, ўз «Хамса»сини туркий тил(она тили)да яратишга жасорат билан қўл урди.

Навоий «Хамса» сини ташкил этувчи беш дoston куйидагилар:

1. «Ҳайрат ул-аброр» — 3988 байт.
2. «Фарҳод ва Ширин» — 5782 байт.
3. «Лайли ва Мажнун» — 3622 байт.
4. «Сабъаи сайёр» — 5808 байт.
5. «Салди Искандарий» — 7215 байт.

«Хамса» жами 25615 байт, 51230 мисрадан ташкил топган. Бу бешлик жуда қисқа муддатда, 1483—1485 йилларда, яратилган.

3-ўқувчи: Маълумки, Навоий лирик поэзия тараққиётига улкан ҳисса қўшган даҳодир. Халққа, ватанга муҳаббат, дўстлик аҳди, покиза севги, инсоф ва адолат, ҳунар ўрганиш, илм-маърифат эгаллаш, ҳалоллик ҳамда саховат каби мавзулар шоир шеъриятида етакчи ўринда туради.

Навоий инсон умри боқий эмас, лекин яхшилик қилиб яшаган инсоннинг номи боқийдир, деб ёзади:

Бу гулшан ичраки йўқдир бақо гулига сабот,  
Ажаб саодат эрур, қолса яхшилик била от.

4-ўқувчи: Шоир яшаган даврдаги воқеалар унинг орзуларининг акси эди. Ўзаро урушлар, илм-маърифат аҳлининг хорликда кун кечириши шоирни изтиробга солади. Ҳукмдорларни адлу инсофга, тотувликка чақиради:

Олам аҳли билингизким, иш эмас душманлиғ,  
Ёр ўлунг бир-бирингизгаким, эрур ёрлиғ иш.

Навбат журналистлар гуруҳига берилади.

1-ўқувчи: Навоий ҳақида унинг замондоши Хондамир шундай дейди: «Навоий амирлик тахтини ўзининг муборак қадами билан зийнатлади. Яраланган давр жароҳатларига малҳам қўйиб, пуралам касалларига адолат билан шифо бахш этди».

2-ўқувчи: Алишер Навоий истеъдодига Мавлоно Лутфий юксак баҳо берганлар. Навоийнинг:

Оразин ёпқоч, кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш,  
Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз ниҳон бўлғоч кўш, —  
деб бошланувчи газалини тинглаб: «Агар муяссар бўлса эди,  
Ўзимнинг форсий ва туркий тилларда айтган ўн-ўн икки минг  
байтимни шу газалга алмаштирар эдим ва буни ўзимнинг энг  
катта ютуғим деб ҳисоблардим», — деган эдилар.

Бу туркий шеъриятга жуда катта истеъдод кириб  
келаётганидан нишона эди.

3-ўқувчи: Замондошимиз, адабиётшунос олим, академик  
Азиз Қажумов шоир ҳақида шундай дейди: «Буюк шоир ва  
мутафаккир Алишер Навоийнинг ҳаёти элу юртга садоқат  
билан хизмат қилишнинг энг ёрқин тимсолидир».

4-ўқувчи: Бобомиз ҳақидаги илиқ сўзларни давом  
эттираверсак, юксак чўққи ҳосил бўлиши турган гап. Биз ҳам  
юқоридаги фикрларга қўшилиб:

Мозийдан келади оташин овоз:

Ўзбегим яшайди — Сиз ҳам барҳаёт, — деймиз.

Олдинги дарсларда Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр»  
достонидан парча, рубойлари, қитъалари ўрганилган.  
Ўқувчилар «Ҳайрат ул-аброр»дан парчалар ёд айтадилар.  
Рубой, қитъа ва ҳикматли сўзлардан ҳам ёд айтиб, тест  
топшириқларини бажарадилар.

Ўқитувчи дарсни яқунлаб, буюк шоир ва мутафаккир  
Алишер Навоий қолдирган катта адабий мерос, Навоийнинг  
ҳаёти элу юртга садоқат билан хизмат қилишнинг ёрқин  
тимсоли деб таърифлайди.

Навоий ижодининг поёни йўқ. Алишер Навоий  
газалларини ўрганишда улардаги фақат ташқи-зоҳирий  
маъноларни илғаш билан чекланиб қолмай, унинг яширин-  
ботиний сифатларини ҳам идрок этиш лозим бўлади. Ана  
шундагина «...шоирлар султони» бўлган Алишер Навоий  
газалларини теранроқ англаш мумкин бўлади:

Ҳам сўз ила элга ўлимдин нажот,

Ҳам сўз ила топиб ўлук тан нажот,

Ганж бериб бўлмас экан тутса кўз,

Улча қилур вақтида бир яхши сўз.

## АЛИШЕР НАВОЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ ҲАҚИДА БИР САБОҚ

Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганишда тест, лабиринт, кичик матнлар тузиб ишлаш мақсадга мувофиқ. Дарс давомида мавзуга оид тестлар тузиб, бевосита уларни мустақил ишлашга ўргатади. Лабиринтлар ақл билан иш тутишга ўргатса, кичик матнлар яратиш эса, фикрлашга, ижод қилишга ундайди. Бешинчи синфда ахлоқ-одобга оид, ҳикматомуз рубоийларни ўқиб-ўрганиш кўзда тутилган. Уларни ўрганишда таҳлил қилиш, мисраларни насрга айлантириш, мазмунини шарҳлаш каби топшириқлар дарснинг фаолиятини оширади. Бу топшириқларни амалга оширишда синф ўқувчиларини кичик гуруҳларга бўлиб, “Зиг-зак” усулида, яъни бирин-кетин топшириқларни тезкорлик билан ишлашга ўргатиш жуда қизиқarli кечади. Бунда вақт белгилаб бoрилади. Топшириқлар турли столларга қўйилиб, гуруҳлар ўрин алмашиб ишлашади.

**Биринчи топшириқ:** Тест саволлари билан ишлаш.

1. Алишер Навоий дастлаб ўз ғазалларини қайси тилда яратган?

- A. Араб.
- B. Форс-тожик.
- C. Ўзбек.

2. Алишернинг ёзган ғазалидан таъсирланиб: “Агар муяссар бўлса эди, мен ўзимнинг ўн-ўн икки минг форсий ва туркий тилларда ёзган байтларимни шу ғазалга алмашар эдим ва буни ўзимнинг энг катга ютуғим деб ҳисоблардим”, — деб ким айтади?

- A. Лутфий.
- B. Жомий.
- C. Ганжавий.

3. Ҳусайн Бойқаро нега Машҳаддан Марвга жўнайди?

- A. Қасалиги туфайли.
- B. Тож-тахт учун қўшин тўплаш мақсадида.
- C. Ота-онасининг бағрида бўлиш учун.

4. Алишерни ҳар жиҳатдан ёқтирмаган ва Ҳиротдан сургун қилган подшоҳни белгиланг.

- A. Ҳусайн Бойқаро.
- B. Абулқосим Бобур.
- C. Абусаид Мирзо.

5. 1483–1485 йилларда Алишер қандай бахтга эришди?

A. “Ҳазойин ул-маоний” куллиётини тузади.

B. “Ҳамса” асарини яратади.

C. Вазирлик лавозимига эришади.

6. Алишер Навоий рубоийлари бошқа шоирларнинг рубоийларидан қайси жиҳати билан фарқланади?

A. Ишқийлиги, фалсафийлиги.

B. Ранг-баранглиги, мазмунининг чуқурлиги.

C. Тарбиявийлиги.

7. Алишер Навоий инсоннинг ҳақиқий безагини нимада деб билади?

A. Тож-тахт, мансаб.

B. Шоҳлар салласига санчиб қўйиладиган ҳукмдорлик тамғасида.

C. Унинг одоби ва ҳаёсида.

8. Алишерни Самарқанддан Ҳиротга ким чақиради?

A. Дўсти Ҳусайн Бойқаро.

B. Тоғаси Мирсаид Кобулий.

C. Устози Абдурахмон Жомий.

**Иккинчи топшириқ:** Алишер Навоий ҳаёти билан боғлиқ бўлган шаҳарлар бешта нуқтада йиллари билан акс этган. Сиз шаҳарларнинг номини белгиланг.

1. (1456 йил) — Машҳадга боради.

2. (1469 йил) — Самарқанддан Ҳиротга қайтади.

3. (1441 йил) — Ҳиротнинг Боғи Давлатхонасида туғилган.

4. (1460 йил) — Ҳиротдан Самарқандга кетади.

5. (1459 йил) — Машҳаддан Ҳиротга қайтади.

**Учинчи топшириқ:** Берилган исмларни тўлдириг ва уларнинг кимлигини аниқланг:

1. Фиёсиддин (Муҳаммад, отаси)

2. Шайх Абусаид (Чанг, бобоси)

3. Мирсаид (Кобулий, тоғаси)

4. Шарафиддин (Али Яздий, тарихчи)

5. Абулқосим (Бобур, подшоҳ)

6. Ҳусайн (Бойқаро, дўсти)

**Тўртинчи топшириқ:** Ушбу берилган сўзлардан фойдаланиб гуруҳингиз билан кичик матн яратинг. (“Ҳамса”, Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, туркий тил, бахт, бетакрор, нафис, шеърӣ мисралар...). Ўқувчилар топшириқларни бажариб бўлгач,

Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достонидаги ҳикоятлардан бири таҳлил қилинади.

**Ўқитувчи:** Болалар, сиз Макка ҳақида кўп эшитгансиз, Ҳажга борган киши ўз гуноҳларидан фориг бўлишга, покланишга умид қилади. Ҳикоя қилинишича, Исмоил деган шахс ҳам Маккага сафарга оғланади, у йўлда Шайх Мўмин билан учрашиб қолади. Шайх Мўмин бу йўловчининг ҳаж орзусида эканлигини билгач, ундан:

— Онанг борми?—деб сўрайди. Тасдиқ жавобини олгач:

— Йўлдан қайтиб онанг хизматини қил, — дейди. Бу маслаҳат хожи бўлишни истаган кишига ёқмайди. Шунда Шайх Мўмин:

— Мен элик марта ҳаж қилибман, бош яланг, оёқ яланг ва бирор ҳамроҳсиз. Барчасини сенга бердим. Сен онанг кўнгли шодлигин менга бер, — дейди.

— Хўш, бобомиз Алишер Навоий бу ҳикояти орқали қандай фикрни илгари сурган? — саволи орқали ўқувчиларга мурожаат қилиб, уларнинг фикрини билишимиз ва рубоийларидаги маъноларни шарҳлаш йўли билан уқтиришимиз мумкин.

“Муншаот” асарида эса: “... Пайғамбар буюрибдурларким, тангри таоло ғазаб ва ота ғазабига вобастадур. Киши ота ризосин олса, тангри таоло ризосин олган бўлур. ...Машойих сўзидурким... отанг парвардигорингдур”, — деган фикр баён қилинган.

Мана кўрдингизми, балки халқ орасидаги “ота рози — худо рози” деган нақл ўша даврлардан қолгандир.

Эндиги топшириқда ҳар бир гуруҳ биттадан рубоийни насрга айлантиради. “Фарзанд ато куллуғин чу одат қилғай” рубоийсининг насрдаги кўриниши бундай бўлиши мумкин: Ўз отасининг хурматини бажо келтирган фарзанд дунёдаги энг бахтли фарзанд бўла олади. Мана шу хурмати туфайли унинг касб-кори ривож топади. Ҳар ким отасига қандай муносабатда бўлса, келажакда худди шундай муносабат унинг ўз фарзандидан қайтади. Дарвоқе, бугунги ўғил — эртага ота, бугунги қиз — эртага она бўлиши табиий, бу ҳаёт қонунидир.

Рубоийлар шарҳлангач, ўқувчиларга ота-онани хурматлаш борасида халқимиз томонидан яратилган мақолларни эслаш вазифаси топширилади:

Ота-она дуоси бўлар фарзандга куёш.

Отангни кафтингда тутсанг,

Онангни бошингда тут.

Отасини оғритган — эл ичида хор бўлар,

Онасини оғритган — парча нонга зор бўлар.

Она — меҳрибон, ота — ғамгузор.

Олтин олма, дуо ол.

Маълумки, оғзаки нутқ ифодали ўқиш билан чамбарчас боғлиқ. Рубойларни ифодали ўқиш учун магнитофон тасмасидан намуналар эшиттирилади. Рубойларнинг вазни аниқланади ва ўқувчиларга кўчма ёзув тахтасига ёзиб қўйилган шеър баҳри бир неча бор такрорлатилади. Ўқитувчи кодоскоп орқали экранга туширилган рубойнинг барча мисраларини ушбу ўлчов асосида ёддан ифодали ўқийди:

Зе — вар ки / ши — га не тожу не аф — сар/ бил,

Ул зе — вар / а — даб бир — ла / ҳа- ё дар — хар/ бил.

Ҳар ким — ки/ а — даб — сиз дур/ и- шин аб — тар/ бил,

Ал — қис са/ е — ран — лар — га а — даб зе — вар бил.

Ўқувчилар рубойнинг қофияси (афсар, дархар, абтар, зевар) ва мисралар охирида такрор келган сўзлар — радиф(бил)ни топиб адабиёт дафтарларига кўчириб ёзадилар. Уйга вазифа қилиб ушбу рубойларни белгиланган вазн асосида ёд олиш ва мазмунини сўзлаб бериш топширилади.

## ИЖОД ОҒУШИДА

Алишер Навоий шеърни, шоирликни ҳамма нарсадан баланд тутди. Вазирлик мартабасида туриб ҳам шеър ёзишни тўхтатмади. Атрофидагилар унинг бу ишига рағбат ва хурмат билан қарадилар. Шоҳ Ҳусайн Бойқаронинг ўзи унга раҳнамолик қилди. Улуғ шоирнинг илк шеърини девонини мухлислари тузган бўлсалар, биринчи девони — “Бадое ул-бидоя” (“Бадиийлик ибтидоси”)ни 1472–1476 йилларда шоҳнинг амри ва истагига кўра ўзи китоб қилди. 1476–1483 йилларда иккинчи девон — “Наводир ун-ниҳоя” (“Ниҳоясиз нодирликлар”) майдонга келди. Алишер Навоий 1481–1482 йилларда “Вақфия” асарини ёзади. Вақф деб бирор хайрли ишнинг сарфу харажатини таъмин қилмоқ учун ажратилган ер ёки мулкка айтилади. Алишер Навоийнинг энг катта орзуси дoston ёзиш, биринчи навбатда, XII асрнинг буюк шоири Низомий Ганжавий (1141–1209)дан кейин шоирлик кудратининг мезонига айланиб қолган “Хамса” яратиш эди.

Низомийнинг “Панж ганж” номи билан тарихга кирган “Хамса”си 5 маснавийдан ташкил топган эди: “Махзан ул-асрор” (“Сирлар хазинаси”), “Хусрав ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Ҳафт пайкар” (“Етти гўзал”), “Искандарнома”. Юз йилдан кейин унга Хусрав Деҳлавий (1253–1325) жавоб қилди. У ўз дostonларини “Матла ул-анвор” (“Нурлар бошланмаси”), “Ширин ва Хусрав”, “Мажнун ва Лайли”, “Ҳашт беҳишт” (“Саккиз жаннат”), “Оинаи Искандарий” (“Искандар ойнаси”) деб атади. Лекин буларнинг ҳаммаси форсий тилда ёзилди. Улардан форслар ҳамда шу тилни билганларгина баҳраманд бўлдилар. Ўз халқининг шундай хазиналардан бебахра қолиши Навоийни қийнади. Навоий маслаҳатга устози Абдурахмон Жомий ҳузурига боради. Жомий Навоийни бу ишга тезликда киришишга ундайди, унинг ўз кучи ва имкониятларига ишончини мустаҳкамлайди. Навоий беш дostonи устида 1483–1485 йилар давомида, икки йил меҳнат қилди ва “Хамса”дек шоҳ асарни туркий тилда майдонга келтирди. Шоир ишлаган кунлар ҳисобга олинса, 54 минг мисрадан иборат улкан обида олти ойда битказилади. Олиму фузало, шоиру шуаро барча бу ҳодисани зўр олқиш билан кутиб олдилар. Зайниддин Восифийнинг “Бадое ул-вақое”сидан: “Шоҳ Навоийга: “Бир можаро сиз билан бизнинг орамиздан кўпдан ҳал бўлмай келади, шунини бугун бир ёқлик қилайлик”, дейди. Алишер эса ҳар гал: “Ё Оллоҳ, ё Оллоҳ, бу қандай гап бўлди! Аслида биз муридмиз, сиз ҳаммага пирсиз” дер эди. Энди Султон Ҳусайн

Алишердан сўради: “Пир нима-ю, мурид нима?” Алишер жавоб берди: “ Пирнинг тилаги муриднинг тилаги бўлиши керак”. Шунда Султон Ҳусайн ўзининг оқ отини олиб келишни буюради. От жуда асов, чопагон эди.

Султон Ҳусайн айтди: “Сиз мурид, мен пир бўладиган бўлсам, Сиз шу отга минасиз, мен уни етаклайман”. Алишер ноилож отга минишга мажбур бўлади. От ғоят асов бўлиб, шохдан бошқани ўзига яқинлаштирмас эди. Алишер оёғини узангига қўйиши билан от типирчилай бошлади, Султон Ҳусайн отига ўшқирди, от итоат қилиб, Алишернинг минишини кутди. Алишер эгарга ўтириши билан Султон Ҳусайн отнинг жиловидан ушлаб етаклай бошлади. Алишер ҳушидан кетди. Уни эгардан қўтариб олдилар. Тарихда бундай ҳол кўрилмаган эди. Ҳеч бир замонда шоҳ шоирга жиловдорлик қилмас эди.

1480–1490 йиллар Навоий учун бадиий ижодда самарали давр бўлди. Шоир “Хамса”дан кейин кўп ўтмай кетма-кет насрий китоблар яратди. У 1488 йилда “Тарихи мулуки Ажам” (“Ажам шоҳлари тарихи”) асарини ёзди. Унинг иккинчи номи “Зубдат уг-таворих” (“Тарихлар қаймоғи”) деб ҳам аталади. 1480 йилнинг охири 1490 йилларнинг бошида Навоийнинг яқин дўстлари, устозлари Саййид Ҳасан Ардашер (1489), Абдурахмон Жомий (1492), Паҳлавон Муҳаммад (1493) кетма-кет вафот этадилар. Навоий уларга бағишлаб “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”, “Хамсат ул-мутаҳаййирин”, “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асарларини ёзди. Бу асарлар шоирнинг улғу замондошлари ҳақидаги мемуар хотираларидан ташкил топган эди. 1491 йилда “Рисолайи муаммо” (иккинчи номи “Муфрадот”) рисоласини ёзди. Навоий замонасида муаммо жанри кенг тарқалган бўлса-да, асосан, форсий тилларда асарлар ёзилар эди. Навоий ўзбек тилида муаммо ёзган илк ўзбек шоирларидан бўлди. “Ҳазойин ул-маоний”га унинг 52 та муаммоси киритилган. Шоирнинг форс тилидаги муаммоларини эса, 500 минг чамалайдилар. Навоийнинг энг катта хизматларидан бири “Ҳазойин ул-маоний” (“Маънолар хазинаси”)ни тузиши бўлди. 1492–1498 йилларда тартиб қилинган тўрт девондан иборат бу улкан шеърый қуллиёт шоирнинг туркий тилда ёзилган деярли барча лирик асарларини қамраб олган эди. Умрининг охирида эса (1500 йил) 3 қисмдан иборат “Маҳбуб ул-қулуб” (“Кўнгилларнинг севгани”) деган асар ёзиб, гўё ўзидан кейин келадиган авлодларга ўз ҳаётий сабоқларини ёзиб қолдирди. Умуман олганда, Навоий яратган асарлар бизгача, биз ва биздан кейинги авлодлар учун тарбия мактаби бўлиб хизмат қилади.

## УВАЙСИЙ СИЙМОСИ БИЛАН УЧРАШУВ

(Ноанъанавий дарс сценарийси)

Адабиёт дарсларининг вазифаси ижодкорларнинг асарлари замирига сингдирилган ғояларни шаклланиб келаётган инсоннинг кўнгил мулкига айлантиришдан иборат. Бу том маънода ўқиш, ўрганиш, бадий тафаккурни ёзма ёки оғзаки равишда ифодалаш орқали амалга ошади.

Сўзнинг сеҳрли уммонида ўқувчи «тоштарош», шоир, адиб эса қимматбаҳо тошлардан сеҳрли қирралар топиб, жавоҳирлар яратувчи заргардир.

Адабиёт дарсларида ноанъанавий шакл ва усуллардан фойдаланиш таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Қуйида мумтоз адабиётимиз намояндаси, шоира Увайсий ҳаёти ва ижодини ўргатишга қаратилган ноанъанавий дарс ишланмасини тақдим этамиз.

### МАВЗУ: Увайсий ҳаёти ва ижоди.

**Дарснинг мақсади:**

**Таълимий мақсад:** Увайсий ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот бериш.

**Тарбиявий мақсад:** ажодлар меросини ҳурмат қилишга ўргатиш.

**Ривожлантирувчи мақсад.**

**Дарс тури:** театрлаштирилган дарс.

**Дарс методи:** савол-жавоб, суҳбат.

**Дарс жиҳози:** Увайсий сиймоси акс этган портрет, шоиранинг шеърий тўплами.

**Р Е Ж А:**

1. Увайсийнинг ёшлик чоғлари.
2. Шеъриятга бўлган қизиқиши.
3. Умархон саройидаги адабий муҳит.
4. Увайсий ижодидаги дардчиллик.
5. Увайсий чистонлари.

*Синф хонасига Увайсий тимсолида юқори синф ўқувчиси кириб келади.*

**Увайсий:** Не юмуш билан машғулсиз, қароғларим, нималарни ўрганмакдасиз?

**1-ўқувчи:** Ассалому алайкум, хуш келдингиз. Биз ўқувчилармиз. Шоир ва адибларимизнинг ҳаёти ва ижодини ўрганмоқдамиз. Бирор юмушингиз бормиди?

**Увайсий:** Чирогларим, умрингизга умр кўшилсин, қандай бахтли, қувноқ авлодсиз. Шундай ёруғ, кенг ва равшан хоналарда ўқийсиз. Мени танимаяпсиз, шекилли?

*Увайсий ғазалларидан икки байт ўқийди.*

1- **ўқувчи:** Ҳа, ҳа, танидим.

2- **ўқувчи:** Ўтмиш давр аёлларига ўхшаб кетаркансиз? Сочингиз узун, бошингизда рўмол, кийимларингиз ҳам...

1- **ўқувчи:** Мен сизни танидим. Сиз ҳақингизда бувижоним кўп айтиб берганлар. Шеърларингизни ёддан биладилар. Сиз мумтоз шоираларимиздан бири, чистонлар устаси Увайсийсиз, шундайми?

**Увайсий:** Ақлингизга балли, адашмадингиз. Мен Жаҳон отин Увайсийман.

3-**ўқувчи:** Бизни Сизнинг ҳаётингиз қизиқтиради. Гапириб беринг.

**Увайсий:** Мен XVIII асрнинг 80-йилларида Марғилондаги Чилдухтарон маҳалласида таваллуд топдим. Асли исмим Жаҳон бўлиб, марғилонлик олим ва фозил бир зотнинг қизи эдим. Отам Сиддиқ бобо мадраса кўрган, онам Чиннибиби мактабдор аёл бўлган. Акам Охунжон ашуладан хабардор бўлиб, менга танбур чалишни ўргатар эдилар. Отам ўзбек ва тожик тилларида ашъорлар битар эрдилар. Мен улардан маърифатни, маданиятни ўрганиб, камолга етдим.

**Ўқувчи:** Шеъриятга бўлган қизиқишингиз ҳақида гапириб беринг?

**Увайсий:** Шеъриятга ҳавас ота-онам туфайли уйғонган. Отам менга адабиётдан сабоқ берар ва шеърят қонун-қоидаларини ўргатар эдилар. Шу тариқа тез фурсатда чиғатой (ўзбек) ва форс адабиётини пухта ўргандим. Кўқонда Умархон саройида жуда кўп шоирларнинг тўпланиши ва улар орасидаги адабий мунозаралар ҳақидаги довруқ Марғилонгача ёйилиб, менинг кулогимга ҳам етиб келди. Шу кундан бошлаб вужудим Марғилонда бўлса ҳам, қалбим Умархон саройидаги адабий суҳбатда эди. Адабий суҳбатларга бўлган ташналик, шоиралик маҳоратимни пешқадам шоирлар олдида синаб кўриш хоҳиши менинг осойишталигимни бузди. Ниҳоят, бу истакни амалга ошириш ниятида отамдан Кўқонга боришга рухсат сўрадим. Отамга бу ниятим ғайритабиийдек туюлиб, дастлаб рози бўлмадилар. Лекин бу масалани қайта-қайта ўртага қўйиб, отамга ёлвордим, илтимос қилдим. Охири отам адабиётга

бўлган рағбатимни синдирмаслик учун рози бўлиб, бир мактуб бирла қўқонлик дўстининг уйига юбордилар. Мен бу хонадонда бир неча кун истиқомат қилиб, сарой шоирлари тўпланиб, адабий суҳбатлар ўтказадиган вақт ва кунни аниқ билиб олдим.

**Ўқувчи:** Умархон саройига қандай кира олдингиз?

**Увайсий:** Кунлардан бир кун қўқонлик ҳомийнинг маслаҳати билан жулдур-жулдур паранжи ёпиниб, кампир қиёфасида Умархон саройига бордим. Мени Ўрда соқчилари тўхтатиб нима муддао билан келганлигимни сўрадилар. Соқчилар бу «кампир»га шоҳ ва шоирлар мажлиси қаерда-ю, шеър қаерда мақомида муомала қилиб, мажлисга киритмадилар. Шунда соқчига бир қоғоз бериб, буни подшоҳга топшириш, деб илтимос қилдим. Соқчи саройга бориб, подшоҳга воқеани батафсил ҳикоя қилиб, мен берган қоғозни топширибди. Умархон букланган қоғозни очиб менинг ғазалимни юзлаб шоирларга баланд овоз билан ўқиб берибди. Ҳазал ҳаммага манзур бўлибди. Шундан сўнг Умархон соқчига мени олиб келиш ҳақида фармон берибди. Буларнинг барини мен кейин мажлис иштирокчиларидан эшитдим. Соқчи дарҳол мени бошлаб кирди. Аҳли мажлис мен ёзган ғазалга юксак баҳо бериб мақтадилар. Шундан кейин мен жулдур паранжини секин бўйнимдан олиб ташладим. Умархон ва сарой шоирлари қаршисида кампир эмас, бир гўзал жувон турганлигини кўрдилар. Умархон мендан қаерлик эканлигимни ва нима муддао билан келганимни сўради. Мен шоҳга ўз саргузаштимни батафсил сўзлаб бердим. Ҳикоямни эшитган Умархон ва шоирлар адабиётга бўлган муҳаббатимга таҳсин айтдилар, Шундан сўнг Умархон мени Ўрдадаги хоним ойимларга мураббий қилиб тайинлади ва алоҳида жой берди. Шу тариқа сарой шоирларининг адабий мунозараларида тенг ҳуқуқли аъзо сифатида иштирок эта бошладим.

**Ўқувчи:** Фарзандларингиз ҳақида ҳам маълумот беринг.

**Увайсий:** Отамдан жуда эрта жудо бўлдик. Онам ва акам ўн етти ёшимда Ҳожихон исмли қосиб йигитга узатишди. Қуёшхон ва Муҳаммадхон исмли фарзандлар кўрдик. Аммо турмуш ўртоғим эрта оламдан ўтдилар. Фарзандлар тарбияси ёлғиз ўзимга қолиб мактабдорлик қилдим, ижод билан шуғулландим. «Увайсий» тахаллуси билан ғазаллар ёздим. Илму адабиёт ҳомийси Нодирабегим икки фарзандим ва менга умрларининг охиригача ҳомийлик қилдилар. 1822 йил Умархон

вафот этгач, ўгли Маъдалихон тахтга ўлтурдилар. Аммо ғўрлик қилиб, она сўзларини ҳеч назарга илмас эдилар. Оҳ, у кунларни ёдга олиш нақадар оғир... Қашқарга юриш қилганларида нуридийдам Муҳаммадхонни ҳам олиб кетдилар. Бир томонда қизим Қуёшхоннинг вафоти, Муҳаммадхондан айрилиқ, золим Бухоро амири Насруллохоннинг Нодирабегимни қатл эттириши қаддимни букиб, ғам-ҳасратларда қолдирди мени.

**Ўқувчи:** Шунинг учун доим қайғули, ташвишли кўрунар экансиз-да? Невараларингиз йўқ эдимми?

**Увайсий:** Бир ярим ёшда етим қолган неварам — Қуёшхоннинг қизи— Биби Хадичани балоғатга етказмоқни ният қилган эдим. Аммо оғир кулфатлар мени адо қилди. Минг саккиз юз эллагинчи йилда бу фоний дунёни тарк этдим.

**Ўқувчи:** Оғир кунларингизни эслатиб, кайфиятингизни туширдик. Келинг, ижод йўлингиздан эшигайлик.

**Увайсий:** Бутун умрим бўйи бадий ижод билан шуғулландим. Шеърий девонлар яратдим. Чистон ёзиш жону дилим эди. Ҳали устозингиз булар хусусинда гапириб берадир.

**Ўқувчи:** Дунёни бу кун давр ила даврони ғанимат,

Келтурди халойиқни, меҳмони ғанимат...

матлали ғазалингизни ёзишга нима сабаб бўлган?

**Увайсий:** Бунда умрнинг ғаниматлиги, уни қадрлашни таъкидлаганман.

**Ўқувчи:** «Замона кулфатидин...» деб бошланувчи ва бошқа бир қатор ғазалларингизда илгари сурилган ғоялар ҳақида тўхталсангиз?

**Увайсий:** Деярли барча ашъоримда ўз ҳаётимдаги воқеа-ҳодисалар натижасидаги ҳис-туйғуларим қоғозга тўкилган.

**Ўқувчи:** Ўғлингизга атаб ғазал ёзганмисиз?

**Увайсий:** «Соғиндим» радибли ғазалим сарбоз қилиб жўнатилган жигарбандим Муҳаммадхонга бағишланган.

**Ўқувчи:** Демак, жуда кўп азобли, укубатли кунларни бошингиздан кечирган экансиз-да?

**Увайсий:** Фарзандларим менинг қувончим, бор-йўғим эди. Улар бу оламни эрта тарк этсалар-да, авлодларидан шоиру шоиралар етишиб чиқди.

**Ўқувчи:** Энди мен ҳеч қачон оналарга озор берганларни кечирмайман.

**Ўқувчи:** Мен эса, катта олим бўламан, сизнинг девонларингизни қайта нашр эттираман.

**Увайсий:** Шукур, сиздек доно, ақлли, зукко фарзандлар юртнинг келажагидир. Камлик кўрманг, илмингиз янада ошсин. Ушбу кунги суҳбатдан кўнглим тўлди.

**Ўқувчи:** Бу кун ўзбекнинг мумтоз шоираси ҳақида кўп нарсалардан бохабар бўлдик. Унинг серқирра ижодидан баҳраманд бўлдик. Бунинг учун сизга минг раҳмат.

**Увайсий:** Қароеларим, ўқишингизда омадлар тилайман. Ҳали кўп учрашиб, суҳбатлашамиз. Омон бўлинг, азизларим!

Олган таассуротларингизни китобларингиздан ҳам ўқиб мустаҳкамлаб олинглар.

**Ўқитувчи:** Умархон Увайсийга Марғилонда муҳташам бир иморат солиб берган. Бу иморат Марғилондаги Ипакчилик мавзесида бўлиб, 1941 йилгача унда шоиранинг авлодлари яшаб келганлар.

Увайсий адабий мероси ҳақида жуда салмоқли фикрлар айтиш мумкин. Унинг асарлари катта бир девон, шу девонга киритилган «Карбаломна» ва «Воқеоти Муҳаммад Алихон» номли манзум ҳикоялардан иборатдир. Бу девон 1857—1858 йиллар мобайнида Муҳаммад Шоҳ Юнусхон тарафидан кўчирилган бўлиб, 100 саҳифадан иборатдир. Девонда юқорида зикр қилинган икки манзум ҳикоядан ташқари, 269 ғазал, 29 мухаммас, 55 мусаддас ва 1 мураббаъ бор. Шоиранинг ҳамма асарлари ўзбек тилида бўлиб, Навоийнинг тўққиз ва Умархоннинг бешта ғазалига мухаммаслар боғланган.

**Ўқитувчи:** Сизга анор таърифидаги чистон маъкулми?

**Ўқувчи:** Ҳа, албатта, бу шеър шу мавзудаги энг мумтоз асарлардан бири бўлиб, анорнинг хусусиятлари бирма-бир баён қилинган.

**Ўқувчи:** «Анор» чистони шоиранинг мушоҳада кучи, унинг нарсаларга нечоғлик эътибор билан қарагани, бошқача айтганда, ҳаётга рассом кўзи, санъаткор қалби билан назар солганидан дарак беради.

*Дарс якунида ўқувчиларнинг саволларга берилган жавоблари маъқулланиб, баъзи жойлари ўқитувчи томонидан тўлдирилади. Шоира ижодига мансуб ғазал ва чистонлардан намуналар ифодали ўқилиб, шарҳланади. Дарсда фаол иштирок этган ўқувчилар баҳоланиб, Увайсий лирикасидан намуналар ёд олиш уйга вазифа қилиб топширилади.*

*Магнитофон ёки компакт диск орқали Увайсий ғазаллари таралади...*

# ТАЪЛИМ БОСҚИЧЛАРИДА ИЖОДКОРЛАР ҲАЁТИ ВА ИЖОДИНИ ЎРГАНИШ

## АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ БАДИИЙ МАҲОРАТИ

Академик ёзувчи Ойбек А. Қодирий ижодини юксак тақдирлаб, адиб портретига доир муҳим белгиларни ҳам санъаткорона тасвирлаган эди: «Ўрта бўйли ва миқтидан келган, доимо тўн ва бахмал дўппи кийиб юрадиган, кўринишидан деҳқонларга ўхшаб кетадиган, тим қора кўзлари кичик, ўткир, шўхчан, гоҳо эса, худди ўзи билан банд бўлгандай бепарво кўринадиган бу киши ўша пайтлардаёқ машҳур ёзувчи, улкан ва гўзал романнинг автори эди!

А. Қодирий истеъдодли, қалби бутун ва ўзига хос равишдаги шахс эди».

Ёзувчи Ойбек «А. Қодирий мозийдаги ҳаётнинг ташқи картиналарини жуда гулдор бир услуб ила чизади. Бунинг учун махсус буёқлар топади» деб ёзади. Хусусан, мунаққид адибнинг кундалик ҳаётдаги тегишли нуқталарни маҳорат билан чизганини қайд қилади. Табиат манзараларининг «характерлар тасвири билан боғлиқ равишда берилишини» таъкидлайди.

Ўзимизни бир зум XX аср бошларида деб фараз қилайлик: Асримиз бошларида маданий ҳаётдаги жонланиш. Рус ва Фарб маданиятидаги жонланиш. Рус ва Фарб маданияти намуналарининг ҳаётимизга кириб кела бошлаши. Бунинг таъсирида дунёвий адабиётнинг ривожланиши, реалистик қарашларнинг кучайиши, шаклда ҳам рўй бераётган ўзгаришлар. Кичик ҳажмдаги насрий асарларнинг пайдо бўла бошлаши ва уларнинг «роман» номи билан эълон қилиниши...

Ниҳоят, ёруғ кунлар. Халқ, миллат ғамини ейдиганларнинг қувончи. Ҳаётда, илм-фан, маданият соҳасида рўй бераётган ўзгаришлар. Йил сайин эмас, ҳар ойда, ҳар кунда рўй бераётган янгиликлар. Шундай бир пайтда ўзбек китобхони учун қутилмаган бир алфозда (1922 йил) биринчи ўзбек романи — «Ўткан кунлар» вақтли матбуот саҳифаларида эълон қилина бошлайди. Биринчи ўзбек романи эълон қилинган газета ва журналлар қўллардан-қўлларга ўтиб, талаш бўлиб ўқилади.

Адабиётимизда қатор ижтимоий масалаларни кўтариб жаҳонни ларзага солган, ҳаётнинг сир-асрорларини ердан беришга эриша олган монументал жанр пайдо бўлди.

Қодирий Шарқ адабиётига хос романгик тафаккур, Европа адабиётга ҳос реалистик услубни бир нуқтага йиғиб бера олди.

А. Қодирий ўзбек адабиёти тарихида биринчиларидан бўлиб йирик эпик асарлар яратишга киришаркан, мазкур асарнинг кенг халқ оmmasига бориши ва қандай қабул қилиши ҳақида жиддий ўйлайди.

«Ўтган кунлар»ни ёзар эканман, — деган эди у, — доим кўз ўнгимда ўқувчи оmmамиз турар эди. Мен бу китобим билан халқимиз рағбатини, бир оз бўлса ҳам, янгиликка тортай дер эдим».

А. Қодирий романи ана шундай эзгу ниятнинг айнаи вақтда жуда машаққатли ижодий меҳнатнинг самараси сифатида халқ қалбидан мустаҳкам ўрин олди.

Отабек, Кумуш, Юсуфбек ҳожи номлари кўнгилларга жо бўлди. Дилларга ўрнашди. Тоҳир ва Зухро, Лайли ва Мажнун, Фарҳод ва Ширин, Ошиқ Фариб ва Шоҳсанам, Алпомиш ва Барчинойлар сингари, Отабек ва Кумуш ҳам тилларда дoston бўлди.

А. Қодирий «Ўтган кунлар» романига муҳрлаган санъатларнинг сони, саноғи йўқ десак муболаға қилмаган бўламиз. Биргина жонлантириш воситасидан санъаткорона фойдаланиб ажойиб поэтик тимсоллар ярата олганки, қойил қолмай иложимиз йўқ. Адиб хусусият белгисини жонсиз нарсаларга кўчиришнинг ҳеч кимда учрамаган кўринишларини юзага келтирадики, бу ҳолни, айниқса, Кумуш тасвирида яққолроқ кўриш мумкин: «...жон олгучи қора кўзлари ҳаракатлана бошланган эдилар», «бир ўрим бўлиб тушган узун кўнғир сочи унинг ҳаракати билан қўлтиғи остида ўйноқлар эди».

Бу матнларда жонлантиришнинг шахс билан боғлиқ тури — ташхисни кўрамыз. Адиб бу восита орқали асар қаҳрамони Кумушнинг беқийёс ҳусну жамолини акс эттиради. Яна кузатамиз: «Унинг кўзлари мулойимгина сув устига оғдилар... Унинг юзини ўпиб тушган сув томчилари билан ариқ ҳаракатга келиб чайқалди».

Асарда Отабек ва унинг ҳолати тасвирларида ҳам шахс билан боғлиқ жонлантиришнинг энг чиройли намуналарини ўқиймиз. Улар китобхонни ҳаяжонга солади.

А. Қодирий баён усулининг беқийёс устаси ҳисобланади. Ижодкор асар қаҳрамони руҳиятини беришда катта-катта матнларни бошидан-охиритача жонлантириш асосига куради. У

инсондаги ҳиссиётлар, ҳис-туйғуларни жонсиз предмет — дугорга кўчиради, уни сўзлатади, тинглаганни йиғлатади:

«...Дугор «Ифор» куйини чалиб, чилдирма ҳам нозик қўллар билан унга қўшила борди. Дугор кўнгилнинг аллақандай ингичка жойини қитиқлайди...» Адиб дугорга «жон» бахш этиш орқали китобхон қалбини ҳиссиётга, ҳайратга фарқ қилади, уни тўлқинлантиради.

Бу тасвирлар адибнинг борлиққа шоирона қарашининг самарасидир.

А. Қодирий «Ўтган кунлар» романида нафақат жонлантириш, балки бошқа санъатларнинг ҳам бетакрор намуналарини яратиб, улар орқали гўзаллик, табиат жилоси, инсон характери ва ҳолати, муҳаббат ва нафрат туйғуларини ўқувчи кўз ўнгида гавдалантиришга, унинг осон тушунилишига эриша олган адибдир.

Бадий асарни мустақил мутолаа қилар эканмиз, ундан ўғит, панду насиҳатлар оламиз ёхуд юксак фазилятлар эгаси бўлиш ҳаракатига тушамиз.

Чунончи, «Ўтган кунлар»ни ўқиган қайси фарзанд Отабекдек ориятли ва босиқ, Кумушбибидек иболи ва жасур бўлгиси келмайди дейсиз? Романнынг маъно-мундарижа доираси аслида анча кенг. Унда хилма-хил ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий муаммолар қаламга олинган. Бироқ улар орасида энг муҳими — юртнинг, миллатнинг тақдири, мустақиллиги масаласидир.

Абдулла Қодирий инсон хулқининг гултожи бўлмиш эрк, ор-номус, уят, ҳаё, ибод, диёнат, меҳр, мурувват каби муқаддас туйғуларнинг инсоният қалбидан абадий маскан топишини орзу қилган, бутун ижоди, бутун умрини шу мақсад сари йўналтирган улғу санъаткор эди.

## УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМДА УСМОН НОСИР ИЖОД ЙЎЛИНИ УЗВИЙЛИКДА ЎРГАНИШ

Адабий таълимда узвийликка алоҳида эътибор қаратилиши бежиз эмас. Чунки ҳар бир синф дарслиги ўқувчи ёшини ҳисобга олиб ёзилади. Масалан, бир ёзувчи(шоир)нинг ҳаёти ва ижодини қуйи синфларида соддароқ ва оддий сўзлар орқали баён этилади. Бу ёшдаги ўқувчиларнинг фикрлаш доираси, қабул қилиш имкониятлари чекланган бўлади. Шунинг учун ҳам уларга ҳикоялар, улар ёшига мос мавзулар берилган. 6-, 7-синфларда ёзувчи (шоир) ҳаёти ва ижодидан парчалар берилса, 8-, 9-синфларда эса ёзувчи(шоир) ижодининг ғояси, илгари сурилган мақсадни ёритиш билан белгиланали.

Буни биз ўзбек адабиётида ёрқин из қолдирган Усмон Носир ҳаёти ва ижод йўлини 5-, 7-, 8-синф адабиёт дарсларида узвий ўрганилишида кўришимиз мумкин. Дунё адабиётида шундай шоирлар ўтганки, уларнинг умри ва ижоди худди қоронғу осмонни бирдан ёритиб юборган чақмоққа ўхшайди.

Рус шоири М. Ю. Лермонтов, татар ижодкори Абдулла Тўқай, ўзбек адабиётининг ёрқин намояндаси Усмон Носир мана шундай ёрқин сиймолардандир.

Усмон Носир гарчи жуда кам умр кўрган бўлса-да, у ёзиб қолдирган асарларнинг аҳамияти асрларга татиғуликдир. Усмон Носир 32 йил яшаган бўлса, шунинг 6-7 йилидагина эркин ижод қилиш имкониятига эга бўлди. Усмон Носир нафақат адабиётни, балки дунё тарихи, фалсафаси, санъатини ҳам чанқоқлик билан ўзлаштиришга, буюкларга эргашиб ижод қилишга ошиқарди.

Усмон Носирнинг ҳаёт йўли дастлаб 5-синфнинг "Адабиёт" дарслигида ихчамгина тасвирланади. Шеърлар ҳам бола онгида тасаввур қила олинadиган даражада танланган. Бу ёшдаги ўқувчиларга матн ва шеър сарлавҳаси содда, лўнда бўлиши лозим, негаки, бола шеър номини эшитиши билан шеър нима ҳақида бўлишини ва ундаги сўзларни тасаввурига сиғдира олиши, шу билан бирга, бевосита шеърнинг қаҳрамонига айланиши керак.

Усмон Носир шеърятга ҳақида сўз кетганда болаларча шўхчанлик, беғуборлик, соддаликни кўришимиз мумкин. Унинг шеърларида ҳар бир фасл, ер, осмон, кўёш, юлдуз, ой, дарахт ва чечаклар, қуш ва ҳайвонлар бадий умуллашма образ

даражасига ўсиб чиқади. Бу жиҳатдан унинг тўрт мисрадан иборат куйидаги шеъри эътиборга лойиқ:

### БОЛАЛИГИМГА

Капалакнинг гул эмганин кўрдим,

Эслаб кетдим сени, малагим...

Сен бердингми, шунча ширин шеърни,

Эй, барглари кўм-кўк палагим?

Шеърни ўқиган ҳар қандай ўқувчи болаликнинг ширин хотираларига чўмиши аниқ. Бола — капалак; болалик — гул, малак, кўм-кўк палак...

Усмон Носир шеърияти асл туйғулар ва порлоқ фикрлар ифодаси бўлмиш шеърятдир. Шоир ўзи ҳис қилмаган, дилига тугён солмаган мавзулар ҳақида асло қалам тебратмаган. Шоирнинг ҳар бир шеъри — юрак фарёди. Шу боис ўқувчининг юрагига тез етиб боради.

7-синф адабиёт дарслигида эса, мавзулар анча мураккаб тарзда берилган. Бу дарсликнинг кириш қисмида ёрқин ифодасини топади. Шу ўринда «Юрак», «Яна шеъримга», «Насимага деганим» шеърлари мисол бўлади. Узвийлик давом этгани ҳолда 8-синф дарслигида оддийдан мураккабга, қуйидан юқорига сингари қонуниятларга таяниб иш кўрилган. Бу синфда асосан шеърларнинг моҳияти ва таҳлилига кўпроқ ўрин ажратилган. Шунингдек, шоирнинг таржимонлик маҳоратига урғу берилган.

Рус адабиётининг кўркем дostonларидан иккитаси «Демон», «Боғчасарой фонтани» унинг таржимасида жаранглаб турибди.

1983 йилда Абдулла Орипов томонидан «Усмон Носир ҳақида сўз» сарлавҳаси билан эълон қилинган мақолани дарсликда берилган маълумотларга қўшимча тарзда бера олсак, Усмон Носирни билиш ва ўқиб-ўрганишда янада кўпроқ ёрдам беради, дейишимиз мумкин.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, ҳар қандай дарслик ва материал, аввало, таълим мазмунининг узвийлиги ва узлуксизлиги тамойилига асосланиши керак. Ҳар бир дарслик ўзидан аввалги босқич учун яратилган дарсликларнинг тадрижий давоми бўлмоғи давлат таълим стандарти талабидир.

## ОЙБЕКНИНГ БАДИИЙ МАҲОРАТИ

Улкан истеъдод соҳиби Ойбек ҳозирги замон ўзбек адабиётининг мумтоз адиби бўлиб, том маънодаги халқчил ижодкордир.

Ойбек лирик шоир ва улкан адиб сифатида донг таратган. Унинг камалақдек товланувчи шеърятини, пурвиқор ва ҳикматли насрини китобхонлар севиб ўқийдилар. Ойбек ижодининг ўзига хос фазилатлари, ибратли томонлари кўп. Жумладан, шеърларининг теран мазмуни, қуйма маъноси, равон шакли ўқувчини беихтиёр сеҳрлаб қўяди.

Маълумки, Ойбек ўз ижодини шоир сифатида бошлаб, бу борада яхши самараларга эришган бўлса-да, 30-йилларнинг иккинчи ярмига келиб катта насрий асарлар яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. У, даставвал, бир қатор ҳикоя ва очерклар ёзиб, насрда маълум бир тажриба ва малака ҳосил қилади. Сўнгра йирик асарларини ёзишга киришади. Ойбекнинг айтишича, Навоий ҳақидаги материалларни 1928 йилдан йиға бошлаган ва 1942 йилда ёзиб тугатган. Демак, «Навоий» ёзилгунча муаллиф деярли 15 йил давомида илмий-бадий тайёргарлик ишларини олиб борган. Унинг Навоий ҳақидаги сўнги мақоласи 1968 йилда эълон қилинган. Бундан Ойбекнинг улғу сўз санъаткори ҳаёти ва ижоди билан деярли 40 йил давомида шуғулланганлиги маълум бўлади.

Ойбек «Қутлуғ қон» романининг яратилиши ҳақида:

«1937 йилда «Қутлуғ қон» романини ёза бошладим. Бу романни ёзиш учун материал йиғиб ўтирмадим, болалигимдан ҳаётни кузатишни севганлигимданми, кўнглимдан, хотирамдан «Қутлуғ қон» романи куюлиб келаверди. Романни қисқа фурсатда ёзиб тугатдим», — деб ёзган эди.

Ойбекнинг 21 ёшида илк шеърий тўплами нашр этилган, 32 ёшида «Қутлуғ қон»ни, 37 ёшида «Навоий»ни ёзиб, кенг китобхонлар оммасига тақдим қилган.

«Ёзувчининг умри йил билан ўлчанмайди — ижодий фаолиятининг самараси билан ўлчанади. Ойбек 400 йилга тенг келадиган 40 йиллик фаолиятининг ҳар бир лаҳзасини самарасиз ўтказгани йўқ. Ойбек бу жиҳатдан ҳам ҳозирги ва келажак авлод қаршисида устоз бўлиб гавдаланади». А. Каҳҳорнинг бу ҳаққоният тўла сўзларида Ойбек ҳаёти ва ижодининг самараси тўла намоёндр.

Адабий танқидчи Ҳомил Ёкубов шундай деганлар: «Ойбекнинг ижодий меҳнат активлиги «Қутлуғ қон» романини

ёзишда жуда яққол кўзга ташланади. У шу қадар қизгин илҳом билан қалам тебратадикки, олти ой бадалида миллий озодлик ҳаракатида меҳнаткаш халқ онгининг мунавварлашишини тасвирлаган, ғоявий-бадий жиҳатдан юксак ўзбек адабиётининг классик кутубхонасидан абадий ўрин олган «Қутлуғ қон» романини ёзиб битиради».

Тарихдан маълумки, 1916 йилда катта қўзғолон бўлиб ўтган. Бу воқеа рўй берганда Ойбек 11 ёшда бўлган.

«Гарчи мен роман воқеалари юз берган даврда ҳали кичик бола бўлсам ҳам, халқ турмушини кўрдим, камбағалларнинг қоронғу ва дим уй-жойларини, бойларнинг атрофи баланд-баланд деворлар билан ўралган ҳашаматли иморатларини, муздек ҳовузи бўлган боғларини кўрдим. Мен кейинчалик романимда тасвир этилган турмуш ва ижтимоий муносабатларнинг кўпгина томонларини ўша вақтдаёқ чанқоқлик билан кузатган ва тушунган эдим», — деб ёзади Ойбек.

1916 йил қўзғолонининг аланга олишига сабаб бўлган воқеа «Оқ подшо»нинг мардикорликка олиш тўғрисидаги фармони бўлди. «Оқ подшо»нинг бу фармони ўша кезларда фақат камбағал оилалар, бева-бечоралар ҳисобига бажарилади.

Ойбекнинг романи ёзишдан мақсади мурувватли бойларни кўрсатиш эмас, тенгсизлик бор жойда адолат ва ҳақиқатнинг қуриши мумкинлигини айтиш, инсониятнинг ўз тараққиёти давомида зулм, адолатсизлик ва синфий айирмачиликнинг ҳар қандай кўринишини бартараф этиб боришини намоён этиш эди.

Хуллас, ёзувчи иккиёқлама зулмдан сабр косаси тўлган халқнинг 1916 йил қўзғолонига келиш йўлини кўрсатиш мақсадида, бир томондан, Йўлчи ва унинг дўстларини, иккинчи томондан, Мирзакаримбой ва унинг хонадони аъзоларини қаҳрамон қилиб танлаган.

Аслида Йўлчи ва Мирзакаримбой бегона кишилар эмас. Улар яқин қариндошлар. Ёзувчи бу қариндошлик алоқасига эътибор қаратганининг сабаби: у мазкур факт орқали аслида бир ота-онадан тарқаган халқнинг мол-мулк туфайли иккига, бойлар ва камбағалларга ажралиб кетганини қайд этмоқда.

Ойбекнинг маҳорати шундаки, у воқеалар оқимида Гулнор образини олиб кириш, муҳаббат мавзусини ёритиш жараёнида халқнинг бошқа ижтимоий қатламларини кўрсатишга эришади.

«Биров егани нон тополмайди, бировникида қозон-қозон мой қайнайди. Биров чақага зор. Биров пулнинг ҳидига

ётолмайди. Дунё шундай яралган экан, болам. Бирига ёриқ, бировга қоронғу», — дейди персонаждардан бири Йўлчини юпатиш мақсадида.

Асар сўнгида ҳаёт ва мамот масаласи ҳал бўлаётган жабҳада Йўлчининг ҳалок бўлиши тасодифий эмас. Бу тенгсиз ҳаёт ва тенгсиз курашда унинг ҳалок бўлиши мантиқан асосланган.

1916 йил, кўзғолон арафасида, ҳаёт ана шундай фожеали манзаралардан иборат бўлган ва улар Ойбек романида ҳаққоний тасвир этилган.

Ойбек «Кутлуг қон» романида ранг-баранг образлар яратиш орқали реал воқеалар силсиласини яратиб бера олади.

Демак, ўзбек меҳнаткашларининг Октябрь революциясидан аввалги жафоли ҳаёти ва озодлик учун курашнинг тасвири «Кутлуг қон» романининг асосий темасини ташкил этади.

«Кутлуг қон» романининг асосий сюжет чизиги Йўлчининг ҳаёт йўли билан боғлиқ равишда ўрганилиб, мазмун билан ишлаш орқали ўзлаштирилади.

Бадиий асар таҳлили жараёнида ўқувчи-талабалар билан куйидаги саволлар устида ишлаш мақсадга мувофиқ:

1. Йўлчининг қишлоқдан шаҳарга келиш сабаби;
2. Йўлчи ва Мирзакаримбой ўртасидаги дастлабки суҳбат;
3. Йўлчи ва Гулнор ўртасидаги муҳаббат;
4. Мирзакаримбой хизматида Йўлчи кўрган, кузатган воқеалар:
  - а) Шоқосим, Шокир ота, Қоратой ва умуман меҳнаткаш омманинг фожеали ҳаёти;
  - б) биринчи жаҳон урушининг дахшатли оқибатлари;
  - в) бой ва амалдорларнинг қабихликлари;
  - г) Гулнорнинг ўғирланиши;
  - д) Гулнорнинг ўлими;
5. Йўлчининг ноҳақ қамалиши;
6. Унинг Петровдан таълим олиши;
7. Йўлчининг 1916 йил халқ кўзғолонида фаол иштироки;
8. Йўлчининг ўлими ва дафн этилиши;
9. Шокир отанинг сўзи ва тонг тасвири.

Савол-жавоб оптимистик хотима билан тугайди. Ўқувчи-талабалар асарга мустақил муносабат билдирадидилар, ўзаро фикр алмашадилар. Дарсда асар экспозицияси, тугун, кульминация аниқланади.

Мактабда бадиий асарни ўрганишда ўқувчиларнинг бадиий асарни ҳис этиши, унга бўлган муносабати асар муаллифи тугун йўлга уйғунлаштирилиб олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

## АБАДИЯТ ЮЛДУЗЛАРИ – ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

Таълим жараёни баркамол инсонни шакллантиришга, соғлом маънавиятли одамни тарбиялашга юз тутди. Ўқувчи таълим жараёнининг ўқитилиши керак бўлган объектликдан ўзининг тарбияланишида бевосита иштирок этадиган субъект даражасига кўтарилмоқда. Яъни тарбияланувчи худди ўқитувчи сингари дарс жараёнининг эгасига айланмоқда. Энди дарсда ўқитувчи ҳоким эмас, ўқувчининг катта ёшли ҳамкори. Дарс жараёни эса белгиланган мақсад сари интилаётган ҳамкорларнинг биргаликдаги фаолиятидан иборат.

«Абадият юлдузлари — қатағон қурбонлари» мавзусидаги дарсни ўтишдан ўн, ўн беш кун аввал ўқитувчи томонидан ўқувчиларга бир қанча савол ва топшириқлар берилади. Дарс турли хил кўргазмали қуроллар, деворий газета, шоир ва ёзувчиларнинг портретлари, ҳар бир шоир ёки ёзувчи ижодига бағишланган услубий таҳламалар, куй ва кўшиқлар ёзилган грампластинка ва магнит ленталари билан жиҳозланади.

### **Дарс мақсади:**

- 20—30 йиллардаги маданий ҳаёт;
- қатағон қилинган шоир ва ёзувчилар ҳаёти ва ижоди билан таништириш;
- Ўзбекистон тарихи, маданияти ва санъатига қизиқтириш;
- тарбияланувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини оширишдан иборат.

Дарс бошланишидан олдин дарс мавзуси ва режа доскага ёзиб қўйилади.

### **Режа.**

1. Мусиқали дақиқа («Муножот» куйи).
2. Кириш сўзи: 20—30 йиллардаги адабий муҳит.
  1. Савол-жавоб ўтказиш.
  2. Кичик мушоира.
  3. Қатағон қурбонлари бўлган шоирлар билан мулоқот.
  4. Дарсни яқунлаш.

Грампластинкадан, имконият бўлса компьютердан таралаётган кўҳна «Муножот» куйи оғушида дарснинг кириш қисми бошланади.

«1938 йил Ўзбекистон... Бу даврда ўлкамизда қайғули ва фожеали воқеалар содир бўлмоқда эди. 30-йиллардаги тарихий давр халқимиз учун энг оғир, энг фожеали ва даҳшатли кунлар эди. 1920-йиллардан бошлаб 1940-йилларгача давом этган бу «қора кунлар» ўзбек халқи бошига не-не кулфатларни солмади. Бу йилларда халқимизнинг ўн минглаб зиёли, билимли, ташаббускор ва жамоатчи вакиллари миллатчиликда айбланиб ҳибсга олиндилар. Асоссиз равишда гуноҳкор сифатида қатл этилдилар...

Режа асосида савол-жавоб ўтказилиб, шу давр ҳақида ўқувчилар қандай маълумот ва билимга эга эканликлари аниқланади.

1. 20—30 йиллардаги ўзбек адабий муҳити қандай эди?
2. Қатағонга учраган шоир ва ёзувчилардан кимларни биласиз?
3. Жадид адабиёти вакиллари асосий мақсади нима эди?
4. Чўлпон, Фитрат асарларини номма-ном санаб беринг?
5. Абдулла Қодирий нима учун ўз асарларида тарихнинг энг «кир ва қора» кунларини акс эттирди?

Ўқувчилар билан ўтказилган кичик мушоирадан сўнг, ўқитувчи дарсга Фитрат, Чўлпон ва А. Қодирийларни таклиф этганлигини ва улар билан очиқ мулоқот ўтказилишини мамнуният билан эълон қилади.

Улар буюк шоир, драматург, адиб ва етук жамоатчи арбоблар бўлиш билан бирга, санъат, маданият ва фан масалалари билан шуғулланувчи «Чиғатой гурунги» номли жамиятнинг ташкилотчиларидир. Сиз уларга ўзингизни қизиқтирган саволлар бўйича мурожаат қилишингиз мумкин.

Эшикдан «Ассалому алайкум! Мумкинми?» — дея меҳмонлар кириб келадилар. Ҳамма ўқувчилар баробар ўринларидан туриб меҳмоннавозлик билан уларни кутиб оладилар.

Шоир Фитрат ўқувчиларга мурожаат этиб, мулоқотга таклиф этганлари учун ўзи ва жамият аъзолари номидан катта миннатдорчилик билдиради.

Сўнг «Чиғатой гурунги» ташкилотининг мақсад ва вазифалари ҳақида сўзлаб, шундай дейди: «Бу жамиятнинг олдига қўйган мақсади шундаки, Туркистон зиёлиларининг ўзаро бирлигини яратиш ҳамда Чиғатой тили асосида

Туркистон учун умумий бир адабий тилини яратишдир, Туркистонлик ёзувчи ва шоирлардан бир қанчаси бу ташкилотга аъзодирлар».

Маърузадан сўнг бир ўқувчи шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида мухтасар маълумот бериши мумкин. Бу жараёнда Фитратга турли саволлар берилади... Дарс шу тариқа дином эттирилади...

Зиё маскани бўлмиш умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей, касб-хунар коллежлари, олий ўқув юрталарини келажак пойдевори, зиё тарқатувчи мураббийларни эса, шу пойдевор қурувчисига қиёслаш мумкин.

Мустақил Ўзбекистоннинг равнақи кўпроқ ўқитувчи-мураббийларнинг зиммасида эканлигини унутмаслик керак. Ҳолбуки, ўқитувчи ўз фанига ўқувчи муҳаббатини уйғота олсагина, кўзлаган мақсадга эришилади, яъни мақсад — самарадорликка эришиш демақдир. Бунинг учун ҳар бир дарсни ижодий ёндашилган ҳолда ташкил этиш даркор. Интерфаол усуллар билан бойитилган юқоридаги сингари дарслар замон талабидир.

# МАҚСУД ШАЙХЗОДА ҲАЁТИ ВА ИЖОДИНИ ЎРГАНИШ

6-синф

## I. Дарснинг мақсади:

1. *Таълимий*: ўқувчиларга адиб ҳаёти ва ижоди ҳақида назарий маълумот бериш;

2. *Тарбиявий*: адиб асарлари орқали ўқувчиларни Ватанни севиш, комил инсон бўлиш, ота-онага меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш;

3. *Ривожлантирувчи*: ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқи, саводхонлигини ошириш.

## II. Дарс услуби: ноанъанавий.

III. **Дарс жиҳози**: адиб сурати, китоблари, тарқатма саволлар, тест, дарслик.

**Кириш суҳбати**: 5 дақиқа ичида ўқувчиларни ҳафта давомида юз бераётган маънавий-маърифий янгиликлардан бохабар этиш.

**Ўтилган мавзу**: Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек ҳаёти ва ижод йўли.

Ўтилган мавзунини ақлий ҳужум усули орқали такрорлаш.

## Саволлар:

1. Ойбек қачон ва қаерда туғилган?
2. Адибнинг илк шеъри қайси?
3. Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек қаерларда ўқиган?
4. Адиб дастлаб қайси фандан дарс берган?
5. Ойбек шеърий тўпламлари ҳақида маълумот беринг.
6. Ойбек қаламига мансуб дostonлар қайсилар?
7. «Навоий» романидаги тарихий образларни кўрсатинг.
8. Ойбек таржима қилган асарлардан ўқиганмисиз?
9. Ойбек томонидан шеъриятга киритилган мавзу бу ...?
10. «Улуғ йўл» романида қайси йил воқеалари тасвирланган ва ҳоказо.

## Жавоблар:

1. Ойбек 1905 йил 10 январда Тошкентда туғилган.
2. «Қиш» шеъри 1922 йил, «Армуғон» альманахида эълон қилинган.
3. 1922–25 йилларда Тошкент педагогика техникумида, Ўрта Осиё давлат дорилфунунида, Ленинграддаги Плеханов номли кишлоқ хўжалик институтида ўқиган.
4. Адиб дастлаб иқтисод фанидан дарс берган.

5. Биринчи шеърӣй тўплами — «Туйғулар» (1926); «Кўнгил найлари», «Машғала».

6. «Уч», «Қизлар», «Бобо», «Ҳақгўйлар», «Зафар ва Захро», «Темирчи Жўра» дostonлари чоп этилган.

7. Зайниддин Восифий, Султонмурод Машҳадийлар «Навойӣ» романидаги тарихий образлардир.

8. «Евгений Онегин» (Пушкин), «Маскарад» (Лермонтов), «Довуд Сосоний» (арман эпоси), «Каин» (Байрон) таржима қилган.

9. Шеърӣятга хориж мавзуси киритилган.

10. «Улуғ йўл» романида 1917—1922 йиллар воқeалари тасвирланган.

Ўтилган мавзу ўқитувчи томонидан мустаҳкамланади.

**Янги мавзу: Серқирра ижод соҳиби, озар ўғли Мақсуд Шайхзода.**

#### Режа:

1. Мақсуд Шайхзоданинг ҳаёт йўли.
2. Ижодкорнинг ижодий мероси.
3. Мақсуд Шайхзода — олим ва таржимон.
4. Шоир шеърларининг мавзу қўлами.

Доскада адибнинг сурати, асарлари ёзилган жадвал акс этган.

#### **Янги дарснинг баёни:**

Мақсуд Масъум ўғли Шайхзода 1908 йил Озарбайжоннинг Ганжа вилояти Агдаш шаҳрида туғилган. Дастлабки маълумотни Агдашдаги мактабларда олган.

Мақсуд 1925 йилдан эътиборан муаллимлик қила бошлади. Айни вақтда Боку олий педагогика институтида сирtdан ўқийди. 1928 йил миллатчи сифатида айбланиб, Кавказортидан чиқариб юборилади. Шу тариқа асли озар миллатига мансуб Мақсуд муаллим, ўзбек ёзувчиси Мақсуд Шайхзодага айланади.

1935—1938 йилларда «Тил ва адабиёт институти»да илмий ходим, 1938 йилдан умрининг охиригача Низомий номли педагогика институтида ўқитувчи, кафедра мудири бўлиб ишлайди.

Ёзувчи 1967 йил 19 февраль куни 59 ёшида вафот этади.

М. Шайхзода илк ижодини 1929 йилда шеърлар ёзишдан бошлайди.

Унинг илк шеъри «Харита олдида» деб номланади. У «Кураш нечун», «Куёш, ой ва қиз», «Акс-садо», «Қалам», «Бинафша», «Айрилик», «Ўзбек денгизига» каби кўплаб шеърлари шулар жумласидандир.

Ҳали савади чиқмай туриб, шеърлар тўқишга одатланган Мақсуд Шайхзода баракали ижод қилди. У бу ҳақда шундай деб эслайди: «...Мен, бизнинг ўзбек поэзиямизда «ёши катталар» деб аталган шоирлар авлодига мансубман. Бу авлод йигирманчи йилларнинг романтик ҳавосида қад кўтарган, ўтгизинчи йилларнинг қурилиш маъракасида пишиққан, қирқинчи йилларнинг жанг синовида суяги қотган ва эллигинчи йилларнинг тинч ижодий муҳитида активлик кўрсатган авлоддир... Бу авлоднинг бир аъзоси бўлган мен ҳам йигирма бешга яқин шеърий тўпламлар нашр эттирдим».

Мақсуд Шайхзода шеърятни сермазмун ва сержило нур таратади, илиқ нафас уфуруб туради:

Дўстлар яхшиларни авайлаб сақланг!

«Салом» деган сўзнинг салмоғин оқланг.

Ўлганда юз соат йиғлаб тургандан,

Уни тиригида бир соат йўқланг!

Ушбу тўртлиқнинг ўзи шоирнинг файласуфлигидан нишона.

Ёки: Мен сени танийман, лафзинг ҳалолдир,

Ишни чала қўймоқ дилга малолдир.

Қўйганинг ютқизиш, терганинг ютуқ,

Илгор донг чиқарар, қолоқлик лолдир.

Ушбу сатрларда шоир меҳнатқаш, ишни чала қилмайдиган, ҳалол инсонларни тараннум этади.

Урушдан кейинги йилларда Мақсуд Шайхзода «Халқ душмани» сифатида ҳибсга олинади. Кўп ўтмай оқланади ва Тошкентга қайтиб келиб, ўз илмий-ижодий фаолиятини давом эттиради.

Мустақиллик йилларида унинг ижоди эъзоз топиб, шоир «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланган. Ижодкорнинг илк шеърлари 20 ёшларида эълон қилинган. 30-йилларда «Ўн шеър», «Ундошларим», «Учинчи китоб», «Жумҳурият» номли шеърлар тўпламлари чоп этилган.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида «Кураш нечун», «Жанг ва қўшиқ», «Капитан Гастелло», «Кўнгил дейдики...» шеърий тўпламлари, «Жалолиддин Мангуберди» тарихий драмаси яратилди.

«Олқишларим», «Замон торлари», «Шуъла», «Чорак аср девони» шеърӣй тўпламлари, «Тошкентнома» лирик достони, «Мирзо Улугбек» трагедияси унинг кейинги йиллар ижодининг маҳсулидир. Мақсуд Шайхзода Алишер Навоӣй ва бошқа ўзбек мумтоз адабиёти намояндалари ижодини теран тадқиқ этган атоқли олим ҳам эди.

У рус, англиз, турк, озарбайжон адабиётининг бир қанча сара намуналарини ўзбек тилига таржима қилган ўткир таржимон сифатида ҳам шуҳрат қозонган.

### **Таржималари:**

1. Пушкин – «Мис чавандоз».
2. Лермонтов – «Кавказ асираси».
3. Шекспир – «Гамлет», «Ромео ва Жульетта».

Янги мавзун мустаҳкамлаш учун ўқувчиларни 2 гуруҳга бўлиб, ҳар бир гуруҳга ном берилади:

- 1-гуруҳ – «Зукколар».
- 2-гуруҳ – «Билимдонлар».

Ҳар иккала гуруҳ янги ўтилган мавзу бўйича баҳс-мунозарага чорланади. Пассив қатнашган ўқувчиларга тест саволлари тарқатилади ва жавоби сўралади. Шунингдек, «Жавобларни тўғри жойлаштиринг», «Мақсуд Шайхзоданинг ижодий мероси» каби кўргазмалар асосида ҳам иш олиб борилади ва ўқувчилар фаоллиги оширилади.

Фаол қатнашган ўқувчи адибнинг бирор тўплами билан тақдирланади. Бошқа ўқувчилар жавобига кўра баҳоланадилар.

## АДАБИЙ ТАЪЛИМ ВА АБДУЛЛА ОРИПОВ ИЖОДИ «ВАТАН ВА ИСТИҚЛОЛ»

Таълим ислохотларининг иккинчи сифат босқичи кечаётган ҳозирги шароитда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг бош ғояси комил инсонни тарбиялаб вояга етказишдан иборат.

Ҳар бир дарс она Ватанимизга, тилимизга, миллий қадриятларимизга муҳаббат руҳида ташкил қилиниши зарур.

Ўқитувчи дарс жараёнида сўз орқали бадиий асарнинг таъсирчанлиги, сеҳри, китобхонликнинг билимлар сари йўл очиши учун асосий восита эканлиги ҳақида ўқувчиларга таълим ва тарбия беради.

Ўқитувчи дарс жараёнининг ташкилотчиси, бошқарувчиси саналади, у ўқувчи фаолиятини ташкил этади, унинг билим олиши, бу билимларнинг кўникма ҳамда малакага айланишига раҳбарлик қилади. Ўқув материали ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини ўзаро боғлайди. Ўқитувчининг вазифаси — материални осон ва қулай йўл билан ўқувчига бериш, ўқувчининг вазифаси эса, берилган материални осонроқ ва қулай эгаллай олиш ҳамда амалда қўлай билишдир.

Ўқитувчи ўтиладиган мавзуга қараб ўқитиш усулларини олдиндан белгилаши, унинг режасини тузиб чиқиши керак. Ҳозирги кун талабларидан келиб чиқиб ҳар бир ўқувчининг у ёки бу ҳақда фикр билдириши дарсни жонлантиради, сифат ва самарани оширади, ўқувчини мустақил ишлашга ўргатади. Шунингдек, ўқитишда интерфаол усуллардан фойдаланиш педагогик технологияларни йўлга қўйишга ёрдам беради.

«Адабиёт ўқитиш методикаси» фани ўтмишдаги бой тажрибаларни ўрганиш асосида ҳозирги замон мактабларидаги адабиёт ўқитиш жараёнини умумлаштиради. Чўлпоннинг «Адабиёт яшаса, миллат яшар» деган фикри бежиз айтилмаган.

Таълимдаги янгиланиш фақат ўқувчиларга янгича билим беришни назарда тутмасдан, балки жамият, давлат, табиат ва меҳнатга муносабат тизимини ўзгартиришни ҳам кўзда тутаяди.

Умумий ўрта таълим мактабларида Абдулла Орипов ижодини ўрганишга махсус соатлар ажратилган. Қуйида тавсия этилаётган дарс ишланмаси ноанъанавий бўлиб, ундан ижодий фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

**Мавзу:** Абдулла Орипов ижодига Ватан ва истиқлол мадҳи

**Таълимий мақсад:** А.Орипов ижодига мансуб бўлган шеърлар, дostonлар, таржималар билан ўқувчиларни яқиндан таништириш, унинг шеърият бўстонида чуқурроқ кириб бориш.

*Тарбиявий мақсад:* А.Орипов шеърляти руҳиятини ўқувчиларга тушунтириш, ўқувчиларда ҳаётга, инсониятга бўлган меҳрни уйғотиш, Ватанга муҳаббат ҳиссини тарбиялаш, табиатни севиш ва унинг неъматларидан тўғри фойдалана олишга ўргатиш.

*Ривожлантирувчи мақсад.*

*Дарс услуби:* аралаш, савол-жавоб, баҳс-мунозара.

Ўтган мавзунини сўраш карточка саволлари орқали савол-жавоб тарзида ташкил қилинади.

1. А. Орипов нечта китоб нашр эттирган?
2. Шоир фаолиятини қайси нашриётларда олиб борган?
3. Шоирнинг қайси шеърлари бугунги кунда қўшиқ қилиб айтилмоқда?
4. А. Орипов 1981 йилда қайси асари учун қандай мукофотга сазовор бўлган?
5. Шоирнинг илк шеърий тўплами қандай номланади?
6. А. Орипов «Тилла балиқча» шеърисида қандай ғояни илгари суради?

7. Ўқитувчи ўтган мавзуларни мустақамлаб, шоир шеърляти ҳақида тўхталади: Абдулла Орипов ўз шеърлярида Ватан ўтмиши, бугуни ва келажаги ҳақида жўш уриб куйлайди. Ватаннинг гўзал ва жозибадор табиатини, олижаноб ва бағри кенг халқини мадҳ этади. Севги-муҳаббат мавзусини баралла куйлайди. Дунёда энг олий зот бўлмиш Онани кўкларга кўтаради. Умуман олганда, шоир ижоди жуда серқирра, у қалам тебратмаган мавзу йўқ десак, хато қилмаймиз.

Абдулла Орипов баракали ижод қилиб келмоқда. Унинг шеърляри оддий эмас. Шоир қандай мавзуга қўл урмасин, унинг замирида теран фикр ётади, инсон ҳаёти ва тақдири тараннум этилади.

Шеърлятга қизиқишни ошириш, ўз фикрини ёш мунаққидлардек баён эта билиш, қўшимча адабиётлардан кўпроқ фойдалана олишни ўргатиш мақсадида синф ўқувчилари 4 гуруҳга бўлинади. Ўқувчилар ўз гуруҳларига ном, шиорлар танлайди.

### *1-гуруҳ — «Шеърлят шайдолари»*

**Ўқитувчи:** Энг олий бахтим менинг

Онажоним, шеърлят.

Топган тож-тахтим менинг

Жонажоним, шеърлят.

Дарс ўқувчиларнинг баҳру байти билан давом эттирилади.

Бу ёруғ оламда Ватан биттадир,

Биттадир дунёда Она деган ном.

## 2-гурӯҳ — «Ёш мунаққидлар»

**Ўқувчи:** Менимча, шоир меҳрга ташна, у меҳрни улуғлайди.

Шоирнинг «Самовий меҳмон, беш донишманд ва фаррош кампир» қиссасини ўқиб шундай фикрга келдим. Негаки, олис Жунгли осмонидан ёниб тушган манглайда битта кўзи дўлайиб боққан самовий меҳмоннинг кимлигини беш қитъанинг беш донишманди била олмайдилар, уни хушита келтира олмайдилар. Унга мозий ҳам, ёзув, шакл, формула, ҳатто ўзбекча сўз, бақиригу имо-ишоралар ҳам таъсир қилмайди. Аммо фаррош кампир хушсиз махлуқнинг тикандайин тикка ўсган сочгинасини силаб, унга сув тутиши, яъни меҳри унга жон киритади, биттагина кўзига дувва-дувва ёш келади ва меҳмон оёққа туради. Демак, меҳр уни оёққа турғизади.

**Ўқувчи:** Ҳақиқатан, шоир меҳрга ташналигини «Генетика» шеърисида ҳам эслатиб ўтган.

Ташна яшадик биз меҳрга мутлоқ,  
Ишққа, муҳаббатга ташна ўтдик биз.  
Гоҳ эса, кўёшдек порлоқ ва йироқ.  
Ҳаққа, ҳақиқатга ташна ўтдик биз.

Бу шеърда шоир ташна бўлган ҳақиқат истиқлолга эришиш, ўз ватанининг эгаси бўлиш орзуси ва орзуни ҳайиқмай очиқ айта олиш истаги эди. Истак олий, аммо бу истак мустақилликка эришгандан сўнг амалга ошди.

**Ўқувчи:** Мен шоирнинг «Тилла балиқча» шеърини ўқиб, шундай хулосага келдим. Шоир бу шеърда балиқча орқали ҳеч нарсага ҳафсаласи йўқ доирада вояга етган, кичик бир худудни бутун дунё деб биладиган инсонларни танқид қилади. Уларга ачинади. Бу ҳол шоирга алам қилади.

Менга алам қилар, тилла балиқча

Бир кўлмак ҳовуз деб билар дунёни!

**Ўқувчи:** Абдулла Ориповнинг «Дорбоз» шеъри ҳақида фикр билдирмоқчиман. Ҳаётда шундай инсонлар борки, улар қандай вазиятга тушмасинлар, худди

Қиличнинг дамидай арқон устида

Кўзларини юмиб юрибди дорбоз

— сингари ўз йўлидан адашмай борадилар, мақсадлари томон кўзлари юмуқ ҳолда ҳам интиладилар, ўз йўлларини топадилар. Аммо шундай инсонлар борки, улар олдида имкониятлар кенг, баҳт ва омад эшиклари очиқ, аммо улар шу тўғри, катта йўлда кўзлари очиқ ҳолда кетатуриб қоқиладилар, ўз йўлини йўқотадилар, деган фикрни билдиради.

**Ўқувчи:** Мен шоирнинг баҳор ҳақидаги гўзал шеърлари шайдосиман. «Баҳор», «Баҳор кунларида», «Баҳор хосияти», «Сен баҳорни соғинмадингми» ва бошқа бир қатор шеърлари менга ёқади. Бу шеърлар нақадар гўзал ва мафтункор.

Шоир баҳор хосиятли, унга дўқ, араз кор қилмайди, у юксак қасрларни, гадо кулбасини безайди, — дейди.

Эзгулик бобида фақат у якка,  
Фақат у барчага тенг ва баробар.

### *3-гурӯҳ — «Бўлажак тилшунослар».*

**Ўқувчи:** Шоир ижоди билан танишиш жараёнида унинг ўзига хос овозини аниқладим.

Матёкуб Қўшжонов таърифлаганидек, унинг овози керак пайтда вазмин, керак вақтда жўшқин пардалар устида ҳаракат қилади. Шоир шеърларидаги ўхшатиш, ташбеҳ, жонлантириш; улардаги қофиялар ўзининг алоҳида, такрорланмаслиги билан ажралиб туради.

Тилнинг имкониятларидан қай даражада моҳирона фойдалана олганлигини шоир шеърларидан парчалар ўқиб билиш мумкин.

**Ўқувчи:** «Ўзбекистонда куз» шеъридаги увол, ушоқ, эгат, ризқ сўзларини рус ёки чет тилларига ўтириш чоғида ундаги маънони етказиб бериш осонмикин?

Шоир қуйидаги тўрт сатр шеърида меҳнаткаш халқига меҳр-муҳаббат билан қайишиб, тил имкониятларидан ўз ўрнида фойдаланган.

Менинг она халқим,  
Эй қадим, ҳалол,  
Ризқи она ерга сепилган халқим,  
Ушоқ чигитин ҳам этмай деб увол,  
Миллион эгатларга эгилган халқим!

### *4-гурӯҳ — «Зукколар»*

Гуруҳ аъзолари тест саволларига жавоб берадилар.

Гуруҳ шиори — билим ёдлаш билан эмас, фикрлаш билан орттирилгандагина ҳақиқий билимдир.

Демак, лирик асарларнинг бошқа турдаги асарлардан фарқи шундаки, ундаги ҳар бир сўз ва, ҳатто, товуш қайноқ ҳиссий маънони қуюқлаштиришга қаратилади.

Шеър кундалик ҳаётдаги ҳаммамизга таниш оддий воқеа-ҳодисаларнинг шунчаки ифодаси бўлмай, фавқулудда ҳолат, жўшқин ҳиссиёт натижаси ва ҳаяжонли тафаккур маҳсулидир.

«Сўзда сеҳр бор, шеърда эса хикмат», — дейилади ҳадисда.

Ўқувчилар ҳар бир шеърни таҳлил қилиш жараёнида «Шоирнинг лирик каҳрамони ўз шахсиятига яқин», деган фикрни исботлашга ҳаракат қиладилар. Шеър шоирнинг ўзинигина эмас, китобхонни ҳам бефарқ қолдирмайди.

Ўқитувчи ижодкорлигидаги ўзига хос йўналишлардан яна бири — ўқувчиларнинг нутқини ўстириш мақсадида доскага фарзандини кучоқлаб турган она расмини илиб қўяди.

**Ўқитувчи:** Бу асарга ном беринг.

— Расмда кимлар акс эттирилган?

— Она ҳақида қандай шеърлар биласиз?

— Ашула ҳам биласизми? — каби саволлар билан ўқувчиларга мурожаат қилади.

Савол-жавоб қисқа, тез ва жонли ўтказилади.

Шунингдек, ўқитувчи диққати ўқувчиларнинг мусиқий саводхонлигини билишга ҳам қаратилади. Кассета орқали «Биринчи муҳаббатим» кўшиғи янграйди.

**Уйга вазифа:** Қўшиқнинг номи?

— Қўшиқни ким ижро этяпти?

— Шеър муаллифи ким?

— Мусиқани ким басталаган?

— Шеър ёзилганига неча йил бўлди?

— Бу каби яна қайси кўшиқларни биласиз? — каби саволлар берилади.

Дарс якунида гуруҳ аъзоларининг жавоблари баҳоланади ва баҳоларга изоҳ берилади.

Ўқитувчи дарсни якунлаб, қуйидаги адиблар фикрини баён этади.

Абдулла Қаҳҳор шеърга шундай таъриф беради:

«Шеър — фикр экстракти бўлиши жиҳатидан ҳикмат, кўнгилга йўл топиши, ундан ўзи ҳамоҳанг садо чиқариши жиҳатидан мусиқа. Шеър — бир мўъжиза».

Академик адиб Ойбек эса, шеърдаги субъектив кечинмани теранлаштириб ёзади: «Лирикада шоир маълум бир ҳодисани, маълум бир объектни гавдалантириб, сўнгра бунга ўз қарашларини, ўзида кўзғалган туйғуларни ифода қилар».

Шоира Зулфия «Шеърнинг катта карвони» мақоласида юқоридаги фикрларни қувватлантиради ва шеърдаги ҳис-туйғулар қўламини кенгайтиради. «Лирика инсон қалбини, замондош қалбини кашф этиш, унинг орзу ва туйғуларини, муқаррар кечинмаларни идрок этиш, демакдир. Инсоннинг руҳий олами нечоғлик чуқур пайқаб, билиб олинса, шеърнинг шу қадар бой ва таъсирчан бўлади».

## МУҲАММАД ЮСУФ – БАРҲАЁТ СИЙМО

### **Дарсинг мақсади:**

*Тарбиявий:* Ўқувчилар қалбида Ватанга, яхши кишиларга, инсоний туйғуларга меҳр-муҳаббат, ҳурмат ҳисларини ошириш, улардан ўзаро ҳамжихатлик, бир-бирини тушунини каби ҳисларни мустаҳкамлаш;

*Таълимий:* Шоир шеърларидаги ҳар бир мисра ортида ўзбек, унинг қувончи, дарди, ташвиши, меҳри, орзу-умидлари тасвирланганлигини ўқувчи кўз олдида гавдалантириш;

*Ривожлантирувчи:* ўқувчиларга шоир шеърларида келтирилган бадиий санъат турлари ҳақида маълумот бериш.

**Дарс тури:** ижодий изланиш, суҳбат, савол-жавоб.

**Дарс жиҳози:** Муҳаммад Юсуф ҳақидаги расмли альбом, дарслик, шоир шеърини тўпламлари, тест ва тарқатма материаллар.

**Дарсинг бориши:**

### **Режа:**

1. М. Юсуф ҳаёти ва ижоди ҳақида қисқача маълумот.
2. Шоир шеърларида миллий руҳ тасвири.
3. М. Юсуф шеърларидаги илғор ғояларни бугунги ёшлар онига сингдириш.
4. М. Юсуфнинг ўзбек адабиётида тутган ўрни.

Санъатнинг ҳар қандай тури, шу жумладан, бадиий адабиёт ҳам оригиналлик ва ранг-барангликни севади.

Бир шоир ўз асарида чуқур фалсафий фикр ва юксак мантиқ кучи билан, бошқа бир шоир дилни қитиқловчи майин лиризм билан, яна бири сўз гавҳарларини танлаб поэзия ипига маржондек чиройли қилиб тизиши билан, яна бири ўз шеърларининг қўшиқдай равон, оҳанраболиги билан ва яна бири эса, махсус бадиий тасвир воситаларидан образли манзара чизиш билан ўқувчи қалбига кириб боради, уни мафтун этади. Бу эса, сўз санъаткорларидан ўзига хос маҳорат талаб этади.

Ўтилган мавзу мустаҳкамланади, янги мавзу баён қилинади. Муҳаммад Юсуф ҳаёти ҳақида қисқача маълумот берилади.

1-топшириқ. Ўқувчилар дарсликда берилган савол-топшириқлар билан ишлайдилар. Улар юзасидан тест тузадилар. Энг яхши тузилган тестлар савол тариқасида синфга берилади.

1. Шоир бадий ижодни қачон бошлаган?
2. Илк тўпламининг номини айтинг.
3. Қандай шеърый китобларини биласиз?
4. Унинг шеърлари нима учун китобхон кўнгил мулкига айланган?

2-топшириқ. Назм дақиқасининг биринчи босқичи бўлиб, магнитофонда ёзилган шеърлар эшиттирилади. Ўқувчилар шеърнинг ўқилиш технологиясига эътибор қаратадилар ва биргаликда шеър ўқишни машқ қиладилар.

Қаламда шеърларнинг туроқларини белгилаб туришади.

Ет - миш юл - дуз / йи - ғи - либ,  $4+3=7$

Я - рим ой - ча / бў - лол - мас.  $4+3=7$

Ет - ти ян - га / йи - ғи - либ,  $4+3=7$

Бит - та о - на / бў - лол - мас.  $4+3=7$

О - на ти - рик / э - шик - ка  $4+3=7$

Ғур - бат я - қин / йў - лол - мас.  $4+3=7$

Ме - нинг э - са, / бағ - рим қон,  $4+3=7$

Вай - ро - на - ман, / О - на - жон...  $4+3=7$

3-топшириқ. “Назм дақиқаси” нинг иккинчи босқичини онгли ўқишда ўқувчилар шеър мазмунига эътибор қаратади. Шеърый мисраларни матнга айлантирадилар. Тушунчаларини оғзаки гапириб берадилар.

Шундан сўнг уларга саволлар бериб мурожаат қилиш билан баҳс- мунозара босқичига киришиш мумкин.

1. Келтирилган парча сизда қандай таасурот қолдирди?
2. Муҳаммад Юсуф ижодига замондошлари қандай муносабат билдиришган?
3. Муҳаммад Юсуф шеърларидан келиб чиқадиган хулосалар ҳақида нималар дейиш мумкин?
4. Ким Муҳаммад Юсуфни “Осмон қалбли шоир” деб атаган?

Ушбу саволларга ўқувчилар ўз мулоҳазаларини билдирадилар. Улар шоир ижодига катта қизиқиш билан

қарашганини, шеърларни ҳаяжон билан ўқишганини, шоир шеърга солган муаммолар олдида катта масъулият ҳис қилганларини баён этадилар.

Дарҳақиқат, Муҳаммад Юсуф таъкидлаганидек: “Шоирлар қишлоқда туғилиб, катта шаҳарда танилар экан”.

Азим Тошкент шоир учун ана шундай такомил босқичи, шеърят бўстонида жўшиб ижод қилиши учун маънавий муҳит бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф мустақил давлат келажагига хизмат қилган шоирдир.

Шу боис, муҳтарам Юртбошимиз имзоси билан матбуотда эълон қилинган тарихий қарорда таъкидланганидек унинг ижодини ҳар томонлама ўрганиш ва тарғиб этиш келгуси авлод учун бебаҳо маънавий мерос бўлиб қолиши, шубҳасиз.

*Уйга вазифа* қилиб шоир шеърларини ифодали ўқиш, ёд олиш, шеърларнинг ижросини тинглаш. “Мен севган шоир” мавзусида иншо ёзиш топшириқ қилиб берилади.

## МУКАММАЛ ДАРС – ЯХШИ БИР КИТОБ

### ОТАБЕК, КУМУШ, ЗАЙНАБ ВА ҲОЗИРГИ ЁШЛАР (театрлаштирилган мунозара-дарс)

**Ўқитувчи:** *Мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрли, дейдилар.*

*Шунга кўра биз мавзун мазийдан, ўзбек ҳаёти,  
ўзбек руҳи, ўзбекона урф-одат ва маънавият  
акс эттирилган “Ўткан кунлар”дан бошладик...*

Дунёда шундай ёзувчилар бўладики, уларнинг ижодисиз, бирор миллий адабиётнинг тараққиёт йўлини тасаввур этиб бўлмайди. А. Қодирий халқимизнинг иймонли, виждонли ёзувчиларидан эди.

Сиз адабий суҳбатларда Қодирийнинг армонли ҳаёти, аянчли фожеали тақдири ҳақида эшитгансиз. Ёзувчи ижоди билан, “Ўткан кунлар” романи билан, кўпгина хажвиялари билан танишдик. Асарни таҳлил қилиш, қаҳрамонлар ички ва ташқи оламининг ўзига хос томонларини очишда синф 3 гуруҳга бўлинади:

1-гуруҳ: Фожеа рўй беришига сабаб бўлганларга айбнома эълон қиладилар.

2-гуруҳ: Қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатидан келиб чиқиб, фожеани оқлашга ҳаракат қиладилар.

3-гуруҳ: Гувоҳ сифатида қатнашадилар.

Мажлисни Ҳукмдори одил бошқариб боради.

#### Хурматли жамоа!

*Тошканднинг машҳур аёнларидан бўлган Юсуфбек ҳожи хонадонидида фожеа юз берди. Бугун ана шу фожеа юзига болта урмоқ мақсадида йиғилдик. Қораловчи ва оқловчи томонлар тайёрми?*

**Қораловчи:** “Ўткан кунлар” иши бўйича Юсуфбек ҳожи ўғли Отабекни айбдор деб топдик:

1. Отабек ота-она ризолигисиз марғилонлик Мирзакарим қутидор қизи – Кумушбибига уйланди.

2. Шунинг орқасида ўз фарзандлик бурчини унутди.

3. Отабек кўра-била туриб, Зайнабга уйланди ва бечора қизнинг бахтига зомин бўлди.

4. Шариат қонунига кўра, икки аёлига бир хил муносабатда бўлмоғи, иккисини ҳам ўз ҳимоясига олмоғи керак эди. Бироқ Отабек бечора Зайнаб қаршисида “жонсиз ҳайкал” бўлиб яшади. Бир бечора қизнинг шодлиги, дарду ҳасратига шерик бўла олмади.

5. Отабек бечора Зайнабни энг сўнги чорани кўришга мажбур қилди, ўзи билмаган ҳолда Кумушнинг қўлига заҳар тутқазди.

**Оқловчи:** Хукмдори одил!

Рўй берган фожеада Отабекнинг айби йўқлигини исботлаш учун гувоҳларни чақиришга рухсат сўрайман.

**Гувоҳ чақирилади.**

**Оқловчи:** Сиз Юсуфбек Ҳожи ўғли Отабек ҳақида мажлис аҳлига нима айта оласиз?

**1-гувоҳ:** Мен Отабек билан Қодирий домла орқали танишган эдим. Отабек 24 ёшларда, оғир табиатли, улуғ гавдали, кўркам ва оқ юзли, мутаносиб қора қоши ва эғнида чакмон, мурти сабз урган, илмли ва ақлли бир йигит.

**Оқловчи:** Айтинг-чи, гувоҳ, Отабекка бундай юқори баҳо беришингизда Қодирий домланинг мақтовлари сабабми?

**Гувоҳ:** Асло, мен бу билан бир мажлисда қатнашиб, у ҳақда кўпгина ақлли одамларнинг мақтов гаплар айтишганини эшитганман.

Масалан, Зиё шоҳичи Отабекни мақтаб, “Отасини боласи” деган бўлса, Ақром ҳожи “агар хон кўтариш маним қўлимда бўлса эди, хон қилиб Отабекни кўтарар эдим”, – деб айтганига, Мирзакарим қутидор “Отабек хон қизига лойиқ бир йигит экан”, – деб мақтаган сўзларига гувоҳман.

**Навбатдаги гувоҳ чақирилади.**

**Оқловчи:** Айтинг-чи, Отабекда андиша, ҳаё бормиди?

**2-гувоҳ:** Отабекда андиша, ҳаё бор. У бировнинг қалбига озор беришдан кўрқади. Балки мана шу андиша Кумушнинг ўлимига сабаб бўлгандир. Отабек, ёдингизда бўлса, меҳмонларга Ҳасаналининг қул эканлиги сир бўлмаса-да, бу сир билан унинг қалби озор чекишини уйлайди. У одамларни мансаб ва бойликларига қараб эмас, балки инсоний фазилатларига қараб баҳоловчи бир йигит эди.

**Навбатдаги гувоҳ чақирилади.**

**Қораловчи:** Айтинг-чи, гувоҳ, Отабек миллат тақдири билан қайгурувчи кишилардан эдимиз?

### **3-гувоҳ: Албатта, тақсир!**

Отабекни миллат тақдирига бепарқ деб бўлмайди. Азизбекнинг Қўқонга қарши бош кўтаргани халқ томонидан одатий қарши олинди. Аммо Отабек бу хабарга оддий қарай олмади. “Еб тургани оғзида, қолгани бўғзида қолди”. Отабек миллатнинг, халқнинг, мусулмоннинг жар ёқасида турганидан ваҳимага тушиди. Ёки бир мисол. Қипчоқларнинг қирғин этилиши Отабекни даҳшатга солди. У бу фожеага оддий томошабин сифатида қарамади. Барча захрини отасига сочди. Юсуфбек ҳожи ўғлининг гапларидан кўзига ёш олиб, “Нега ҳар бир нарсага етган ақлинг шунга етганда оқсайдур?”— деганида Отабекдаги ана шу фазилатни назарда тутган эди.

### **Навбатдаги гувоҳ чақирилади.**

**Оқловчи:** Сиз бизга Отабекнинг аёлларга бўлган муносабати ҳақида бирор нарса айта оласизми?

**Гувоҳ:** Отабекнинг аёлларга бўлган муносабати рўмон бошидаёқ маълум эди. “Оладирғон хотинингиз сизга мувофиқ бўлиши баробарида эр ҳам хотинга мувофиқ бўлсин”,— дея фикр билдиради. Шу туфайли уйланмай туриб, Зайнабга ачинади, “бир бечорага кўра-била туриб, жабр ҳам хиёнат”,— деган эди. Отабек Кумушга муҳаббат орқасидан уйланган бўлса, Зайнабга ота-она орзуси туфайли уйланди. Шу боис бир қалбга икки муҳаббатни сиғдирмади. Бунда Отабекни айблаб бўлмас, тақсир.

### **Навбатдаги гувоҳ чақирилади.**

**Қораловчи:** Айтинг-чи, гувоҳ, марғилонлик Кумушбибининг Отабекни сеҳрлаб олишига сабаб борми?

**Гувоҳ:** Зеро, ота-онанинг Отабекдан бошқа умид нишонаси, ҳаёт қувончи йўқ эди. Юсуфбек Ҳожининг тили билан айтганда: ...орзумиз, ҳавасимиз фақат сенга қараб қолган. Отабек фарзандлик бурчини яхши билгани учун ота-она орзусига жонсиз хайкал бўлиб ризолик берди ва истамаган ҳолда, бечора Зайнабнинг умрига завол бўлди. Отабек ва Кумуш ўртасидаги муносабатларда эса инсоннинг инсонга бўлган кучли муҳаббатини кўриши мумкин, холос.

**Хукмдори одил:** “Уткан кунлар” ишини давом эттириб, иккинчи айбномани ҳам кўриб чиқсак.

**Қораловчи:** Хурматли жамоа! “Ўткан кунлар” иши бўйича Кумушининг ўлимига Зайнабни айбдор деб, унга қуйидаги айбномаларни қўямиз:

1. Зайнаб суймаганга суйкалмаслиги керак эди. У Отабекнинг Кумушни яхши кўришини билса-да, икки қалбга озор берди.

2. Зайнаб болалигидан писмиқ қиз бўлиб, турмушга чиққач ҳам ана шу одатини қўймади. Ўз тарбиясизлиги орқасидан Отабекдан бир неча бор дакки эшитди.

3. Зайнаб энг оғир жиноятга қўл урди. Кумушни заҳарлаб ўлдирди. Даҳшатлиси шундаки, норасида гўдакни она меҳридан маҳрум этиб, 3 оила бахтини поймол этди.

**Оқловчи:** Хурматли мажлис аҳли, қораловчи жаноблари, Зайнабни фожеанинг асосий айбдори деб топдилар. Бироқ Зайнабнинг бу ишга қўл уришида ким айбдор? Ахир уни бу ишга ундаган ёлғиз Хушрўйбибигина эмас-ку! Наҳотки, Зайнабнинг севишга ва севилишга ҳаққи бўлмаса? Отабекнинг хўрлашлари етмагандек, Ўзбек ойим ҳам ўзлари суйиб олган келинларига нисбатан тўнларини тескари кийиб оладилар. Қораловчи Зайнабни тарбиясизликда айбладилар. Ахир, Ўзбек ойимдек бутун Тошкентни оёққа турғиза оладиган бир аёл яккаю ёлғиз ўғлига тарбиясиз бир қизни раво кўриши мумкин эдими? Зайнаб ҳам ҳуснда, ориятда, одобда Кумушдан қолишмас эди. Унинг ёлғиз айби Отабек томонидан севилмагани. У бу хонадонга бахт излаб келган, не-не орзу-умидлар билан бир ёстиққа бош қўйган эди.

Бироқ Отабекдек ақлли ва доно йигит Зайнабдан бир оғиз ширин сўзини, бир дақиқалик ширин муомаласини қизғонди. Бечора қиз Кумушининг бахтли кунларини кўриб, пойманаси тўлса-да, сабр этиб чидади. Бироқ Зайнабнинг қўлига заҳарни аччиқ ҳаёт, Ўзбек ойим, Отабек ва қолаверса Кумушбибининг ўзи тутқазди. Чунки севиб-севилишга, шу хонадоннинг эрка келини бўлишга Зайнабнинг ҳам ҳаққи бор эди. Отабекни ёрим деганди. Ёру вафодорим деганди. Кумушдан ҳам ортиқ суйганди. Сиз Зайнабга осон тутмангиз.

**Хукмдори одил:** Хурматли мажлис аҳли! “Ўткан кунлар” иши юзасидан айбномани очиқ қолдиришга қарор қилдик.

Отабек таънаси қайнади кейин,

Чирқираган гўдак ундан ҳам баттар,

Тушун, қутқармоғим эди кўп қийин,

Ҳақ тарих Зайнабга тутқазган заҳар,  
Яхши кўрар эдим, сени Кумушой.

*Шу боис, бу масалада Сиз ҳам мулоҳаза юритасиз деган умиддамиз. Бунинг учун “Уткан кунлар”ни қайта ўқиш зарур. Зеро, мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрли, дейдилар.*

Дарс якунланади ва ўқитувчи ўқувчилар иштирокини баҳолайди.

Уйга вазифа қилиб “Асар қаҳрамонига мактуб” мавзусида иншо ёзиш топширилади.

Хулоса қилиб айтганда, таълимнинг мазмуни ҳар томонлама етук маънавиятли, маърифатли кадрларни камол топтириш, вояга етказиш экан, таълим-тарбия берувчи шахс, яъни ўқитувчидан юксак истеъдод, маҳорат ва дарсларни ижодкорлик билан, турли шаклларда уюштиришни талаб қилмоқда. Бу эса, ўқитувчидан ҳар томонлама кучли билимга эга бўлишни, турфа соҳа кишилари билан ҳамнафас бўлишни назарда тутди. Ҳар бир дарсга алоҳида масъулият билан тайёрланиш ўқитувчининг муқаддас бурчидир. Билимдонлик, тажриба, касбий маҳорат, кўникма адабиёт дарсларининг самарадорлигини оширувчи муҳим омилдир. Ўқитувчининг дарс ўтишдаги маҳорати мавзуга мос методлар ва усулларни тўғри танлаш олишига ҳам боғлиқдир. Юқоридаги каби ноанъанавий дарслар анъанавий дарслардан фарқли ўлароқ, ўқувчининг мустақил фикрлашини шакллантиришда ҳам ўрни беқиёсдир.

## БАДИЙ АСАР ТИЛИНИ ЎРГАНИШ (ЧЎЛПОННИНГ “КЕЧА ВА КУНДУЗ” РОМАНИ МИСОЛИДА)

Ўзбек адабиётининг ёрқин сиймоларидан бири Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон бадий тил бобида ўзига хос мактаб яратган сўз санъаткорларидандир. Унинг тил воситаларидан унумли фойдаланиш маҳорати жуда кўп ёзувчиларга ибрат бўлганлиги ва бундан кейин ҳам бадий сўз оламига қадим кўядиганларнинг неча-неча авлодлари бу бадий мўъжиза сирларидан самарали сабоқ олмоғи шубҳасиз.

Шеърни “ипакдан кўйлак кийган тил” деб билган Чўлпон насрда ҳам айни имкониятларни мукамал ва мунтазам топа олган, уларни ишга сола билган улкан сўз устасидир.

Чўлпон ижодида “Кеча ва кундуз” романи нафақат ғоявий-бадий жиҳатдан, балки бадий тил маҳорати жиҳатидан ҳам алоҳида ўрин тутади.

Зебилар ярим кечаси Энахонларникига етиб келишди. Эшикни тақиллатганларида, ичкарида бир кампирнинг ингичка ва жонсиз овози “Ким у?”—деб сўраганда, одамлар бир уйқуни урган эдилар. Шаҳарлик меҳмонларни кўпдан буён кутаётган бўлишларига қарамай, ярим тунда кириб келади деб ўйламаган эдилар. Шу боис кампир бирданига довдиради чоғи, меҳмонлар билан сўрашиш ўрнига нима қилди экан: “Кампирча эшикни очар-очмас севинчламоқ учун ичкарига юрган эди”. Кампирнинг болаларча хатти-ҳаракати ва руҳиятини тугал акс эттириш мақсадида Чўлпон уни “кампирча” деб атайди.

Бу сўз айни ҳолатни ифодалаш билан бирга ёзувчининг самимий табассумини ҳам ўзида ифода этади. Зотан, асарга олинган ҳар бир сўз бадий баркамолликни таъминловчи эстетик восита бўлмоғи лозим. Агар муаллифнинг изчил муносабати, қалб кўри ҳар бир унсурда акс этмас экан, асар китобхонлар меҳрини қозона олмайди. Юқорида келтирилган мисолда ёзувчининг субъектив муносабати ёрқин ифодаланган. Адиб учун аҳамиятли бир нарса кампирнинг катта ёки кичиклигини тасвирлаш эмас, унинг ички дунёсини, самимиятини акс эттиришдир.

“Кеча ва кундуз” асарида адибнинг илҳом қайноғидан тафт олиб маромига етган пишиқ сўз ва иборалар ғоят кўп.

Мингбошининг кенжа хотини Султонхон Зебининг кўшигини тингларкан, бу бебаҳо овоз соҳибасини хонадонига таклиф этади. Бироқ бу таклиф унга талай муаммолар олиб келиши аниқ эди. Мингбоши учига чиққан хотинбоз: хонадоннинг югурдаги Умринисобиби ҳам Султонхонни бу оғир вазиятдан қутқариш ўйида “келинчак Умринисобининг кўзларига бир оз тикилиб тургач: “Шу тобда онам нотоб бўлиб қақиртурса хафа бўлмас эдим!”— дейди.

Ушбу жумлага нотоб сўзининг танланиши ёзувчининг хассослигидан нишонадир. Ўша сўзнинг ўрнига “бетоб”ни қўлаш мумкинмиди? Албатта, икки сўз ифодалаган мазмун ўртасида деярли фарқ йўқ. Бироқ сўзларнинг услубий бўёқдорлиги, кўшимча маъно қирраларига кўра нозик фарқ мавжуд. “Нотоб” “бетоб”га нисбатан ҳиссийроқ эшитилади ва сўзловчининг руҳий ҳолатига мувофиқ келади. Чунки нотоб бўлган киши сўзловчининг онасидир. Султонхоннинг “озор етмасмикан” деган маънодаги эҳтиёткорлиги ва айни дамдаги ноилжликни жуда чиройли акс эттирган. “Кеча ва кундуз” романи асосида ишланган видеофильмда эса, мазкур эпизодда “бетоб” сўзи ишлатилади. Натижада ёзувчи ушбу сўзга юклаган юмшоқлик, инжалик, нозли оҳанг йўқолган.

Чўлпоннинг ибратли бир жиҳати бор. У ҳам бўлса воқеликни сохталикдан йироқ, халқона руҳ ва халқона сўз билан ифода қила олишидир.

Халқ ичидаги жайдари удумлардан бири лақаб қўйиш бўлиб, у лақаб қўйилган одамларнинг жисмоний кўринишини ёки маънавий қиёфасини бир мунча аниқ акс эттиради. Адабиётда эса тасвирланаётган персонажларнинг индивидуал хусусиятини ойдинлаштиришда, қаҳрамонни тугал ифодалашда бадий-тасвирий восита бўлиб келади. Асарнинг марказий қаҳрамонларидан бири Мирёкубга ҳам халқ аллақачон муносиб лақаб ўйлаб топган эди. “Дуконида ҳар нарса топиладиган бир баққолга “фаранг баққол деб ном қўйган кексалар ҳар ишда қўли бўлган бу одамга “Мирёкуб эпақа” лақабини бериб хато қилмаганлар. Ўзлари ҳам бу лақабнинг тўғрилигини осонгина исбот қиладилар: “У аралашмаган иш эпақага келмайди”. Кўринадики, адиб халқ тилидан бениҳоя усталик билан фойдалана билган. “Эпақа” сўзи Мирёкубнинг ижтимоий табақаси ва маънавий дунёсини мукамал ифодалаш билан

бирга ёзувчининг бадий-эстетик мақсади йўлида астойдил хизмат қилади. Жонли тилда мунтазам қўлланиб келинган ушбу жўнгина сўз асарга танлаб олингандан сўнг мазмунан теранлашгандай, шаклан сайқаллангандай туюлади.

Чўлпон тилимиз табиатини беқийс даражада ҳис қилгани боис воқеликни лўнда ва ишонарли ифодалайди. Бунда, айниқса, замирида теран мушоҳадалар мужассам бўлган юморга бой халқ тилидан ғоят самарали фойдаланади: “Худо берган-да, худо!—дейишади кексалар” (Акбарали мингбоши ҳақида гап бормоқда). “Худо, ол, қулим, деса ҳеч гап эмас, шунда баъзи ёш-яланглар: “Худо ҳадеб шунақа инсофсизларга берар экан-да! Биз бечораларга ҳам бир нарса узатса-чи!” — деб қолишади.

“Буни эшитган кексалар таёқ кўтариб ёш-яланг устига югуришади. Бечора ёшлар таёқдан ўзларини олиб қочаркан, бир-бирига қараб пичинг отишади: “Нега қочасан? Худо сенга ҳам бераётир, олмайсанми?..”

Ушбу лавҳа китобхонда енгилгина кулги уйғотиш билан бирга уни чуқур мулоҳазага чорлаши турган гап. Аччиқ ҳаётий ҳақиқатни ёшлар руҳиятига мос равишда берганлиги учун эпизоднинг таъсирчанлиги ортган.

Қаҳрамон руҳий дунёсини тугал тасвирлашда кулгили ҳолатларнинг бадий ифодаси ғоят муҳимдир. Чўлпон кулги ҳосил қилишда, аввало, вазиятни мослайди, кейин ҳолатни ифодалайдиган сўзларни созлайди. Шу боис тасодифий кўринган кулгили ҳолатлар замирида катта ҳаёт мазмуни, инсоний қадр-қиммат билан боғлиқ муаммолар ётади. Мана бир мисолни кўздан кечирайлик:

“— Мулла Абдусамаддек амалдор йўқ! — деб давом этди Умаралибой.

— Акбарали одамми? Сипоҳми? Амалдорми? Унинг ўрнида мен бўлсам, гузардаги самоварни тақа-тақ беркитдирардим. Ҳамма бенамоз шу ерга йиғилади. Намоз ўқимаганни ёзда дарралатардим, қишда муз тешиб сувга пишардим.

— Шунинг учун худо сенга амал бермайди-да!— деди биров пастдан.

— Туяга қанот берса, қайси иморат соғ қолади! — деди кал Ҳасан.

Ҳамма кулиб юборди”.

Умаралибой Акбарали мингбошини ёмон кўради. Умаралибой юрагида тўпланиб ётган аламини учта сўз орқали аниқ баён қилади: "...Акбарали одамми? Сипоҳми? Амалдорми?.." Демак, у инсон сифатида ҳам, сипоҳ сифатида ҳам, амалдор сифатида ҳам тубан, нўноқ шахс. Бироқ танқид қилаётган шахснинг дунёқараши, ахлоқи ундан баттар эканлигини ёзувчи баён қилиш билан эмас, сўзловчининг ўз нутқи орқали ғоят аниқ очиб беради. Юқори табақага мансуб кишиларнинг аҳволи шу бўлгач, фуқаронинг аҳволини тушуниш қийин эмас.

Айтиш жоизки, назмда сўз ва оҳанг рақси учун имконлар сўнгсиз. Аммо насрда бу имконлар у қадар катта эмас. Лекин Чўлпон насрда ҳам айна имкониятларни мукамал ва мунтазам топа олган улкан сўз санъаткоридир. "Кеча ва кундуз" романи, ҳеч бир муболагасиз айтиш мумкин, замонлар суронидан саломат ўтиб келаётган гулдай тилимизнинг гулдай обидасидир. Асарни туркий сўз имкониятларини муфассал инкишоф қилган насрий сўз назми дейиш мумкин.

Чўлпоннинг сўз танлаш салоҳияти ҳайратланарли бўлганидек тиниш белгиларига муносабати ҳам диққатга сазовор. Эътибор қилинг-а: "Бултур экилиб, кўп қопларни қорайтирган ўсма илдизидан яна бош кўтариб чиқди... Мулойим кўлларда ивиб, сувга айлангандан кейин гўзал кўзларнинг супасида ёнбошлагани мунча яхши кўрар экан бу кўкат..."

Бу парчадаги тиниш белгилари сизни адиб руҳининг ижодхонасига етаклаши шубҳасиз. Кўп нуқта сирли хаёл уфқининг тилсими. Ва ихтиёрсиз "гўзал кўзларнинг супасида ёнбошлаган" ўсманнинг мавқеидан рашкланасиз. Ўша рашк туфайли ўсмани "кўкат" деб ҳақир кўрмоққа чоғланасиз. Бу ҳолатни ғоят теран ҳис қилган адиб ифодадаги ҳар бир унсурга эстетик бутунликнинг бир парчаси сифатида қарайди.

Чўлпоннинг ҳолат тасвиридаги маҳорати ҳам таҳсинга лойиқ. Айниқса, ҳолат ва ифодадаги нафислик қаҳрамон руҳидаги кечинмалар билан уйғунлашганда сизга тамоман ўзгача бир сурур бағишлайди: "Бир оёғи тиззадан куйиси букилиб, сўричадан пастга осилибди, бир оёғи унисини қувлаб бориб сўричанинг қирғоғида ухлаб қолибди. Узун кўйлаги бутун баданини кам-кўстсиз ёпиб турарди. Фақат бир энги

тирсаккача шимарилиб қолган... Оппоқ қўллари ва билаклари ўз ёнида ўз онасининг тўқлисидай бир чиройли ухлайди”.

Ҳа, чўлпонона ифодалар ана шундай содда ва самимий... айнаи ўша самимияти билан китобхонни сеҳрлай олади. Унинг қахрамонлари сизнинг тафаккурингизда намоён бўлади. Агар, Зеби қўшиқ айтса, унинг “тиниқ, губорсиз, жонон пиёладек жаранглаб чиқадиған чиройли ва ўткир овозини” сиз ҳам қалбдан тинглайсиз. Зеби дугор чертса, сизнинг оламингизда ҳам садо бериши шаксиз.

Чўлпон сўзга нисбатан гоаят эҳтиёткорона ёндашади. Адиб Зебининг ҳовли супуриш эпизодини тасвирлар экан, супурги сўзига қайта-қайта мурожаат қилади. Масалан, “...эшикнинг бесаранжом очилиши Зебининг кўнглини бир қур сескантириб олади. Бир қўлида супургиси, бир қўли тиззасида ерга эгилган кўйи эшик томонга тикилиб қолди”. “Иккаласи қувона-қувона кўришдилар. Супурги ётган жойидан нарига ўтмасдан ерга ёнбошлади”. Шу ўринда жонлантиришнинг гўзал намунасини кўриш ва ҳузурланиш мумкин.

Адиб персонажлар нутқини индивидуаллаштиришда ҳам ўз маҳоратини намоёниш эта олган. Ҳар бир персонаж нутқида унинг дунёқараши, маънавий олами, ақл-фаросати билан боғлиқ мисоллар тугал ва нозик акс эта олган. Асардаги етакчи қахрамонлардан бири Раззоқ сўфини “камгап, индамас, дамани ичига солган, зикна одам” деб таништиради. Унинг жоҳиллигини “...ўзидан улуғ ва кучли гапирса “ҳавво-ҳавво” демак; ўзидан паст ва кучсизлар гапирса “йўқ-йўқ” деган маънода бош чайқаш бўларди” ибораси билан янада бўрттиради. Раззоқ сўфининг камгаплиги бежиз эмас, унинг ўзига хос “принципи”, ўзига мос “фалсафаси” бор эди: “Бу тил, — дейди сўфи, — доим худонинг зикрига очилади. Оғиз билан тил банданинг жисмида энг азиз ва табарруқ аъзо, улар хотин кишидай паст махлуқ олдида хор қилинадими? Бўлмаса, ҳақ таолонинг бандалари ит билан ҳам гаплаша берсинлар. Йўқ, хотин кишига жуда зарур гап айтилади. У тоифа билан зарурат юзасидангина гаплашилади. Вассалом!”

Раззоқ сўфининг овозини дастлаб, Зеби дугонаси билан қичқаришиб-қувалашаётган пайтда эшитамиз. Шовқинни кўнгли хушламайдиган сўфи эшикдан кирар-кирмас овози борича: “Бу нима қиёмат!!!” деб бақиради, жимжитликка

кўниккан сўфи назарида қизларнинг шўхликлари “қиёмат” бўлиб туюлади. Айни ўринда қиёмат сўзи ёзувчининг эстетик мақсадини юзага чиқаришда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Муаллиф “қиёмат” сўзининг ўрнига “шовқин” ёки “тўполон” сўзларидан фойдаланиши мумкинмиди? Албатта! Лекин шундай қилинганда мазкур нутқда экспрессивликдан, образлиқдан қочилган бўлар эди. Чунки “қиёмат” сўзида “совуқ сўфи”нинг характериға оид муҳим ишора мавжуд. Айни шу сўз бошқа бир муҳитда, бошқа бир киши томонидан қуйидагича қўлланади: “Зебининг овозига нима дейсиз, чинакам қиёмат-а? — деди Холматга”.

Бу ерда “қиёмат” сўзи фақат кучма маънодагина қўлланган бўлиб, ошиқ йигитнинг ҳайратини ифодалашга хизмат қиляпти холос. Бу сўз йигитнинг характерини ойдинлаштиришда у қадар аҳамият касб этаётгани йўқ. Лекин аввалги ҳолатда “қиёмат” сўзи сўфининг диндорлигига, совуқдан-совуқ феъл-атворига очиқ ишора қилади.

Чўлпон у ёки бу ҳолатни очиб беришда сўзнинг ҳолат билан қай даража уйғунлаша олишига диққат қилади. Масалан, Зуннун хўжайиннинг соғлигига кўтарди. Қадаҳларнинг жаранглашидан мукамал бир симфония ҳосил бўлди. “Симфония” сўзи бу жойда жуда ўринли ва сирли жозиба қозонган. Чунки “зиёфатда” Зуннун, Мирёқуб, нойиб тўранинг хоними Валя ва онаси ўтиришибди. Демак, хонимнинг ҳам даврада ишгирик этиши кечага айрича сирлилик бағишламоқда, ажиб симфония яралмоқда. Бундан ташқари, мазкур сўз даврадаги европача руҳга, Европача “маданият”га ҳам ишора қилмоқда.

“Кеча ва кундуз” романида Чўлпоннинг халқ тили хазинасини чуқур ўрганганлиги бутун кўлами билан намоён бўлади. Уларнинг биргина халқ ибораларидан фойдаланишдаги маҳоратига диққат қилингандаёқ бунга амин бўлиш мумкин.

Воқеликни образли тасвирлашда, уни китобхон кўзи ўнгида аниқ ва тўла гавдалантиришда ибораларнинг ўрни, аҳамияти беқийёсдир. Иборалар, умуман, олганда, ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларни кузатиш, жамиятдаги мақбул ва номақбул ҳаракат-ҳолатларни баҳолаш, турмуш тажрибаларини умумлаштириш асосида халқ чиқарган хулосаларнинг ўзига хос образли ифодасидир. “Кеча ва кундуз”да тасвирнинг тугаллиги,

қахрамонлар ҳаёти ва ички дунёси ифодасининг тиниқлигини таъминлаш учун халқ тилидан сайлаб олинган ибораларнинг бой хазинаси мавжуд. Масалан, қовоғидаи қор ёғмоқ, ёсини танимоқ, юрагини ҳовучламоқ, гапини бир жойга қўймоқ каби жуда кўплаб халқ иборалари романда ўзининг муносиб ўрнини топади.

Чўлпон тасвир мақсадига мувофиқ ибораларни танлаш билан кифояланиб қолмайди, балки уларни қахрамонлар табиати, руҳий ҳолати, ҳаёт тарзига мослаб ўзгартиради, қайта ишлайди.

Чўлпон асарларининг тил хусусиятлари мукамал тарзда ўрганилмоғи, таҳлил қилинмоғи лозим. Зеро, Озод Шарафиддинов ёзганидек, Чўлпонни англаш уни мақтаб кўчларга кўтариш, уни идеаллаштириш эмас, унинг номига кўчалару санъат кошоналарини қўйиш эмас. Чўлпонни англаш сўз санъатининг ботиний қонуниятларини теран англаш, уларнинг шоир ижодида қандай зоҳир топишини англашдир”.

Чўлпоннинг бутун ижоди бадиий тил маҳорати борасида бетакрор ва улкан ибрат мактабидир. Унинг сўзга бўлган заргарона муносабатини деярли барча асарларида ҳайрат ва ҳузур билан кузатиш мумкин.

Таъкидлаш лозимки, Чўлпон халқ тилининг ранг-баранг бойликларини жуда катта завқ-шавқ ва теран илмий идрок билан эгаллаган. Диққатга молик бирор-бир воқеа-ҳодисадир, урф-одатдир ёки бир товущдир, сўздир, иборадир, қайси бир тил унсури бўлмасин, адиб уларни бевосита халқнинг ичидан излайди, уларнинг маъно қамровлари, сиру синоатларини халқ лафзининг ўзидан ўрганади. Ана шу йўлни ҳар қандай ёзувчи учун энг мақбул йўл деб билади.

## УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИНИ ЎРГАНИШ

Умумтаълим мактабларида халқ оғзаки ижоди материалларини ҳар томонлама ўрганишда методика фани кўпгина анъана ва ворисликларга эга. Бундай интилишни дастлаб, XX асрнинг бошларида миллий ўқув қўлланмалари ва уларни ўқитиш усулларини яратган элдошларимиз Саидрасул Азизий (1866–1933), Маҳмудхўжа Бехбудий (1874–1919), Абдуқодир Шакурый (1875–1933), Абдулла Авлоний (1878–1933), Ҳ. Ҳ. Ниёзий (1889–1929) асарларида учратсак, буларнинг ижодий такомилени XX асрнинг иккинчи ярмида Қ. Абдуллаева, М. Умарова, А. Шожалиловларнинг ўқув қўлланмаларида кўриш мумкин.

Кейинги келтирилган муаллифларнинг ўқув дарсликларига халқ оғзаки ижоди намуналарининг киритилиши билан бирга, уларнинг методик ишларида фольклорнинг нисбатан ихчам ва оммавий жанрлар: топишмоқ ва тез айтишлар, мақол ва ҳикматлар, эртақ, ривоят, афсона, достон, аския, латифаларни ўқитишнинг мақсад, вазифа, усул ва шакллари атрофлича баён қилинган.

Халқ ижодининг ижтимоий-сиёсий, маърифий ва тарбиявий аҳамияти катта. Чунки эртақ, достон, терма, мақоллар, кўшиқ ва лапарлар ўзининг теран мазмуни, бадиийлиги билан киши қалбини ром қилади. Бундай асарларда халқ донолиги ҳамда кўп асрлик ҳаётий тажриба мужассам. Шундай экан, шубҳасиз, халқ бадиий сўзининг тарбиявий қудрати юксак, ундан ёш авлодни тарбиялаш мақсадларида фойдаланиш ижобий натижа беради.

Амалдаги Давлат таълим стандартлари талаби бўйича ҳозирги мактабларимизнинг 5-, 6-синфларида халқ оғзаки ижоди кенгроқ ўқитилади. Дарсликларда мақол, ҳикоят, эртақ, афсона, топишмоқ, латифа ва аскиялар ҳақида кенг маълумот берилади. Бундан мақсад таълимнинг дастлабки босқичлариданоқ, ўзбек халқининг бой, маданий мероси—миллий қадриятлари сифатида фольклорнинг ижтимоий-ғоявий мазмуни, жанр хусусиятлари ва шакллари, урф-одат ва маросимлари, уларни ифодалаш, ижро этиш жараёнларини ўқувчи онги-шуурига сингдириш, уларни эъзозлаш кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат.

Иккинчи босқичда халқ оғзаки ижоди намуналаридан фақат дostonлар ўқитиш назарда тутилган.

Дастурга 7-, 8-, 9-синфларда “Равшан”, “Кунтуғмиш”, “Алпомиш” дostonлари киритилган.

Илгари халқ оғзаки ижоди ҳақида маълумот беришда кўпинча ишни халқ дostonларидан бошлаш анъана тусига кирган эди. Ҳақиқатан, дoston ўзбек халқ хазинасининг бебаҳо дурдонаси. Албатта, илк дарс машғулотларини дostonлардан бошлаш мароқли. Аммо кичик ёшдаги ўқувчиларга йирик ҳажмдаги дostonлар билан тўлиқ танишиш биров мураккаблик қилар эди. Шу боисдан ҳозирги кунда дostonлар ҳақида иккинчи босқичда маълумот берилади.

Ҳар бир дoston ўқитилишига камида уч соатдан беш соатгача вақт ажратилган. Йирик ҳажмдаги “Алпомиш” дostonини ўрганиш учун 9-синф адабиёт дастурида 5 соат вақт ажратилган.

Халқ оғзаки ижодининг йирик обидаси ҳисобланмиш “Алпомиш” дostonини ўрганишга бағишланган биринчи дарс жараёнини кўйидагича ташкил қилиш мақсадга мувофиқ.

#### **Дарс мақсади:**

— дoston билан амалий таништириш, дostonнинг бошқа жанрлардан фарқли белгиларини кўрсатиш;

— матнни ифодали ўқиш, бадиий ҳикоя қилиш, бу борада тегишли кўникма ҳамда малака ҳосил қилиш;

— дoston ижросини тинглаш орқали унинг моҳиятини идрок қилиш, қаҳрамон руҳиятини ҳис этиш, ўқувчиларни ахлоқий ва эстетик руҳда тарбиялаш.

**Дарс типи:** янги билим, маълумотлар бериш, дастлабки кўникмаларни бойитиш.

**Дарс методи:** баҳс-мунозара.

**Дарс жиҳози:** Фозил Йўлдош ўғли, Саидмурод Паноҳ ўғли томонидан ижро этилган “Алпомиш” дostonи, аудиокассеталар, дискетлар, дoston ёзилган видеокассеталар ва компакт дисклар, уларни намойиш қилиш учун ўқитишнинг техникавий воситалари, дарслик ва икки томлик “Алпомиш” дostonи.

**Дарснинг бориши:** дарс ташкил қилинганда, дарснинг мавзуси олдиндан бериб кўйилганлигини эслатиш, дostonнинг ғоявий мазмуни билан танишиш, воқеа ва тимсоллар юзасидан мунозара уюштириш, матнни ифодали ўқиш ва бадиий ҳикоя қилиб бериш.

Ўқувчиларнинг қуйи синфларда халқ оғзаки ижоди жанрлари бўйича олган билим, малакаларига таянган ҳолда халқ дostonлари хусусидаги фикрлари сўралади. Тўрт, беш ўқувчидан қисқача сўралгандан сўнг ўқитувчи уларнинг фикрларини умумлаштиради, ўз мулоҳазалари билан бойитади, мустаҳкамлайди.

*Ўқитувчи:* халқ оғзаки ижоди асарлари орасида шундайлари ҳам борки, улар ифодаланиши, тузилиши жиҳатидан жуда содда, эртақлар каби ўзига тортадиган, сеҳрли, бироқ ҳажми жиҳатидан катта, мазмун кўламига кўра, инсон ҳаётининг кўплаб томонларини қамраб олган, ифодаланиш усули ва ижроси ҳам ўзига хос бўлиб уни халқ дostonи дейилади. Халқ дostonлари тарихан маълум халқ шоири томонидан оғзаки тарзда яратилиб, бошқа ижодкорлар томонидан сайқал берилиб авлоддан-авлодга, наслдан наслга ўтиб келади. Натижада, унинг яратувчиси унутилиб, халқ мулкига, халқ ижодига айланиб кетади. Шунинг учун ҳам халқ оғзаки ижодидаги дostonлар жамоанинг ижод маҳсули деб қаралади.

Ҳар бир халқнинг тарихий ўтмишини, миллий тараққиёт йўлини, турмуш тарзини бевосита акс эттирадиган дostonлар бўлади. Ўзбек халқида “Алпомиш”, “Гўрўғли”, “Рустамхон” ва бошқалар, қирғиз халқининг “Манас”, қорақалпоқ халқининг “Қирққиз”, ҳинд халқининг “Маҳабҳарата”, “Рамаёна” дostonлари ана шундай дунёга машҳур дostonлардир.

Дostonлар айрим кишилар томонидан маҳорат билан оғзаки ижро этилган. Бундай дoston ижрочиларини ўзбеклар “бахши” деб атайдилар. Демак, дostonлар, халқ бахшилари томонидан ижро қилинган.

Дoston ижросини телевизорда кимлар томоша қилган, кимлар радиодан тинглашга муяссар бўлган, деб ўқувчиларга мурожаат қилинади. Томоша қилган, эшитган ўқувчиларнинг таассуротлари сўралади ва суҳбат ўқитувчи томонидан умумлаштирилади.

Суҳбатдан кейин ўқитувчи ўқувчилар эътиборини жалб қилиб, Фозил Йўлдош ўғли ижро этган “Алпомиш” дostonи аудиокассетасини эшиттиришга қўяди (3—5 дақиқа).

Дostonдан парча тинглангач, ўқитувчи ўз баёнини давом эттиради. Ўқитувчи энди “Алпомиш” дostonининг ўқилишини эълон қилиб, суҳбатни давом эттиради.

Ўқувчилар томонидан “Алпомиш” достони китобдан ифодали қилиб, бадиий ўқилади. Кейин “Алпомиш” достони асосида тайёрланган фильмдан лавҳа кўрсатилади.

Ифодали, бадиий ўқишдан, кинолавҳадан завқ олган ўқувчиларнинг эркин мулоҳаза-баҳс юритишларига имкон берилади (3—4 дақиқа).

Қаҳрамонларнинг тавсифларини таъсирли беришда воқеа-ҳодиса содир бўлаётган вазият, ҳолат, персонажларнинг айтишувлари, қандай мавқедаги шахслар орасида кечиши ўрганилгач, достоннинг ғоявий мазмунини тушунтириш иши бошлаб юборилади.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг диққатини ўзига жалб қилиб, достон мазмунини содда, ихчам ва халқ тилида бадиий ҳикоя қилиб беради. Сўнгра ўқувчилар достон мазмунини оғзаки ҳикоя қилишга тайёрланиши учун доскага қуйидаги саволлар ёзиб қўйилади:

1. Бойбўри ва Бойсари ўртасидаги низо қандай келиб чиқади?

2. Алпомиш ва Қоражон қаерда учрашиб қолишади?

3. Банди бўлган Алпомиш ким томонидан қутқарилади?

4. Алпомиш сиймосидаги сизга ёққан фазилатлар қайсилар?

5. “Алпомиш” достони неча йиллиги юртимизда кенг нишонланди?

Шу аснода суҳбат уюштирилиб, кимки “Алпомиш” достонининг тўлиқ мазмуни билан танишишни хоҳласа дарсдан ташқари вақтларда махсус “Достон ўқиш” давраси машғулоғи ташкил қилишни айтиб, ўқитувчи синф жамоаси эътиборини компьютердан компакт дискка туширилган “Бойсун баҳори” фестивалида ижро этилган “Алпомиш” достонининг ижросини тинглашга ўқувчилар диққатини жалб қилади.

Дарснинг тугашига икки-уч дақиқа қолганда ўқитувчи эшиттиришни тўхтатиб, уйга вазифа беради:

— дарсликдаги “Алпомиш” достони матнини бир неча марта ўқиб, ифодали ҳикоя қилишга ўрганиб келиш;

— достон мазмуни асосида ижодий матн яратиш топширилади.

## НОАНЪАНАВИЙ ДАРС ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТАЖРИБАСИДАН

Азал-азалдан баркамол авлодни тарбиялаш бутун башариятнинг энг юксак орзуларидан бири бўлиб келган. Бундай орзудаги одамлар азалий маърифатга тааллуқли юртларнинг донишмандлари ҳисобланганлар. Уларнинг орасида бизнинг серкуёш заминда яшаган аждодларимизнинг ҳам ўз ўрни бор. Бу жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган ҳақиқатдир.

Хўш, баркамол авлод қандай тарбияланади, қачон у баркамол дейилади?

Бу ўринда Президент И.А.Каримовнинг қуйидаги сўзларини эслаймиз. "Биз комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилганмиз. Комил инсон деганда биз, аввало, онги, хулқ-атвори ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз"<sup>35</sup>.

Баркамол, салоҳиятли авлодни тарбиялаш мақсадида қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури"ни ҳаётга татбиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Таълим-тарбия тизими кадрларнинг янги авлод тафаккурини, онгини шакллантиришга хизмат қиладиган зарур бир соҳадир.

Таълим стандартлари қабул қилиниши таълимнинг зарур ва етарли даражаси ҳамда ўқув юкнамалари ҳажмига қўйиладиган асосий давлат талабларини ҳам белгилаб берди.

Айтиш жоизки, давлат раҳбари И.А.Каримов "Алоҳида таъкидлаб ўтишимиз керак, том маънода фарзандларимизнинг дунёқарашини шакллантириш ва кенгайтиришга асос солишимиз керак", деб таъкидлайди.

Ёшларга таълим беришдан асосий мақсад — баркамол авлод онгига фан асосларини пухта сингдириш орқали уларни диёнатли, эътиқодли қилиб ўстириш, ижтимоий ҳаётдаги ҳар бир ҳодисага онгли ёндашиш руҳида тарбиялаш, эгаллаган билим ва кўникмаларини ҳаётга татбиқ этиш қобилиятини таркиб топгириш, ривожлантиришдан иборат.

Бу жиҳатдан, айниқса, адабиёт дарси ёш авлодни жамиятимиз олға сураётган юксак ғоялар руҳида тарбиялаш воситаси ҳисобланади.

<sup>35</sup> Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. «Мулоқот» журналі. 1998, 5-сон.

«Адабиёт» ўқув фани сифатида мураккаб, кўп қирралидир.

Адабиёт ўқувчиларни ҳаёт билан таништиради, уларда ҳаётни кўриш ва англашга қизиқиш ҳиссини ўстиради, атроф-муҳит ва инсон характерининг мураккаблигини тушунтириш қобилиятини, Ватанга, халқига садоқатли бўлиш туйғусини шакллантиради, ривож топтиради.

Кейинги йилларда ташаббускор, изланувчан ўқитувчилар томонидан қўлланилаётган баҳс-мунозара, семинар, синов, назм, конференция, саёҳат каби ноанъанавий дарслар самарадорлик ва ўқувчилар фаоллигини оширишга хизмат қилаётгани сир эмас.

Жумладан, сценарийли дарс мавзу баёнидан бошланиб, мустақамлаш босқичигача, асосан, ўқувчиларнинг фаол иштирокида ўтади.

Сценарийли дарсни маълум бир адиб ҳаёти ва ижодини яқунлаш ва адиб қаламига мансуб асарни чуқурроқ ўрганиш учун ўтказиш мақсадга мувофиқ. Бу эса, олган билимларни мустақамлаш, фикрлаш салоҳиятини оширишда ёрдам беради.

Сценарийли дарс давомида ўқувчилар иштирокида ўтилган асарлардан парчалар ёд ўқиш, турли шаклларда ёзувчи ҳаёти ва ижодига доир мустақамловчи савол-жавоблар ўтказиш, кўргазмали қуроллардан, техника воситаларидан унумли фойдаланиш эса кўзланган натижани бериши шубҳасиз.

**Ғ. Фуломнинг “Менинг ўрганига болам” асарини ўрганиш.**

**Дарснинг максали:**

— Ғ. Фулом ҳаёти ва ижоди бўйича ўқувчилар эгаллаган билимларни мустақамлаш;

— ҳикояни ўрганиш жараёнида тўғри ва мустақил хулоса чиқариш;

— таҳлил воситасида ўқувчиларни яхшилик ва ҳалолликка ўргатиш; миллий урф-одағларимизни қадрлаш, Ватанга муҳаббат туйғуларини таркиб топтириш.

**Дарс услуби:** Ўқитувчи баёни, ифодали ўқиш, савол-жавоб ўтказиш.

**Дарс жиҳози:** адиб портрети, асарларидан намуналар, кўргазма расмлар, тарқатма карточкалар.

**Дарснинг бориши:**

**Ўқитувчи:** Ғ. Фулом ўз ижодини лирик шеърлар ёзишдан бошлаган.

Қани, унинг қандай шеърларини биласиз?

**Ўқувчилар:** Ғ. Ғулом “Вақт”, “Соғиниш”, “Кузатиш”, “Билиб қўйки, сени Ватан кутади” каби шеърларни ёзган.

**Ўқитувчи:** Ғ. Ғуломнинг қандай ҳикоя ва қиссаларини биласиз?

**Ўқувчилар:** “Ёдгор”, “Шум бола” қиссалари; “Ҳийлаи шаърий”, “Менинг ўғригина болам” каби ҳикоялари бор.

**Ўқитувчи:** Ким Ғ. Ғулом шеърларидан ёд ўқиб беради?

1-ўқувчи “Билиб қўйки, сени Ватан кутади» шеърини ёд ўқиб беради.

Ўқувчилар Ғ.Ғуломнинг бошқа шеърларидан ҳам парчалар ўқишади.

**Ўқитувчи:** Ғ. Ғулом халқимизнинг муҳаббатини қозонган улкан сўз санъаткоридир. У ўзбек халқининг асл фарзанди сифатида адабиёт, маданият, фан ривожига жуда катта улуш қўшган адибдир.

Ғ. Ғулом уруш йиллари ота-онасидан эрта етим қолиб, уй-рўзғор ташвиши билан ўтган, шунинг учун ҳам, унинг асарларида турмушнинг оғир қийинчиликлари, етимлар ҳаётини акс эттириш кучли бўлган.

“Менинг ўғригина болам” ҳикоясида ҳам урушнинг оғир йилларида тўртта етим неварасига бош бўлиб ўтирган Роқиябиби ва шу хонадонга ўғриликка тушган ўғри бола сўхбати ҳикоя қилинади.

Дарсда шу ҳикоя асосида тайёрланган саҳна кўриниши намойиш (парча) қилинади.

Парча томоша қилинганч, савол-жавоб орқали ўқувчилар фикри эшитилади.

—Асарда қайси давр воқеалари тасвирланади?

—Қора бувининг асл исми ким? Уни қандай аёл деб ўйлайсиз?

—Ўғри нима учун бой хонадонга ўғриликка тушмади?

—Қора буви Сизда қандай таассурот қолдирди?

—Ўғри бола ҳақида фикрингиз?

—Асардан чиқарган хулосаларингиз?

—Ғафур Ғулом ижоди Сизда қандай таассурот қолдирди?

**Ўқитувчи:** Биз ҳикояда кўрганимиздек, Ғ. Ғулом Қора бувини шундай тасвирлайдики, кампирнинг самимий дил сўзлари, меҳрибонлиги ёмон ният билан келган ўғрини дўстга айлантиради. Бундай ажойиб онахон фақат ўзбеклардагина учрайди, дея олмаймиз. Барча миллат вакиллари ичида ҳам шу

йўсинда фикрлайдиган, шу тарзда, шу оҳангда сўзлайдиган онахонлар кўп. Асар миллий руҳда ёзилган.

Ғ. Ғулломнинг ҳаёт ва ижод йўли ҳам биз учун бир ҳаёт мактабидир.

Ўқитувчи дарсни Ғ. Ғулломнинг буюк Навоийга бағишлаган мадҳиясидаги бандлар билан яқунлайди.

Юксак тоғ оралаб ўқирган шеърнинг

Наърасига тенгдир акси садоси.

Беш юз йил янгради тоғдай Ватанда

Буюк Алишернинг асрий нидоси.

“Ҳикоядан олган таассуротларим” мавзусида уй иншоси ёзиш вазифа қилиб топширилади.

Шундан сўнг “Менинг ўғригина болам” ҳикояси адибнинг таржимаи ҳоли, унинг болалик йиллари билан боғлиқ экани ҳақида гапирилиб, Ғ. Ғулломнинг болалик йиллари қандай кечгани ҳикоя қилинади. Бунда, яхшиси, адибнинг таржимаи ҳолидаги ўз сўзларига таянган ҳолда ота-онаси саводли, адабиётга ҳавасманд кишилар бўлгани, улар қашшоқ яшаганликлари, айниқса, ота ўлиmidан кейин етимларнинг ночор аҳволи ҳақидаги сўзлар ўқувчиларга кучли таъсир этишини назарда тутиш даркор. Бунда адибнинг ота ўлими ҳақидаги қуйидаги жумла келтирилиши мумкин:

“...Отам 1912 йилда, 44 ёшида... Қўрғонтеги маҳалласидаги ўз ҳовлимизда вафот этди. Ҳовли бўлганда ҳам қандай денг?! Қўрғон тагида, яъни “на дне” да 25 квадрат саржинли захкаш, тутдай тўкилай деб турган бир ҳовлида ўпка шамоллашидан ўлди... Биз беш етим бола қолавердик. Мен 9 ёшда, энг кичик синглим — Баҳри 6 ойлик”.

Шоирнинг бошига тушган яна бошқа кўрғиликлар келтирилади: ўша пайтлар биринчи жаҳон уруши бошланганлиги, камбағалларнинг кун кўришлари қандай бўлиши...

Сўнгра ҳикоя билан таништиришга ўтилади. Ҳикояда тасвир этилган ҳодисалар ёзувчининг болалик хотиралари билан дахлдорлиги айрим жумлалар билан далилланади, эслатиб ўтилади. Ҳикоя матни ўқилади ва нотаниш сўзлар устида луғат иши олиб борилади.

**Иккинчи дарсда** ҳикоядаги Бола ва Қора буви образлари таҳлил қилинади.

Қора буви образи таҳлилида ўқитувчи қуйидаги саволлар ёрдамида ўқувчиларни баҳс-мунозарага тортиши мумкин:

Қора буви қанақа аёл?

Хонадонига ўғри тушганда нега у шовқин кўтармади?

Ўғрига ҳам дўстона муносабатда бўлиш мумкинми?

Қора буви нега ўғрининг ҳасратларини тинглади?

Қора буви тўғри иш қилдими? ва ҳ.

Жавоблар турлича бўлиши, баъзилар Қора бувининг қилмишларини оқлаши, баъзилар қоралаши мумкин. Ўқитувчи ўқувчиларнинг жавобларини тасдиқлаш ёки инкорлаш, баҳслашиш йўли билан ўзининг муносабатини билдиради. Баҳс хулосасида ўқувчилар Қора буви жафокаш, қалби меҳр-мурувватга тўла, ўзгаларга фақат яхшилик қилишга тайёр онахон эканлигига ишонч ҳосил қиладилар. Бунинг тасдиғи сифатида яна бевосита матнга мурожаат қилиш мумкин. **“Бошимда шунча мусибат турганда кўзимга уйқу келадими?..”** деб бошланувчи парчада онахон ҳолати, изтироблари, дардини ҳис қиладилар, **“Шу тўртта етимнинг эртасини ўйлайман-да, болам”** жумласидан ўқувчилар кампир ҳасратининг сабабини англаб етадилар. Ўқитувчи Қора буви нутқидаги: **“...тириклик тошдан қаттиқ, туянинг кўзидай нон анқога шапиг...”** каби ибораларга ўқувчилардан изоҳ сўраши, агар жавоб ололмаса, ўзи уларни изоҳлаши лозим.

Парчалар таҳлили орқали ўқувчи хонадон кулфатлари, Онахон изтиробларининг сабабчиси муҳтожлик, қаҳатчилик эканлигини англамоғи лозим.

Айни пайтда ўқитувчи инсоний меҳр-шафқат, мурувват туйғусининг сеҳрли кудратига урғу бериш билан бирга, ўқувчилар диққатини Қора буви нутқидаги унинг дилкаш, меҳри дарё онахон эканлигини кўрсатувчи сўз ва ибораларга жалб қилиши керак.

**Учинчи дарс** ҳикоя иштирокчиларидан яна бири ўғри образи талқинига бағишланади. Бу образ таҳлилини ҳам баҳс-мунозара йўли билан бошлаган маъқул. Негаки, ўғри образи талқини бироз мураккаб, чунки ўғрилиқни ҳеч қачон оқлаб бўлмайди. Ўқитувчи қаҳрамон кирган йўлни қоралаган ҳолда, унинг ички дунёсини очиб бериши, меҳр-шафқат туфайли қалбида яширинган андиша, одамгарчилик, инсоф туйғулари уйғонганлигини ўқувчилар (кўнглига) онгига етказиши керак. Баҳс учун тузилган саволлар ўғри характеридаги мураккаблик, зиддиятни юзага чиқаришга қаратилган.

“Ҳалол” деганда нимани тушунасиз?

“Ҳаром” деган сўз нимани англатади?

Ўғрини ёмон йўлга киришга нима мажбур қилди?

Ўғри билан кампирни нима бирлаштирди? ва ҳ.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг фикрларини тинглаб, изоҳлар билан баҳснинг тўғри йўналишда кетишини таъминлайди.

Шундан сўнг ўқитувчи ўқувчилар диққатини ўғри ҳасратлари ифодаланган парчага тортади. **“Менга ҳозир шу қилиб турган ўғрилик касби ёқади дейсизми? Тушпа-тузук аёлманд касибнинг боласи эдим. Замон чаппасидан кетди”** деган сўзларига урғу бериш лозим.

Ўқувчилар ўғрининг ушбу сўзларига яширинган ҳалол яшаб юрган кунларини қўмсаш туйғусини сезади. Ўғрининг икки боласи, хотини ва кампир онасини боқиш кераклиги, бошқа касб қилай деса, “ҳамма касбларнинг бозори касод” эканлиги хусусидаги ҳасратлари мазмунидан ноиложликдан шу ҳаром йўлга кирганлигини англаб етадилар.

Энди ўғрининг дарду ҳасратлари мазмунидан хабардор бўлган ўқувчилар диққатини инсоний фазилатлар уйғотиш жараёнига тортиш муҳимдир. Сўнгра ўқитувчи ҳикоядаги яна бир жиҳат Ғ. Ғулом услубига хос юмор масаласида ҳам тўхтаб ўтади. Юмор атамасини соддароқ қилиб ҳазил-мутойиба деб тушунтириш жоиз.

Аслида фожиавий руҳ билан йўғрилган ҳодисани кулиб тасвирлай олиш ҳам катта санъатдир. “Менинг ўғригина болам” асарининг энгил ўқилиши ҳам шу боисдандир. Ўқитувчи ўқувчиларнинг ёзувчи маҳоратини ҳис қилишлари учун уларга ҳикоядаги кулгили ўринларни аниқлашни топширади. Сўнг ўқувчиларнинг жавобларини тинглаб, юмор Ғ. Ғулом ижодида кўп учрайдиган жиҳат эканлигини таъкидлайди.

**Тўғринчи дарсда бадиий асарнинг миллийлиги хусусида тушунча ҳосил қилинади.** Бунинг учун ўқитувчи дастлаб ўқувчиларнинг умуман миллийлик тўғрисидаги тушунчаларини аниқлаб олиш ниятида уларга қуйидаги саволлар билан мувожаат қилади:

**Миллийлик деганда нимани тушунасиз?**

**Миллийлик нималарда намоён бўлади?**

Ўқувчилар жавобларида миллийлик — меҳмондўстлиги, миллий кийиниши, ўзиг намоён бўлишини таъкидлашларига эриш жавобларга қўшимча қилиб миллийлик б муомала эканлигини ҳам кўрсатиб ўтиш

ўқувчилар диққати бадиий асарда миллийлик қай тарзда намоён бўлишига қаратилади. Юқорида санаб ўтилган хусусиятлар, халқ, миллат турмуши манзараларининг бадиий асарда жонли, ҳаётий акс эттирилиши ҳам миллийликдир. Лекин асосийси фақат шундан иборат эмаслиги, миллийлик, аввало, асарнинг руҳида, ички мазмунида, персонажларнинг, қолаверса, ёзувчининг фикрлаш, сўзлаш тарзида, орзу-интилишларида намоён бўлувчи хусусият эканлиги ўқувчиларга етказилиши ва сингдирилиши лозим.

“Менинг ўғригина болам” ҳикоясига ажратилган охириги дарсни ҳикояга сценарий ёзиб, уни саҳналаштириш билан якунлаш мумкин. Ҳикоя диалог асосида қурилгани учун унга сценарий тузиш қийин эмас. Саҳна намоёйишини синф шароитида ҳам ўтқизиш мумкин. Бу, биринчидан, ўқувчиларнинг ўтган дарсда олган билимларини мустаҳкамлаш, иккинчидан, ҳикояни саҳналаштириш жараёнида ўқувчиларни эпик асарни драматик асарга айлантириш жараёнининг бевосита иштирокчиларига айлантириш имконини беради. Учинчидан, бу ишда ҳикоя воқеасининг жонли манзараларини кўриш, қаҳрамонларнинг нутқини тинглаш, миллийлик тушунчасини чуқурроқ идрок этишга имконият яратилади.

Дарс хулосасида ўқувчи миллийлик ижодкор истеъдоди, маҳоратини кўрсатувчи асосий мезонлардан бири эканлигини таъкидлаб, А. Қодирий, Чўлпон, Ойбек каби ёзувчилар ижодида бу хусусият айниқса ёрқин намоён бўлиши, Ғ. Ғулом ҳам улар сирасига кириши, “Менинг ўғригина болам” адибнинг бу борадаги санъаткорлигини намоёйиш этувчи асар эканлигини тушунтиради.

Хулоса шуки, адабиёт дарсларининг муваффақияти ўқитувчининг тайёргарлиги, билим савиясигагина эмас, унинг дарс жараёнини ташкил қилишга ижодий муносабатда бўлишига ҳам боғлиқ.

Адабий таълимдаги ўзига хослик адабиёт ўқитувчисидан алоҳида ижрочилик маҳоратини талаб этади. Адабиёт ўқитувчиси бадиий асар моҳиятини маромига етказиб тушунтира олмаса, асарда ифодаланган ғояларни ҳам тулиғича етказиб бера олмайди.

## ҲАДИСЛАРНИ ЎРГАНИШ – ИБРАТ

**Дарс шиори:** Ақлнинг кўрки – тил,  
Тилнинг кўрки – сўз.  
(Юсуф Хос Ҳожиб)

**Дарснинг мақсади:**

**Таълимий:** ҳадислар ҳақида ўқувчиларда билим ва кўникмалар ҳосил қилиш.

**Тарбиявий:** ҳадислар орқали ўқувчиларни Ватанга, ота-онани ва бир-бирига меҳрли қилиб ўстириш, юксак маънавиятли комил инсонни тарбиялаш.

**Ривожлантирувчи:** ўқувчиларнинг оғзаки нутқини ўстириш.

**Дарс услуби:** аралаш.

**Дарс жиҳози:** кўргазмалар қуроллар, ҳадислардан намуналар ва тарқатма материаллар, тезкор саволлар.

**Дарснинг бориши.**

**I. Ташкилий қисм:**

- саломлашиш;
- даволатни аниқлаш;
- синф тозаллигини кузатиш.

**II. Ўтилган дарс мавзусини такрорлаш:**

Синф ўқувчилари 3 гуруҳга бўлинади.

1-шарт. Кўргазмадаги мевали дарахт орқали ўқувчиларга саволлар тарқатилади. Ҳар гуруҳдан 3 тадан ўқувчи саволга жавоб беради.

2-шарт. Ўқувчилар саватдаги мевалардан рақам танлайди. Ушунга рақамдаги саволни ўқитувчи ўқиб туради, ўқувчилар жавоб берадилар.

3-шарт. Куйидаги саволлар карточкаларда ёзилган бўлиб, ўқувчиларга тарқатилади. Жавоб ёзма тарзда адабиёт дафтларларида бажарилади. Бирин-кетин жавоблар ўқувчилар томонидан ўқилади:

**Саволлар: “А” вариант.**

1. Юсуф Хос Ҳожиб қачон ва қаерда туғилган?
2. Юсуф Хос Ҳожиб қайси шаҳарларда яшаган?
3. Юсуф Хос Ҳожибни яна ким деб аташган?
4. Юсуф Хос Ҳожиб қандай илмлардан бохабар бўлган?
5. Юсуф Хос Ҳожиб “Кутадғу билиг” достонини кимга совға қилади?
6. Табғач Бугроҳон Юсуф Хос Ҳожибга қандай унвон берган?
7. “Кутадғу билиг” асари қайси йилларда ёзилган?

8. “Кутадғу билиг” жумласи қандай маънони англатади?
9. “Кутадғу билиг” қандай турдаги асарлар сирасига киради?

**“В” вариант.**

1. Асар ҳақидаги илк маълумотлар бизга ким орқали етиб келган?

2. “Кутадғу билиг” нинг нечта нусхаси бор? Улар қайсилар?
3. “Кутадғу билиг” қандай йўналишда ёзилган?
4. “Кутадғу билиг” неча боб ва неча байтдан иборат?
5. “Кутадғу билиг” қандай тартибда тузилган?
6. “Кутадғу билиг” асарида қандай рамзий образлар мавжуд?
7. Кунтуғди ниманинг рамзи сифатида олинган?
8. Ойтўлди ниманинг рамзи сифатида олинган?
9. Ўғдулмиш ниманинг рамзи сифатида олинган?

**“С” вариант.**

1. Ўзғурмиш ниманинг рамзи сифатида олинган?

2. Кунтуғдининг олдига биринчи бўлиб ким боради?

3. Уни нима мақсадда саройда олиб қоладилар?

4. Ойтўлдининг ўртоғи ким эди?

5. Ойтўлди Кунтуғдининг саройига боришдан олдин йўлда ким билан учрашади?

6. Ойтўлдининг ўғли ким?

7. Юсуф Хос Ҳожиб “Кутадғу билиг” асарини ёзишда нималарга мурожаат қилади?

8. “Кутадғу билиг” асарининг бугунги кундаги аҳамияти қандай?

9. Асарда аҳолининг қайси тоифалари ҳақида гапирилган?

**III. Янги мавзу баёни.**

Ҳадис арабча сўз бўлиб, содир бўлган, ривоят қилинган деган маъноларни билдиради. Ҳақиқийлиги пухта ўрганиб чиқилган, ишончли ҳадислар сахих дейилади. Саҳиҳ сўзининг маъноси соғлом, тўғри, хатосиз дегани. Ҳадисни ривоят қилувчи киши ровий. ҳадисларни тўпловчи ва саҳиҳни носаҳиҳдан ажратувчи эса, мухаллис деб юритилади.

Ислом таълимоти бўйича асосий манба “Қуръон”дир. Ҳадислар ана шу муқаддас асардан кейинги ўринда турувчи мўтабар манбадир.

Ислом оламида номи машҳур ҳадис тўпловчи ва шарҳловчилар Имом ат-Термизий, Доримий Самарқандий, Имом Исмоил ал-Бухорийлардир. Абдурахмон Жомий “Чил ҳадис”, Алишер Навоий “Арбаин ҳадис” асарларини яратган. Ҳадисларни тўплаш ишлари VIII асрдан бошланган. Имом ал-Бухорий биргина “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” (“Ишончли тўплам”) асари устида

16 йил иш олиб борганлигидан билиш мумкинки, бу иш қанчалар мураккаб. Олим 600 минг ҳадисни тўплаб, 7275 тасини танлаб олган ва шу тўпلامга жамлаган. Одоб-ахлоқ мавзусига бағишланган ҳадисларни танлаб олиб, алоҳида китоб ҳолига келтирган. Бу китоб “Ал-адаб ал-муфрад” (“Адаб дурдоналари”) деб номланган бўлиб 1322 та ҳадисни ўз ичига олган.

Ҳадислар матнини ўрганиш ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлиги асосига қурилса, болаларнинг мустақил фикрлаш қобилиятлари ўсади, уларнинг нутқи равшанлашади, эгаллаган назарий билим ўз аксини тезроқ кўрсатади. Ўқитувчи ўқувчилар онгига ҳадисларни сингдиришда, уларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш билан бирга ўқувчиларнинг сезги-ҳисларини уйғотиши, сўнгра уларнинг хотираси, кенг тафаккури ва ниҳоят нутқини ўстиришга жиддий аҳамият бериши лозим, деб таъкидлайди методист олим Улуғбек Долимов.

Ҳадислар Муҳаммад Пайғамбарнинг ҳаёти ва фаолияти, турли ҳаётий вазиятларда хилма-хил диний, фалсафий, ахлоқий-таълимий мавзуларда айтган фикрлари, берган кўрсатмалари ёки муносабатларини акс эттиради.

Ҳадисларда илм, маданият, ахлоқ ва одоб улуғланади:

— “Гарчи Хитойдан бўлса ҳам, илмга интилинглар, чунки илм олишга ҳаракат қилиш ҳар бир мўминга фарздор”;

— “Ёшликда олинган билим тошга ўйилган нақш кабидир”;

— “Ватанни севмоқ иймондандир”;

— “Гуноҳнинг катгаси: Тангрига ширк келгирмоқлик, ноҳақ қон тўкмоқлик ва ёлғон гувоҳ бермоқлик”;

— “Агар ота-она бирданига чақириб қолишса, аввал онанга жавоб қил”;

— “Тангри ғам-ташвишли одамларга ёрдам берадиганларни дўст этади” ва ҳ.

**Янги мавзунини мустаҳкамлаш.**

Янги мавзунини мустаҳкамлаш учун “Тренинг” ўйинини ўтказилади. Бунда ҳар бир гуруҳ 5 дақиқа давомида конверт ичидаги сўзлар орқали қуйидаги ҳадисларни йиғиши керак:

— “Илмнинг офати эрдан чиқармоқлик ва илмга рабати бўлмаган кишиларга ўргатиш уни зое кетказмоқликдир”.

— “Савоб иш қилганингизда хурсанд бўлсангиз, гуноҳ иш қилганингизда эса, хафа бўлсангиз, демак, сиз ҳақиқий мўминдирсиз (мўмин иймонли демакдир)”.

**Уйга вазифа:** Ҳалолликка, ростгўйликка даъват қилувчи ҳадисларни ўқиш, ёдлаш ва мустақил хулосалар чиқариш.

## АДАБИЙ ТАЪЛИМДА ЎЛКАШУНОСЛИК МАТЕРИАЛЛАРИНИ ЎРГАНИШ

Ҳаётнинг турли соҳаларидаги ислохотлар кишилар онги ва руҳиятида ҳам ўзгаришлар ясамоқда. “Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданиятини ва вазифаларини чуқур билиш, тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади”, — дейди юртбошимиз И. А. Каримов.

Бадий адабиёт инсон қалби, ақл-заковати, тафаккури ва идроки, орзу-армонларини ўзида акс эттиради. Бадий адабиётда халқнинг ўзига хос турмуш тарзи, жуғрофий манзараси, об-ҳавоси, иқлими, табиати, айниқса, шу халқнинг ички кечинмалари, инсонларнинг ўзаро муносабатлари, урф-одатлари, кийиниш маданияти, жамиятни бошқариш усул ва йўллари кўрсатиб бериш ҳам муҳим, тарбиявий аҳамият касб этади.

Шарқда педагогика билан бадий адабиёт инсоният онги ривожлангандан бери тарбиянинг таъсирчан воситаси, ҳаёт дарслиги бўлиб келган ва келмоқда.

Ўқувчи ўзи туғилиб ўсган қишлоғига, уни ўраб турган теварак-атроф, унга қилинаётган муносабатларга ҳеч вақт бефарқ қарамаган.

Шу боис ўқувчиларга фан асосларини, ўлкамизнинг ўтмиши, бой адабий ва маданий меросга бўлган қизиқишини кун сайин ошириб бориш замон талаби.

5-синф “Адабиёт” дарслигида Абдурауф Фитратнинг “Юрт қайғуси II” (Бир ўзбек йигитининг тилидан) шеърида адабий ўлкашунослик материаллари мавжуд. Унда қуйидаги парчани ўқиймиз:

“Ётсам тушимда, уйғонсам ёнимда, кўз юмсам миямда, кўз очсам қаршимда мунгли бир хаёл келиб турадир! Бу бир Хотун хаёли... Бир Хотунки, эгнида ипак, лекин йиртиқ ва эски бир кўйлақдан бошқа бир кийим йўқ. Бош-оёқлари яланғоч, тирсақларигача қоп-қора лойқага ботган, бақирурга товуши, қутилурга кучи қолмаган!..”

Ўқитувчи дарсда асарни таҳлил этар экан, аввало, қуйидаги саволни “Ақлий ҳужум” сифатида ўртага ташлайди: “Нима учун адиб “Хотун” сўзини бош ҳарф билан ёзган?” Бу савол ўқувчиларнинг диққатини бир жойга тўплайди ва дарсга қизиқишларини кучайтиради. Чунки бу савол муаммо ечимини юзага келтиришни талаб қилади.

Адабий таълимда муаммоли таълим усули алоҳида аҳамиятга эга. Бу усул ўқувчиларни муайян муаммо теварагида

фикрлашга, ўз нуқтаи назарига кўра баҳс-мунозара юритишга ўргатади. Шундан сўнг биринчи саволнинг мантиқий давоми бўлган қуйидаги савол муҳокама марказида бўлади. Бу савол умумий масалага янада ойдинлик киритади: “Хотин киши ҳам тирсақларигача лойга ботган бўлиши мумкинми?” ёки “Қутилурга кучи қолмаган” жумласини қандай изоҳлайсиз, бу ерда хотин нимадан қутулмоқчи деб ўйлайсиз? — каби саволларга ҳам жавоб топишга ундаш керак бўлади.

Саволларга ўқувчилар жавоб топишга қийналишса, ўқитувчи Фитрат яшаган давр ҳақида, унинг ҳаёти ва ижодини эслашга ўқувчиларни ундайди. Шунда ўқувчилар саволга жавоб излашда тўғри йўлдан боришлари мумкин. Саволларга жавоб берилгач, ўқитувчи ўқувчилардан Ватанзимнинг XIX аср охири XX аср бошларидаги тарихи ҳақида сўрайди ва шундан сўнг Фитратнинг рамзий тимсолларини шарҳлаши мумкин.

Масалан, “Тирсақларигача қоп-қора лойқага ботган” — бу ерда Фитрат ўша даврларда юртимиз рус босқинчилари томонидан босиб олингани, халқимиз босқинчилар томонидан аёвсиз эзилганига ишора қилаётганини, бунинг натижасида, боболаримизнинг “бақирурга товуши, қутилурга кучи” қолмаганлигини айтмоқчи деган фикрлар билан ўқувчиларни ошно этиш мумкин. Демак, “Юрт кайғуси II” шеърида адабий ўлкашунослик материаллари “Хотун” сўзи ва унинг тасвири атрофида жамланган.

“Мақоллар” мавзуси бўйича ҳам адабий ўлкашунослик материалларига ўқувчилар диққатини қаратиш жоиз. Мақол халқнинг кўп асрлар мобайнида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётда тўпланган тажрибалари, кузатишлари асосида юзага келган ихчам, чуқур мазмунга эга бўлган оғзаки ижод намуналаридан биридир. Дарсликда берилган мақоллар орасида шундай намуналар борки, шарҳлаш, таҳлил қилиш орқали улардаги рамзий-ифодавий образларни тушуниш лозим бўлади.

Мақолларнинг аксариятини адабий ўлкашунослик материаллари деб олиш мумкин. Масалан, “Қайрағоч қалин бўлса, ёмғир ўтмас” мақолини таҳлил қилиш баробарида, унинг адабий ўлкашунослик манбаи эканлигини аниқлаймиз.

Зеро, бу ерда қайрағочни инсон — Ватан фарзанди деб оладиган бўлсак, ёмғир эса, Ватанга кўз олайтирган душман тимсолида намоён бўлади. Демак, халқ бирлашса, жипслашса, уни ҳеч қандай куч енга олмайди.

Ўқитувчи бу мақолни шарҳлар экан, ўқувчилар қалбида бирдамлик, ҳамжиҳатлик, бир ёқадан бош чиқариш каби фазилатларни шакллантириш, камолот сари етаклашни кўзда тутади.

Ана шундай мақоллардан яна бири — “Бир гул билан ёз бўлмас”.

Ўқитувчи бу мақолни кенг маънода таҳлил этиши мумкин. Лекин таҳлил 5-синф ўқувчиси ёшига мос келиши керак. Масалан, гуруҳда бир ўқувчи аъло ўқигани яхши, аммо-лекин ҳамма ўқувчилар аъло ўқиганига нима етсин. Шу жиҳатдан ота-онамизни, оиламизни, маҳалламизни, юртимизни, Ватанамизни бир киши ҳимоя қила оладими? — каби изохлар, ритмик сўроқлар ўқувчи онгида, қалбида ватанпарварлик туйғусининг ўсишига кўмак беради.

Юқорида кўриб ўтган мақолларда рамзий ифодаланган қайрағоч, гул ва ёмғир тимсолларини адабий ўлкашунослик материали сифатида ўқувчиларга тушунтирилади.

Шу синф дарслигидаги атоқли адибимиз Шукруллонинг “Умр ҳақида эртақ” асарида ҳам адабий ўлкашунослик материалларидан ўринли фойдаланилган.

Адиб ушбу асари орқали ёш авлодни вақтдан унумли фойдаланишга ундар экан, китобхон ёдида қолувчи ибратли ҳикоятни келтиради. Бу эса бевосита энг дангаса, ялқов ўқувчининг ҳам тўғри хулосага келишига турткидир.

Асар таҳлиliga киришган ўқувчи сайёҳ билан юртма-юрт кезади, унга ҳамроҳ бўлади. Эртақда жой номлари аниқ кўрсатилмаса-да, қуйидаги мисралар орқали сайёҳнинг қай юртларда кезганини аниқлаш мумкин:

1. Балиқдай сузгич экан,  
Дарёлардан ўтишда.
2. Тоғлардан ошар экан,  
Қаварса ҳам оёғи.
3. Чўпонларга дўст бўлиб,  
Эшитаркан оҳ-ҳасрат.

Ушбу мисралардаги дарё, чўпон, тоғ учлиги асосида сайёҳ кезган юртларни аниқлаш асарни таҳлил қилиш босқичида амалга оширилади. Бунда ўқитувчининг қуйидаги саволлар билан ўқувчиларга мурожаат қилиши мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Ўйлаб кўринг-чи, сайёҳ қайси юртларда бўлган?
2. “Дарё—тоғ—чўпон” сўзлари қайси ўлкаларда учраши мумкин?

Саволларга олинган жавоблар орқали асар тўлароқ таҳлил этилиши, шу билан бирга ўқувчиларнинг географик билимларини ҳам кенгайтириш мумкин.

7-синф “Адабиёт” дарслигида Муҳаммад Алининг “Тумбаздаги нур” асарида ўлкашунослик материалдан ўринли фойдаланилган.

Ўзбек адабиётининг йирик намояндаси Муҳаммад Алининг ушбу достони ўзбек халқи тарихи ҳақида маълумот беради. Бунда ўзбек халқининг буюк бунёдкорлик ишлари ҳикоя қилинади. Хусусан, Самарқанддаги “Гўри Амир”, Фарғона водийсидаги “Қатта Фарғона канали”, “Фарҳод гидроэлектр станцияси”, Тошкентдаги А. Навоий номли театр қурилиши, бу жараёндаги мард ўғлонларнинг мардонавор жасоратлари тасвирланади. Синчиклаб эътибор берадиган бўлсак, бу иншоотлар қарда қурилмасин, “ўн икки жон” шу ерда ҳозир бўлади:

Бухородан келмиш сангтарош,  
Фарғоналик гилкор ҳам бунда,  
Наққошини юборибди Шош,  
Хоразмлик ганчкор ҳам бунда.

Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, халқимиз доимо жипс, бирдамликда кун кечирган, яхши ва ёмон кунида бирдек елкадош бўлган. Ўқувчилар шундай хулосага келиб сабоқ олсалар, кўзланган мақсадга эришилади.

8-синф ўқувчилари Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекнинг “Навоий” романини ўқиб-ўрганар эканлар, юртимизнинг олис ўтмиши ҳақида, аниқроғи, теурийлар даври ҳаёти, маданияти, турмуш тарзи, адабиёти билан яқиндан танишишлари мумкин. Шу давр шоирлари, яратилган асарлар ҳақида ҳам муайян билимга эга бўладилар.

Умумий ўрта таълим мактаб дарслигида романдан парчалар келтирилган бўлиб, бунда ўқувчилар ёшига муносиб энг зарур, аҳамиятли жиҳатлар қамраб олинган.

Буюк бобокалонимиз ҳаёти ёритилган бу тарихий романда адабий ўлкашунослик материаллари ҳам талайгина. Биз бевосита дарсликдаги парчага мурожаат этсак, шундай мисраларни ўқиймиз: “Мажолис ун-нафоис” бир неча юз шоирнинг ҳаёти ва ижодларининг япроқларидан терилган бир гулдаста”. Навоий Хуросон ва Мовароуннаҳрда яшаб ижод этган шоирларни, шеършунос олиму фозилларни хотирага олади.

Ўқитувчи романини тўлиқ ўқиб чиқишни топшириқ сифатида бериб, бунга эришса, ўқувчилар онгида XV–XVI аср

адабиёти, маданияти, шаҳарлари, бу шаҳарлардан егишиб чиққан шоиру фозиллар ҳақида билимлар мажмуи пайдо бўлади. Масалан, Алишернинг Самарқандга ташрифи ва бу ердаги тўрт йиллик ҳаёт тарзини ўқир эканлар. Самарқанд ва Мовароуннахрнинг адабий муҳити, ўлка тарихи билан ҳам танишиш имкониятига эга бўладилар. Самарқанддаги маданий ёдгорликлар, айниқса, Улуғбек расадхонаси ва Улуғбек мадрасаси ҳақидаги таассуротларини кейинчалик, ўз асарларида, жумладан, “Хамса”сида мана бундай баён этади:

Темурхон наслидин Мирзо Улуғбек,

Ки олам кўрмади султон анингдек...

Расадким боғламиш зеби жаҳондур,

Жаҳон ичра яна бир осмондур.

Муқимийнинг “Саёҳатнома” асарини том маънодаги адабий ўлкашунослик манбаи дейиш мумкин. “Саёҳатнома”да Фарғона вилоятидаги туман ва қишлоқлар номи тилга олинади. Асарда ушбу қишлоқларнинг XIX аср охиридаги аҳволи, турмуш тарзи, инсонлари тасвирланган бўлиб, ушбу қишлоқ номлари ҳозирда ҳам сақланиб қолган. Қуйида Муқимий кезган қишлоқлар тартиб билан кетма-кетлик асосида келтирилади.

Кўкон – Шохимардон саёҳати:

Ўлтарма – Дўрманча – Бўрбалиқ – Рошидон –

Зоҳидон – Олтиариқ – Чимён – Водил.

Кўкон – Фарғона саёҳати:

Яйпан – Бешариқ – Рафқон – Конибодом.

Кўкон – Исфара саёҳати:

Яккатут – Работ – Исфара.

“Саёҳатнома” асарида акс эттирилган воқеа-ҳодиса, қишлоқлар тўғрисида маълумот берилгандан сўнг бир неча саволларга ўқувчилар диққати қаратилади. Масалан:

1. “Саёҳатнома”да ўз аксини топган табиат манзараларининг тасвирланиши ҳақида мулоҳазаларингизни билдиринг.

2. Ўзингиз яшаб турган қишлоқ билан “Саёҳатнома”даги қишлоқларни солиштириб кўрдингизми?

3. Ўлкамизнинг шаҳар ва қишлоқлари ҳақида нима дея оласиз?

4. “Қишлоқ фаровонлиги ва тараққиёти”га муносабатингиз қандай? Таълимда ўлкани ўрганиш ишини турли усуллар ёрдамида олиб бориш (анъанавий ва ноанъанавий) мумкин. Шунингдек, кундалик ахборот воситалари, турли матбуот материалларида акс эттирилган ўлкага доир маълумотлар Ватанни ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

## ТЎГАРАК МАШҒУЛОТЛАРИДА БОБУР РУБОУЙЛАРИНИ ЎРГАНИШ

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижоди ўқувчилар учун ибрат мактабидир. Бобур ўз мухлисларини фақат асарлари билан эмас, балки жасорату машаққатларга тўла ҳаёт йўли билан ҳам тарбиялайди. Шунинг учун адабиёт ўқитувчиси шоҳ-шоирнинг умр йўли, қисқаю эртакнамо ҳаёт тарзи ҳақида содда, тушунарли, таъсирли маълумотлар етказа олса, ўқувчиларда нафақат шоир ижоди, балки шахсига ҳам катта қизиқиш уйғонади.

5-синфда Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахсиятига оид, унинг характер хусусиятларини очинга хизмат қиладиган маълумотларга кўпроқ эътибор қаратиш лозим. Чунки бу ёшдаги болалар бошланғич синфдан эндигина юқори синф босқичига ўтган. Бу ёшдаги болалар катталарга тақлид қилишни яхши кўрадилар. Шу боис ҳам ёш жиҳатидан деярли ўзлари билан тенгдош бўлган Бобурнинг тахтга ўтириши, шу ёшидан бошлаб кундалик (“Вақое”) ёза бошлагани, жуда қийин шароитларда ҳам ўқиш-ўрганишдан тўхтамагани, ҳазрат Алишер Навоийга хат ёзишга журъат қилгани каби воқеаларни болалар жон қулоғи билан тинглайдилар. Маълумки, 5-синф адабиёт дарслигида ўрганиш учун Бобур ижодида асосий ўрин тутувчи жанрлардан бири бўлган 27 та рубоий берилган. Рубоийларни ўрганиш учун берилган дарс соатлари камлик қилади, шунинг учун дарсдан ташқари машғулотларда ҳам ўрганишни давом эттирган маъқул. Рубоийлар асосан реал ҳаётий-тарихий лавҳаларни ўзида акс эттириши билан қизиқарлидир. Рубоийларнинг тили равон, ифода услуби ўзига хос ва ҳажм жиҳатидан кичик. Шу сабабли ўқувчиларда бу жанрга хос намуналарни ўқишда қийинчилик туғилмайди.

Воқелик, чиндан ҳам юз берган ҳодисалар, муаллиф ҳаётий лавҳалари, шунингдек, шахсияти ва табиатининг хислат-белгилари билан бевосита боғлиқлик Бобур рубоийларининг жуда кўпларига хос хусусиятидир. Бу рубоийларда музаффар ҳукмдор, тadbиркор лашкарбоши, меҳрибон улфат, доно мутафаккир тимсолида Бобур шахсияти билан учрашамиз.

“Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидир” деб бошланувчи рубоийси халқ мақолларини эсга солади ва жуда осон эсда қолади. Қолаверса, бу рубоий шоирнинг ҳаётдаги шиори бўлганлигини ҳам ўқувчиларга эслатиш жоиз.

Бобур девонидаги рубоийлар таркибида ўнлаб намуналар борки, уларни мазмун-мундарижасига кўра ҳамда битилиш-баён услуби жиҳатидан “ҳасби ҳол” рубоийлар деб тасниф этиш мумкин. Бу намуналарда муаллифнинг руҳий олами, табиати, кечинмалари, кайфияти, бевосита “мен”нинг кўрмиш-кечирмишлари тарзида ўқувчига ҳавола этилади. Бобурнинг шахсий ҳаёти, табиати, амали, ижтимоий-сиёсий фаолияти билан бевосита боғлиқ рубоийлар алоҳида диққатга сазовор:

Бу олам аро ажаб аламлар кўрдум,  
Олам элидин турфа ситамлар кўрдум,  
Ҳар ким бу “Вақое”ни ўқур билгайким,  
Не ранжу не меҳнату не гамлар кўрдум.

Рубоий мазмунан Бобур ижодий фаолиятининг сўнгги йилларида яратилган деган хулосага келиш мумкин. Унда Бобур босиб ўтган мураккаб ҳаёт йўлининг қоронғи лавҳалари, чеккан аламу ситамлари, кечирган меҳнат-машаққатлари “мен”нинг иқрорида эътироф этилади.

Рубоийнинг учинчи мисрасида “Бобурнома”га аниқ ишора мавжуд. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, мазмун жиҳатидан юқоридаги рубоий Бобурнинг Ҳиндистонда яратган сўнгги

Ҳар вақтки, кўргайсен менинг сўзумни,  
Сўзумни ўқуб, соғингайсен ўзумни —  
мисралари билан тўла ҳамоҳангдир.

Бобур рубоийларида ҳаётни чексиз ва бепоён уммонга ўхшатади. Айрим инсонларнинг ҳаёти эса бу уммонга қўшилиб оқётган дарёлардир. Бобурнинг фикрича, барча дарёлар ҳам денгизга қўшила олмайди, айримлари йўлда саёзланиб туриб қолган қўлмакларга айланади. Ҳаёт дарёсида тўғри сўз ва ҳалол инсонлар оқимга мослаша олмай чўкиб кетишлари мумкин. Иккиюзламачи ва нопок шахслар эса ҳаётга, оқимга мослашиб, барча лаззатлардан баҳраманд бўладилар. Ҳаёт ўзи катта томошага, инсон эса, томошабинга ўхшайди.

Мана шундай фалсафий фикрларни кўнлаб рубоийларда кузатишимиз мумкин. Бундай фикрлар ўқувчилар тафаккур дунёсининг шаклланишида, олам, нарса ва ҳодисалар, одамнинг моҳиятини англаб етишда маёқ бўла олади.

## АДАБИЙ ТАЪЛИМДА КОМПЬЮТЕР ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Хозирги кунда халқ хўжалигининг барча тармоқлари, жумладан, таълим тизимида замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланилмоқда. Замонавий ахборот технологиялари — компьютер ва электроника жиҳозларидан таркиб топган ахборот қурилмаларидан иборат.

Маълумки, Ўзбекистонда келажаги буюк давлатни бунёд этишда янгича фикрлайдиган, юксак малакали, чуқур билимли мутахассисларни тайёрлаш — давр талабидир. Мамлакатимиз ривожланган давлатлар қаторидан мустақкам ўрин эгаллаши учун эса замонавий ахборот тизимлари ва технологияларини инсон фаолиятининг барча жабҳалари, жумладан, таълим тизимига ҳам кенг жорий этиш зарур. Шу боис ахборотлаштириш жараёнини тезлаштириш заруриятини ҳисобга олиб, Вазирлар Маҳкамасининг “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини бажариш долзарб масалалардан бири саналади.

Шу нуқтаи назардан қаралганда, ўқитувчи-талабаларнинг замонавий компьютерлардан фойдаланиб, мустақил билим олиши ва ўзлаштирган билимлари қандай даражада эканлигини аниқлаши учун компьютер дастурлари муҳим аҳамият касб этади.

Компьютер ва ахборот технологиялари ўқувчи-талабанинг фанга бўлган қизиқишини ва мустақил фикрлаш қобилиятини янада оширади, унинг билим олиши эркинлашади. Ўқувчи-талаба интернетдан ҳам керакли мавзу бўйича қизиқарли маълумотларни олиб, билимини ривожлантириши — ҳозирги замон талаби.

Ўқитувчи дарснинг таълимий-тарбиявий мақсадларини амалга ошириш учун турли хил воситалардан фойдаланиши мумкин. Унинг қандай усул ва воситаларни қўллаши дарснинг таълимий вазифаларига боғлиқ.

Дарснинг мазмун-моҳиятига қараб маъруза, суҳбат, савол-жавоб, интерфаол усулларни қўллаш, компьютер, аудио-видео воситалардан фойдаланиш ҳам муҳимдир.

Ўқитувчи дарс жараёнида қандай усулни қўллагасин, улар дарс самарадорлигини оширсагина, уни илғор тажриба дейиш мумкин.

Демак, ўқувчи-талабани турли усуллар билан дарсга жалб этиш учун ўқитувчининг ўзи энг аввало ижодкор шахс бўлиши керак.

Масалан, умумий ўрта таълим мактабининг 7-синфида Зулфия ҳаёти ва ижодини компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланиб ўқитишни режалаштирадиган бўлсак, шоира ҳаёти ва ижодига доир видеотасмалар, “Умр дафтари” деб номланган кўрсатувдан ёзиб олинган лавҳалар ўқувчилар эътиборига ҳавола этилади.

Лавҳадан ХХ асрнинг таниқли шоирлари, ёзувчилари, шоира билан бевосита мулоқотда бўлган ижодкорларнинг шоира ҳақидаги фикрлари тингланади.

Самимий туйғулар куйчиси Зулфия ҳақида Миртемирнинг фикрлари экранга чиқарилади.

“Зулфия – ўта камтар, ўта заҳматкаш, билим уфқи кенг, доимо дили тошқин, оламни тимсоллар – образлар кўзгусида тасаввур этишга қодир етук ва асл шоира”.

Экранда Зулфия портрети, чоп этилган асарлари рўяхати, асарларидан намуналар, тинчликни улуғловчи расмли плакатлар, урушни қораловчи видеотасмалардан парчалар ўқувчилар кўз олдида намоён бўлади.

Шунингдек, Раҳмат Файзийнинг уруш йиллари ҳақидаги “Ҳазрати инсон” романи асосида суратга олинган фильмидан парча кўрсатиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Ўқитувчи шу ўринда уруш йиллари ҳақида ўқувчиларга қисқача бўлса-да, гапириб, шоиранинг “Ўғлим, сира бўлмайди уруш” шеърини ўқувчи онгига, руҳиятига сингдиради, қолаверса, ўша давр ўқувчи кўз ўнгида гавдалантирилади ва тинчликнинг буюклиги ҳақида батафсил фикр юритиш имконияти туғилади.

Ўқитувчи Зулфия ҳаётидаги катта фожеа – Ҳамид Олимжон ўлими билан боғлиқ бош мавзу ҳижрон-алам мотивларига ўқувчилар эътиборини тортиши керак. Шоира Зулфиянинг шу мавзудаги шеърлари ёзилган аудиотасма ўқувчиларга қўйиб эшиттирилади.

Бугунги кунда ахборотга бўлган эҳтиёж, яъни уни қабул қилиш, сингдириш, тарқатиш инсон ҳаёти ва фаолиятининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Айниқса, жаҳон ахборот тизими – Интернет бугунги кунда ёшларнинг дунё илм-фан янгиликлари билан тезкор ва бевосита танишувида ҳамда замонавий билимлар ва янгиликларни эгаллашларида муҳим ўрин тутмоқда.

Ўзбек шоираси Зулфия(Исроилова)га бағишланган интернет сайти (сайт муаллифи – Нигора Умарова) орқали ҳам кўпгина маълумотларни намойиш қилиш мумкин. Шоира ҳаёти ва ижоди ҳақидаги сайтга киритилган маълумотлар ўзбек адабиёти ихлосмандларига мўлжалланган.

Маълумки, Зулфия Пушкин, Некрасов, Лермонтов, Украинка ва бошқаларнинг шеърларини рус тилидан ўзбек тилига ўгирган. Сайтда Пушкин шеърларининг рус тилидаги кўриниши билан Зулфия қилган таржималари ёнма-ён берилади. Бу эса, таржиманинг нақадар аниқ ва гўзал қилинганлигини қиёслаш имконини беради.

Бу маълумотлар юзасидан бериладиган саволлар экранга чиқарилади, ўқувчилар дафтарларига ёзиб оладилар.

Шу ўринда “Зулфияхоним” мукофоти тўғрисида, ушбу мукофотга сазовор бўлган қизлар ҳақида ҳам гапириб, компьютернинг интернет тармоғидан совриндорларнинг фаолиятини ўқувчиларга ўқиб-эшиттириш мақсадга мувофиқ.

Хуллас, компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланиш орқали ўқувчилар “БББ” (“Билардим. Билмоқчи эдим. Билиб олдим.”) каби жадвалларни бемалол, қийналмасдан тўлдироладилар, техника воситалари эса, билим самарадорлигини оширишда катта имкониятдир.

## АДАБИЙ ТИЛНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА БАДИЙ АДАБИЁТНИНГ ЎРНИ

Маълумки, она тили барча фанларни билишнинг калити саналади. Тил доимо ҳаракатда, ривожланишда. Масалан, Алишер Навоий давридаги ўзбек тили билан ҳозирги даврдаги биз фойдаланаётган ўзбек тили ўртасида анчагина ўзгаришлар рўй берганини пайқашимиз қийин эмас, шунинг учун ҳам ўзбек тилининг илк шаклланиш давридан то XX асрнинг 20–30 йилларига қадар бўлган давр эски ўзбек адабий тили, 20–30 йиллардан, яъни Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирийлар замонидан ҳозирги кунгача бўлган давр эса, ўзбек адабий тили деб юритилади.

Адабий тил деганда меъёрга солинган, муайян қонунларга бўйсунувчи, ўзбек халқининг барчаси учун тушунарли бўлган ва бир хил хизмат қилувчи тилни тушунамиз. Тилни халқ яратади. Адабий асарни ўрганиш, аввало, унинг тилини ўрганишдан бошланади. Ўзбек адабий тилининг шаклланиш даврини кўрсатувчи асарлардан бири Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” (“Бахт-саодатга элтувчи билим”) асаридир. Бу асар Ўрта Осиё халқларининг, жумладан, ўзбек халқининг ҳаётини ҳар томонлама ёритиб бериши жиҳатидан муҳим бўлганидек, ўзбек адабиёти ва тили тарихини ўрганишда ҳам катта аҳамиятга эга.

“Қутадғу билиг” асари ўша давр тилини маълум бир тизимга солди ва адабий тилни ривожлантиришга хизмат қилувчи янгиликлар билан бойитди. Шу нуқтаи назардан бу асар тили пухта тартибга тушган эски туркий адабий тилнинг дастлабки намунаси бўлиши билан аҳамиятли.

Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибатул ҳақойиқ” асари тили кўп хусусиятлари билан “Қутадғу билиг” асари тилига яқин туради. “Ҳибатул ҳақойиқ”нинг тили “Қутадғу билиг” тилига нисбатан кейинги адабий ёдгорликларнинг тилига яқинроқ бўлиб, ўзбек адабий тилининг шаклланиш босқичларини ўзида акс эттиргани билан характерлидир.

Маълумки, X–XIV асрлар ўзбек адабий тилининг шаклланишида катта бир босқич бўлди. Чунки бу даврда ўзбекларнинг этник чегараси белгиланди. Ўрта Осиёда XIV–XVI асрларда бир қанча фанлар соҳасида буюк олимлар етишиб чиқди. Фаннинг турли соҳаларида бўлган ўзгаришлар тил шакллари воситасида ифодаланди. Ўзбек тилидаги бадиий адабиёт ривожланди. XV–XVIII асрларда адабиётнинг мавзу доираси анча кенгайди. Адабиёт жанр жиҳатидан ҳам ўсди. Агар аввалги адабий жанрлар (ғазал, қитъа, кўшиқ) доираси тор бўлса, бу даврда ғазал, рубоий, қитъа, туюқ, қасида, нома, мунозара, дoston, ҳикоя, масал, мемуар асарлар ва бошқа жанрларда ижод этилди. Натижада адабий тилнинг янги услублари пайдо бўлди.

Ўзбек адабий тили тараққиётида “Назм денгизининг тубига шўнғиб, шеърый дурлар” (А. Навоий таъбири билан айтганда)

яратишга интилган Атоий, Мовароуннахрда шуҳрат топган шоирлардан бири Саккокий, ўз даврининг “Малик ул-каломи” Лутфий адабий фаолиятлари муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбек адабий тилининг асосчиси бўлган Алишер Навоий ўз асарларини ўзбек тилининг бой хазинасидан фойдаланган ҳолда ёзди. У “Хазойин ул-маоний”, “Хамса”, “Лисон ут-тайр” каби бадиий адабиёт намуналарини, “Мажолис ун-нафоис”, “Мезон ул-авзон” каби адабиётшуносликка оид асарларини, “Муҳокамат ул-луғатайн” каби тилшуносликка оид асарини шу тилда яратди.

XIX асрнинг 2-ярми ва XX аср бошларига келиб ўзбек халқи ҳаётида жиддий ўзгаришлар рўй берди. Маҳаллий аҳоли ўртасида рус маданиятининг таъсири сезила борди. Бу ҳол ўзбек адабий тилига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Рус тили таъсирида янги грамматик қурилмалар пайдо бўлди. XIX асрнинг 2-ярмидаги илғор адабиёт вакиллари ва маърифатпарварлари ўзбек адабий тилида бурилиш ясадилар.

Ўзбек адабий тили тараққиётида Муқимий, Фурқат, Аваз Утарлар яратган адабий мероснинг тутган ўрни бениҳоя катта.

Ўзбек жадид адабиёти ҳам истеъдодлар билан тўлиб-тошган адабиётдир. Жумладан, А. Авлоний (1878–1934) ўқиш ва ўқитиш усулига ислоҳ киритиб, янги типдаги мактаб ташкил этган, ёш педагог-ўқитувчиларга замонавий билимлар бериш, шарқ ва ғарб тилларини ўргатиш каби муҳим таълимий-тарбиявий ишларни амалга оширади. У юзлаб шеърлар битган. Улар хоҳ эски урф-одатлар ҳақида бўладими, хоҳ муҳаббат ёки мактаб-маориф ҳақида бўладими, ҳамма-ҳаммасида инсон тарбияси, ахлоқий гўзаллик ва маънавий бойлик ҳақида қуйлайди.

“Ўз мамлакатимизда” шеърида маишат учун пул-бойликни исроф этган, аммо бола тарбияси учун кўзи қиймаган хасисларни қоралайди.

Ёки “Мактаб” шеърида:

*Мактаб мисли тилло қилур,*

*Мактаб сизни мулло қилур,*

– дейиш орқали мактабни инсон учун нажот йўли деб билади.

“Адабиёт” китобида:

*Фикр агар яхши тарбият топса,*

*Ханжар, олмосдан бўлур ўтқир,*

– деган сатрлари бор ва ҳ. Уқувчиларни бундай матнлар билан таништириш орқали уларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш, саводхонлигини ошириш, энг муҳими нафис санъат дурдоналарига муҳаббат, уларни ўқибгина қўймасдан мағзини чақиш, яъни ўқишга ҳам ўргатилади. Хулоса қилиб айтилган бўлсак, она тили таълимини адабиётсиз, адабиёт таълимини эса, она тилисиз тасаввур ҳам қилиш мумкин эмас.

## БИР СОАТЛИК ДАРС ЖАРАЁНИ

Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синфида атоқли адиб Мақсуд Шайхзоданинг “Искандар Зулқарнайн” дostonини ўрганишга 2 соат вақт ажратилган. Мазкур мавзуни ўрганишда ўқитувчи ранг-баранг методлардан фойдаланиши мумкин. Дарс жараёнида шоирнинг мукамал асарлар тўпламини, альбомларни намойиш этиш, янги педагогик технологияларни дарсга татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Биз қуйида ана шундай дарс намуналаридан бирининг баёни билан таништирамиз.

### I. Дарснинг мақсади:

1. Таълимий: ўқувчиларга адиб ҳаёти ва ижоди ҳақида назарий маълумот бериш.

2. Тарбиявий: адиб асарлари асосида ўқувчиларни Ватанни севиш, комил инсон бўлиш, ота-онага меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш.

3. Ривожлантирувчи: ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ривожлантириш.

### II. Дарс услуги: ноанъанавий.

III. Дарс жиҳози: Адиб портрети, китоблари, тарқатма саволлар, тест, дарслик.

Кириш суҳбати: 5 дақиқа ичида ўқувчиларни ҳафта давомида юз бераётган маънавий-маърифий янгиликлардан бохабар этиш.

Ўтилган мавзу: Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек ҳаёти ва ижод йўли.

Ўтган мавзуни “Ақлий ҳужум” методи орқали такрорлаш.

### Саволлар:

1. Ойбек қачон ва қаерда туғилган?
2. Адибнинг илк шеъри қайси?
3. Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек қаерларда ўқиган?
4. Адиб дастлаб қайси фандан дарс берган?
5. Ойбек шеърий тўпламлари ҳақида маълумот беринг?
6. Ойбек қаламига мансуб дostonларни айтинг.
7. “Навой” романидаги тарихий образларни санаб беринг.
8. Ойбек таржималарини биласизми?
9. Ойбек томонидан шеъриятга киритилган мавзу бу ...
10. “Улуғ йўл” романида қайси йил воқеалари тасвирланган?

### **Жавоблар:**

1. Ойбек 1905 йил 10 январда Тошкент шаҳрида туғилган.
  2. “Қиш” шеъри 1922 йил “Армуғон” альманахида эълон қилинган.
  3. 1922–1925 йилларда Тошкент педагогика техникуми, Ўрта Осиё давлат дорилфунунида, Плеханов номидаги Ленинград қишлоқ хўжалик институтида ўқиган.
  4. Адиб дастлаб иқтисод фанидан дарс берган.
  5. Адибнинг биринчи шеърий тўплами “Туйғулар”(1926), “Кўнгил найлари”(1929), “Машғала”.
  6. “Ўч”, “Қизлар”, “Бобо”, “Ҳақгўйлар”, “Зафар ва Захро”, “Темирчи Жўра” дostonлари чоп этилган.
  7. Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Зайниддин Восифий, Султонмурод Машҳадийлар “Навоий” романидаги тарихий образлардир.
  8. Ойбек “Евгений Онегин” (Пушкин), “Маскарад” (Лермонтов), “Довуд Сосуний” (арман эпоси), “Каин” (Байрон) сингари асарларни таржима қилган.
  9. Шеъриятга Хориж мавзусини олиб кирган.
  10. “Улуғ йўл” романида 1917–1922 йиллар воқеалари тасвирланган.
- Ўтилган мавзу ўқитувчи томонидан мустақамланади.

## **БИР СОАТЛИК ДАРС ИШЛАНМАСИ**

(Ўткир Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси” асари мисолида)

**Дарс мақсади:**

I. *Таълимий:* Ўткир Ҳошимов ҳаёти ва ижодини ўқувчиларга чуқурроқ ўргатиш. “Икки эшик ораси” асари ҳақида билим ва кўникма ҳосил қилиш.

II. *Тарбиявий:* ўқувчилар онгида меҳр-муҳаббат, одамийлик фазилатларини юксалтириш.

III. *Ривожлантирувчи:* ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш салоҳиятини ривожлантириш, оғзаки нутқни шакллантириш.

**Дарс тури:** ноанъанавий дарс.

**Дарс методи:** аралаш, суҳбат, савол-жавоб, баҳс-мунозара.

**Дарс жиҳози:** ўқувчилар учун чоп этилган асосий ва қўшимча адабиётлар, қўлланмалар, адиб портрети, саволлар ёзилган карточкалар.

**Дарс режаси:**

1. Ташкилий қисм.
2. Ўтилган мавзунини сўраш.
3. Янги мавзунинг баёни.
4. Мустаҳкамлаш.
5. Дарс якуни ва уйга вазифа.

Ўткир Ҳошимовнинг ҳаёти, ижодий фаолияти ҳақида маълумотлар сўраш орқали ўқувчилар билимини мустаҳкамлаш.

Саволлар:

1. Ўткир Ҳошимов қачон ва қерда туғилган?
2. Ўткир Ҳошимов қерларда ўқиган?
3. Адибнинг илк нашр этилган китоби?
4. Асарлари ва уларнинг мавзу кўлами?
5. Ўткир Ҳошимов қандай мукофотларга сазовор бўлган?

**Янги мавзу баёни:**

Замонавий ўзбек насрининг тараққиётига катта ҳисса қўшган истеъдодли ёзувчи Ўткир Ҳошимов ўзининг бир неча эл севган асарлари билан барчамизга маълум ва машҳур.

Ўқитувчи суҳбатни Ўткир Ҳошимов ҳақида маълумот беришдан бошлайди.

Бўлажак адиб оддий оилада вояга етган. Отаси Атоулла Ҳошимов оддий ишчи бўлган. У аввал Тошкент тўқимачилик комбинатида, кейин шу комбинатга қарашли лагерда ишлайди. У хийла тажанг, камгап, лекин ҳақиқатгўй одам бўлган.

Онаси Ҳакима Ҳошимова эса ниҳоятда ювош, меҳрибон, меҳнаткаш аёл бўлиб, у ҳам тўқимачилик комбинатига қарашли лагерда фаррошлик қилган. Ҳакима опа кўчада бирор бола йиғлаб ўтирган бўлса, албатта, тепасига бориб бошини силар, бирон сабаб билан болаларини қарғаса ўзи ҳам йиғлаб юрар, ўша заҳоти болаларининг кўнглини олишга ҳаракат қилган. Онаси икки гапнинг бирида мақол ишлатмаса туролмас, ўта содда бўлгани билан, эртагу афсоналарнинг кони бўлган.

Ўткир Ҳошимов ана шу хонадонда Тошкентнинг Дўмбиробод қишлоғида 1941 йил 5 августда дунёга келган. Оилада бир қиз, тўрт ўғил бўлиб, у учинчи фарзанд эди. Ўткир 1948 йилда шу қишлоқдаги 21-ўрта мактабга ўқишга боради. Мактабни 1958 йилда олтин медалга битириб, ТошДУ(ҳозирги ЎЗМУ) филология факультетининг журналистика бўлимига сиргдан ўқишга киради ва 1964 йил ўқишни тугатади.

1960 йил “Қизил Ўзбекистон” газетасида хат ташувчи, 1961–1962 йилларда “Транспортний рабочий” газетасида таржимон, адабий ходим, “Тошкент оқшоми” газетасида бўлим мудири, “Шарқ юлдузи” журналининг бош муҳаррири, 1995 йил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “Матбуот ва ахборот” қўмитаси раиси лавозимларида ишлаган.

1962 йилда “Пўлат чавандоз” номли биринчи китоби босилди.

1965 йилда “Гунафша” тўплами нашр этилди.

Ўткир Ҳошимов халқ ноибиди. Унга 1991 йилда “Ўзбекистон халқ ёзувчиси” унвони берилган.

“Дунёнинг ишлари” қиссаси учун Ойбек номидаги (1982) ҳамда “Икки эшик ораси” романи учун Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофоти (1986) сазовор бўлган.

Унинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида адабиётшунос олим А. Расуловнинг 2001 йил “Ардоқли адиб” рисоласи чоп этилди.

Ўқитувчи Ўткир Ҳошимовнинг ижоди, асарлари ҳақида маълумот бергач, яхшиси, ёзувчининг ўз ҳаёти, оиласи, болалиги ҳақидаги таржимаи ҳоли билан таништириб, аниқроғи, таржимаи ҳолини бир оз қисқартириб ўқиб бергани маъқул. Чунки таржимаи ҳол, биринчидан, худди ёзувчининг бадиий асарлари каби самимий ва эҳтирос билан ёзилган. Иккинчидан, таржимаи ҳолдаги кўплаб маълумотлар “Дунёнинг ишлари” асарини тушунишда калит вазифасини ўтайдди.

Ўқитувчи таржимаи ҳол билан таништираётганда ота-она таърифига алоҳида эътиборни қаратиши зарур. Бу ерда ота-онани қиёсий таърифлаш учун яхшигина асос бор, сўнг ўқитувчи ота табиатига оид қуйидаги парчага болалар эътиборини тортади:

“...Отамдан қаттиқ ҳайиқар эдик. Отам бирор марта ҳам бирортамизни бир тарсаки урган эмас. Отани қаттиқ иззат қилишни онам ўргатган: “Ҳозир аданг келадилар, уйни супуриб қўй...”, “...Адангни кетмонига тегма...”

Шу ўринда ота табиати хусусида синфда баҳс қўзғаш имконияти пайдо бўлади. Ўқитувчи бундай баҳсни одоб доирасида, ёзувчини ҳам, онани ҳам тушунган ҳолда олиб бориши керак.

Ниҳоят, таржимаи ҳолдаги ёзувчининг болалиги ўтган давр — Иккинчи жаҳон уруши ва урушдан кейинги оғир йиллар билан боғлиқ лавҳаларни таъсирли ва образли тушунтириб бериши зарур.

Таржимаи ҳолдаги яна бир муҳим манба — ёзувчининг илк ижодига оид мана бу маълумот ҳам ўқувчилар учун қизиқарли бўлиши табиий: “Биринчи шеъримни 5-синфда ўқиётганимда ёзганман. Эрта баҳор эди. Мактабдан кетаётсам деворнинг кунгай этагида қоқигул очилиб ётибди. Ҳаяжонланиб кетиб “Олтин тугмача” деган шеър ёздим. Чамамда, бу ўлгудек бемаъни шеър бўлса керак. Эсимда қолмаган”.

Ўқитувчи ёзувчи, унинг ижоди, хусусан, таржимаи ҳоли билан ўқувчиларни таништираётган экан, нуқул тайёр саволлар билан кифояланмай, мавзу — материалга ижодий ёндашган ҳолда, ўзи ҳам саволлар тузиши керак.

Ўтилган янги мавзу юзасидан тарқатма материаллар, тест, савол-жавоб орқали ўқувчилардаги янги билим ва кўникмаларни аниқлаш:

Бунда ўқувчилар олтига командага бўлинади. Команда бошлиқлари аниқланади. Улар доскага чиқиб гулдондаги гуллар ичидан саволларни танлашади ва команда ўқувчилари билан келишган ҳолда, жавоб тайёрлайди.

#### **Биринчи команда саволи:**

“Икки эшик ораси” романи қаҳрамонларига тақдир кулиб боқмаган, ваҳоланки, улар ҳам бахтли бўлишлари мумкин эди-ку? Нега шундай?

**Жавоб:**

Роман қахрамонлари тақдирида фожеалар юзага келишининг бош сабабчиси — уруш. Фақат урушгина мана шундай кулфатларни(бундан ҳам баттарроғини) инсоният бошига солиши мумкин.

Ғ. Фулом айтганидек, инсон ҳамиша ҳам ўз тақдирини ўзи ярата олмаслигини, ҳар қандай тарихий шароитда инсон бўлиб қолиши эса, ўз қўлида эканлиги билан изоҳланади.

**Иккинчи команданинг саволи:**

Сиз бу асарнинг бош қахрамонлари сифатида кимни эътироф этган бўлардингиз ва нима учун?

**Жавоб:**

Асарнинг бош қахрамонлари Оқсоқол билан Робиядир. Чунки урушнинг инсонлар бошига олиб келган барча фожеаси ҳам, халқ турмушидаги очарчилик ҳам, инсонлар қисмати ҳам, яхшилик ва ёмонлик хусусияти ҳам, давр сиёсати ҳам улар фаолиятида ўз тажассумини топган. Оқсоқол фаолиятида Нўғайқўрғондаги “Қизил деҳқон” колхозида ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча икир-чикирлари мужассамлашган бўлса, Робия фаолиятида эса, мазкур макондаги халқ турмушининг ички ҳаёти, бор кўриниши, бор мураккаблиги билан ўз инъикосини топган.

**Учинчи команданинг саволи:**

“Қизил деҳқон” колхозининг раиси бўлмиш Умар закунчи халқни нима сабабдан эзиб ишлатади. Бунинг замирида нима ётар эди?

**Жавоб:**

Умар закунчи фақат ўз манфаатини ўйлайди, бошқалар фикри ва манфаати билан қизиқмайди. Унинг одамларни эзиб ишлатишига сабаб юқоридагиларга яхши кўриниш, бу орқали мансаб пиллапояларидан кўтарилиш эди.

**Тўртинчи команданинг саволи:**

Сизнингча, Раънонинг фожеасида урушнинг таъсири борми?

**Жавоб:**

Ифбатли киши ҳар вақт назари ибрат ила ҳаракат қилур. Бундан кўринадики, Раънонинг қилмишини романда илгари сурилгандек урушга боғлаб қўйиш тўғри эмас. Инсоннинг нафсоният йўлида хиёнатга юз тутишининг муҳит ва шароитга алоқаси йўқ, бу ҳолат соф инсоний виждон, ахлоқ, маънавий комилликка боғлиқдир. Унинг қилмиши қабоҳат ва

фосиқликдан бошқа нарса эмас. Уруш бўлмаганда Раъно шу фожеага дуч келмасдан ўтиб кетарди деб дардкашлик билдириш эмас, унинг тақдирига нафрат билан қараш жоиз.

**Бешинчи команданинг саволи:**

Комил табибнинг келини Зухранинг тутган йўлини сиз оқлайсизми? Сизнингча, у қандай йўл тутиши керак эди?

**Жавоб:**

Зухранинг қилмишини ҳам урушга боғлаш жоиз эмас. Инсонийлик нуқтаи назаридан ёндашиш даркор. Ориф оқсоқолнинг келин эмас, қизим деб юришига қарамай, уларнинг юзини ерга қаратиши, ор-номусини букиши қабиҳликдан бошқа нарса эмас.

Тўғри, инсоннинг туйғулари устидан ҳукмронлик қилишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Зухра ҳам ўз тақдирини бошқа билан боғлашга тўла ҳақли. Ориф оқсоқол бунини тўғри тушунади. Агар Зухра маънавий комил бўлганда бунини англади ва онаси ёки Фотима орқали ўз дарди, ниятини айттириб, изн сўраганда, тўғри иш тутган бўлар эди. Романда тутган иши ҳар жиҳатдан ёндашганда ҳам, аёллик шаънига исноддир.

Шу аснода ўқувчилар саволларга баҳоли қудрат жавоб берадилар.

Ўқувчиларни савол ва топшириқлар устида мунтазам ишлашга ўргатиш керак. Сўнгра фикрлар умумлаштирилиб, янги мавзу ўқитувчи томонидан якунланади.

**Уйга вазифа:**

Ўтилган мавзунини такрорлаш, Эркин Воҳидов ҳаёти ва ижодини ўқиб келиш.

Ўқитувчи адабиётлар рўйхатини тавсия этади. Бунда ўтилган ва янги мавзу юзасидан керакли бўлган адабиётлар кўрсатилади.

Машғулотда фаол қатнашган ўқувчилар баҳоланади.

## АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРДА МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ АДАБИЁТИНИ ҲАҚИДА

Ўқитувчи фаолиятининг ҳар бир кунини олам-олам таассуротлар, мулоҳазалар яқини деса бўлади. Айниқса, бугунги кунда ўқитувчи фаолияти янги-янги мазмун касб этмоқда.

Мустақил республикамиз миқёсида таълим тизимининг шакли ҳам, мазмуни ҳам ўзгариб бормоқда. Бу борада адабиёт ўқитишнинг самарали усуллари бу фаннинг давр талаблари даражасида ривожланишига хизмат қилиши табиий.

Адабий таълим жараёнида ўқувчи ҳиссиёти тарбияланади. Унинг гузаллик ҳақидаги тушунча ва тасаввурлари такомиллаштирилади.

Адабий таълимнинг сифати, самараси ва замон талабларига жавоб бера олиш даражаси кўп жиҳатдан адабий асарларни ўрганиш қандай ташкил этилганлиги билан белгиланади.

Академик лицейларнинг III босқич ўқувчилари учун “Адабиёт” дарслигида мустақиллик даври ҳикояларидан “Беозор қушнинг қарғиши”, “Кўк эшик”, “Ҳисомиддин ал-ғий”, “Олим ўғил” кабилар киритилган.

Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Беозор қушнинг қарғиши” ҳикоясини ўрганиш учун ўқув дастурида 2 соат вақт берилган. Ажратилган вақтнинг биринчи соатида ҳикояни тўла ҳолда ўқиб, мазмунини ўзлаштиришга, ёзувчи ҳақида ўқувчиларга маълумот беришга эришишни режалаштириш мумкин. Кейинги соатда эса, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Беозор қушнинг қарғиши” (1995) ҳикоясида ёзувчи воқеани тасвирлашнинг ўзига хос йўлини қўллаб, маълум бир ҳодисани оила аъзоси бўлган (бир пайтлар) Қадрия томонидан, унинг тилидан, баён этиш орқали таъсирчанликка, марказий муаммо—камбағаллик орқасидан эргашган жоҳилликнинг нафақат инсонларга, балки табиатга, ҳар бир тирик жонзотга етказган зугуми, охир-оқибатда, инсонни ёмон ҳолатларга тушириб қўйиши мумкинлигини жонли ва ҳаётий тарзда тасвирлашга эришгани баён қилинади. Дарҳақиқат, Хуршид Дўстмуҳаммад мустақиллик даври адабиётининг етук вакили сифатида кўплаб асарларида маънавий-ахлоқий ғояларни илгари сурган, илмсизлик жаҳолатни келтириб чиқаришини рўй-рост тасвирлашга эришган.

Ҳикоя ҳам бош қаҳрамоннинг ваҳм ичида бошидан кечирган болалигининг маълум бир даврини ёритади, айни пайтда, мана шу оила бошидан кечирган ҳодисалар орқали жамиятдаги иллатни фош этишга хизмат қилади.

Ҳар қандай адабий асар таҳлили ундаги қаҳрамонлар

тимсолини ўрганиш орқали амалга оширилади. Зеро, бадиий асарлар марказида бири иккинчисига ўхшамаган ранг-баранг бадиий образлар ҳаракат қилади. Улар ҳаётдагидай бетакрор инсон олами руҳиятини, турли-туман қиёфаларни кўз ўнгимизда жонлантиради.

Образлар устида амалий иш олиб бориш жараёнида ўқувчининг ҳар бир образга нисбатан муносабати, унинг хатти-ҳаракатини баҳоловчи маънавий меъёрлари шахсий ҳукм-хулосаси юзага келади. У ўзининг мустақил қарашларини далиллар асосида баён этишга ўрганади. Мураккаб ҳаётий зиддиятларни енгиш, муаммоларни ҳал этиш малакасини ҳам эгаллаб боради. Образлар устида олиб бориладиган амалий иш ўқувчиларнинг ҳодисаларни диққат билан кузатиш, таҳлил этиш, ўз баҳосини бера олиш, ҳолис муносабатнинг шаклланиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Бадиий асарларни ҳаққонийлик, ҳаётийлик ва бадиийлик талаблари асосида мустақил баҳолай оладиган ўқувчида зарур ҳаётий ва амалий кўникмаю малакалар ҳам шаклланган бўлади.

Таълим ҳар доим такомил ва янгилашишга муштоқдир. Шунинг учун ҳам бугунги кунда таълимнинг янги усуллари устида ишлаш давр талаби.

Адабий таълим жараёнида фойдаланиш мумкин бўлган ўйин методларидан бири бхбхбх. Бу методдан ҳикоя устида ишлашда ўқитувчидан педагогик маҳорат ва зийраклик, гуруҳларни оқилона шакллантира билиш талаб қилинади. Бу методда аудиториядаги ўқувчилар олтига-олтитадан гуруҳларга бўлинади. Гуруҳларга муайян номлар берилади. Ҳикоядаги асосий муаммо-мавзу эълон қилинади. Бу усулни Хуршид Дўстмуҳаммаднинг "Беозор қушнинг қарғиши" ҳикояси юзасидан дарсни мустаҳкамлаш жараёнида қўллаш яхши самара беради.

1. Ҳикоя нега, айнан, "Беозор қушнинг қарғиши" деб номланди?

2. Ҳикоянинг асосий ғоясини нима ташкил этади?

3. Оила тақдирининг бундай яқун топишида ким айбдор? Нима учун?

4. Фозилбой образи ҳикояга нима учун киритилган?

каби саволларни муаммо-мавзу даражасига кўтариш мумкин. Шунингдек,

"Оила бошлиғи нима учун қалдирғоч инини бузишга мажбур бўлади? — тарзида муаммо кўйилиб шу доирада баҳс-мунозара ҳам уюштирилса мақсадга мувофиқ бўлади. Бу метод орқали ўқувчилар мавзунини яна бир бор такрорлаб оладилар, бир-бирларига саволлар берадилар, шу асосда ҳикоянинг бош ғояси келиб чиқади, мавзу ҳам мустаҳкамланади.

## АДАБИЙ ТАЪЛИМДА УЗВИЙЛИК ВА УЗЛУКСИЗЛИК

Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандарти ва ўқув дастурининг “Уқтириш хати”да таъкидланганидек мактабда адабиёт ўқитишнинг бош мақсади — соғлом, эътиқодли, ўзга инсоннинг туйғуларини англайдиган, ўткир ҳиссиётли, юксак дидли, ахлоқан баркамол, ақлан етук, комил инсоннинг маънавий дунёсини шакиллантиришдан иборат. Мактабда адабиёт ўқитишнинг вазифалари: ўқувчиларда бадиий адабиётга меҳр уйғотиш, уларни бадиий асарларни ўқийдиган, тушунадиган ва таҳлил эта оладиган, ўз фикрларини оғзаки ва ёзма тарзда тўғри ҳамда эркин ифодалай оладиган ўқувчи тарбиялашдан иборатдир. Демак, адабий таълимнинг мақсад ва вазифалари адабиёт фанининг мазмунини белгилайди.

Узлуксиз таълим умумий ўрта таълимнинг ичида ўқувчилар дарсда олган янги билимлар моҳиятига, унинг инсон ҳаёти учун аҳамиятлилик даражаси қандай эканлигига ишонч ҳосил қилишга интилади.

Умумий ўрта мактаб адабий таълими таълим жараёнининг алоҳида бир соҳаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, бу даврдан бошлаб турли синфдаги ўқувчилар олдига аниқ талаблар мажмуини қўйиш ва турли босқичларнинг стандарт кўрсаткичларини аниқ белгилаш мумкин бўлади.

Адабий таълим жараёнида синфлараро узвийликни таъминлаш воситасида таълим самарадорлигини оширишга имконият туғилади.

Ҳозирги замон жаҳон адабиётининг йирик вакили, қардош қирғиз халқининг юксак истеъдодли фарзанди Чингиз Айтматов ҳаёти ва ижоди ўзбек синфларида ҳам севиб ўрганилади. Жумладан, “Олтовлон ва етгинчи” (“Қиёмат” романидан), “Оқ кема”, “Найман она қиссаси” (“Асрга татиғулик кун” романидан).

Масалан, VI синф дарслигида Чингиз Айтматов ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги матн ҳажман унча катта бўлмаса-да, ундан адибнинг машаққатли болалиги, уни камолот сари етаклаган инсоний фазилатлар, унга буюклик бахш этган улкан иқтидор ҳақида қисқа, лўнда ва шу билан бирга ўрта мактаб 6-синф ўқувчилари учун етарли маълумот қамраб олинган. Шу ўринда ўқувчи болаларга ўрганилажак асарни мукамал ўзлаштириш учун унинг муаллифи шахсини билиш ҳам катта аҳамиятга

молик эканлигини эслатса, ўқувчилар адибнинг отаси ҳукумат идораларида, масъул лавозимларда ишлаганига қарамай, қатағон қурбони бўлгани; бўлажак адибнинг 12–14 ёшларда қишлоқ кенгашида котиб бўлиб ишлагани, одамлар ҳаётини гоят яхши билгани, чин юракдан яхши кўргани, кишилар учун жуда азиз, жуда зарур бўлган туйғулар, уларнинг хатоларию ютуқлари сабабини эринмай ўргангани, бу улуг инсоннинг болаларни севиши, уларни тушуниш, ардоқлаш ва аяшга интилиши ҳақидаги маълумотларни алоҳида эътибор билан ўқийдилар.

Кимнидир ёки ниманидир яхши кўра олиш инсонга берилган бебаҳо неъматдир. Уқитувчини хаёлчан ва покиза “ука”си ёки “синглиси” яхши кўриб қолишида бадиий матнни ифодали ўқишнинг ҳам аҳамияти беқиёс.

Матн таҳлили жараёнида ўқувчилар бола яшаётган шароитни яққол тасаввур қила олсагина, бунинг устида тўғри мулоҳаза юритиб, тўғри хулосалар чиқариши мумкин. Бунинг учун ўқувчилар билан асар қаҳрамонининг ҳар бир ҳаракатини таҳлил қилиб бориши керак. Жумладан, ўқувчилар билан бола портфелли бўлишдан нега бунчалар қувонгани устида фикр юритиш лозим. Бунинг учун қуйидагича саволлар бериш мақсадга мувофиқ:

– Сиз адабий қаҳрамоннинг бу ҳолатига қандай қарайсиз?

– Бу ҳолат Сизга ғалати туюлмаётими?

– Сиз ҳам бирор нарсадан шу даражада хурсанд бўла олармидингиз?

– Умуман, бу ҳолат яхшими, ёмонми?

Бу саволлар ўқувчиларни ва бошқаларни ўйлашга, мушоҳада қилишга, муносабат билдиришга одатлантиради, фикрларини асослашга ўргатади.

Саволлар жуда пухта бўлиши керак. Акс ҳолда, ўқувчиларни бадиий матн ичига олиб кириш, мустақил фикр юритишга ўргатиш қийин. Демак, матн саволлари бир-бирини узлуксиз тўлдирса, мақсадга эришиш табиийдир. Шунингдек, мунтазам ўтказиладиган оғзаки савол-жавоблар ўқувчилар дунёқарашининг шаклланишига, ўз фикрларини эркин баён қила олишларига, хотирани мустаҳкамлашга, адабий таълимнинг юқори самарали бўлишига хизмат қилиши шубҳасиз.

## ДАРСЛИКЛАРДА ЗАМОН ТАЛАБИ

Дарҳақиқат, дарсликларни тубдан ислоҳ қилиш, уларга миллий ғоя, миллий мафкура тушунчаларини сингдириш, замон талаби билан долзарб муаммолардан ҳисобланади. Бугунги кунда дарсликлар савияси қай даражада? Бунга биз бешинчи синф “Адабиёт” дарслиги мисолида жавоб топишга ҳаракат қиламиз. Дарслик олти бўлимдан иборат.

*Биринчи бўлимда* “Адабиёт нима?” деган мавзу савол тариқасида ифодаланиб, ўқувчиларни “Адабиёт” фанидан ўзлари қизиққан саволларга жавоб топишга ёрдам беради. Бу эса ўқувчини дарслик бошидаёқ “Адабиёт” фанининг моҳиятига тушуниб етишда катта ёрдам беради. Бу саҳифада ажойиб ҳикоялар орқали эндигина бошланғич синфни тугатган ёш бола онгига тезроқ таъсир қилиш мумкин. Бунга Ҳ. Ҳ. Ниёзийнинг бир шеърий асарини ҳикоя жанрида ёзганини мисол қилиб келтириш мумкин. Мавзу орқали ўқувчи “наsr”, “шеърийат”, “драматургия” каби янги тушунчалар ҳақида содда тилда маълумотга эга бўладилар.

Шоир Ҳамид Олимжоннинг “Урик гуллаганда” шеъридан парча келтириб табиатнинг бундай мўъжизакор манзараси ўқувчи кўз ўнгида гавдалантирилади. Бу эса, илк дарسدаноқ бола қалбига адабиётга қизиқиш ва ҳавас уйғотиши табиий.

Дарсликда эслаш учун “Топшириқ ва саволлар”, “Фикрларни таҳлил қилинг”, “Ким тўғри ва тез бажаради?” деган фикрларнинг ёнига қўл ҳаракати орқали ўқувчи эътиборини тортадиган шакллар ифодаланган.

“Ҳикмат дурдоналари” рукни остида берилган мақоллар, ибратли ҳикояларда миллийлик бор. Шу билан бирга қизиқарли ва тарбиявий аҳамияти катта. Мақолларда Ватанга муҳаббат, дўстлик, меҳнатсеварлик ғоялари илгари сурилган. Мақол ва ибратли ҳикоятларда ўзбек халқининг қисқача тарихи, маданияти, қизиқишларини чиройли ифодалаб, янги маълумотлар берилади. Ушбу бўлимда буюк аллома Имом ал-Бухорий ҳақида берилган маълумот болага мураккабдек, қийиндек туюлади. Лекин мавзу содда, бола тилида ёритилиб берилган. Ҳадислардан намуналар келтирилиб ўқувчи тафаккурига мос, тушунарли қилиб мавзу танланган.

*Иккинчи бўлим* “Эртакларнинг сеҳрли олами” деб номланади. Бўлим номидан келиб чиқиб, эртаклар ҳақида сўз кетади. Бешинчи синфда болалар ҳали эртаклар оламини тарқ этмаган, болалик, беғуборлик ҳисси улардан йироқлашиб улгурмаган бўлади. Бу бўлимдаги мавзуларни ноанъанавий усулда ўтиш ўқитувчидан катта маҳорат талаб қилади. Келтирилган эртаклар қизиқарли сюжет силсиласига эгадир.

Урта Осиё халқларининг энг қадимги оғзаки адабий ёдгорликлари орасида қаҳрамонлик дostonлари ҳам мавжудки, улар замирида ўз ботирликлари билан шуҳрат қозонган тарихий шахслар ҳақидаги афсоналар ётади.

“Афсоналар садоси” бўлимидаги қаҳрамонлик эпосларида ўз юртининг мустақиллиги йўлида босқинчиларга қарши мардларча курашган кишилар тасвир этилади. Уларнинг эл-юрт олдидаги жасорати улуғланади. Бу афсонаю дostonлар бугунги авлод учун ҳам қадридир. Афсоналар сюжети ихчам бўлади, уларда бадиий тасвир эмас, воқеа-ҳодиса ҳақида хабар бериш устунлик қилади.

Кейинги бўлим “Мумтоз адабиётга саёҳат” деб номланади. Бу бўлимда ғазал мулкининг султони Алишер Навоий ва унинг “Маҳбуб ул-қулуб” асари ҳақида назарий маълумот берилади. Алишер Навоий кейинги синф дарсликларида ҳам мукамал ўрганилади. Лекин бешинчи синф учун ўзига хос тарзда содда, ихчам қилиб материал киритилгани дарсликнинг ютуғидир.

“Болаликнинг беғубор олами” деган бўлимда ҳикоя жанри ҳақида маълумот берилиб, шоирларнинг шеърларидан парчалар келтирилган. Масалан, Миртемирнинг қишлоқ манзараси тасвирланган “Балиқ ови” шеъри таҳлил қилинар экан, шеър парчасидаги қишлоқ манзараси ўқувчи кўз олдида расом тасвирлаган суратдагидек намоён бўлади. Ғўзал қишлоқ тоғ этагида, боғлар бағрида, жойлашган. Пастидан сой ўтади. Унинг суви тиниқ, юзида қуёш нури жилваланади. Кўкдамда сой суви лойқаланади. Унинг қирғоғида ялпизлар ўсади. Буларнинг барчаси болаларда табиатдан завқланиш ҳиссини уйғотади. Узи яшаб турган қишлоқ, шаҳар, унинг табиатига яна бир бор меҳри товланади, унинг қадрига етишга ҳаракат қилади.

“Ватанни севмоқ иймондандир” деган бўлим ўқувчилар дунёқарашини кенгайтиришга, уларни халқлар дўстлиги руҳида тарбиялашга ёрдам беради.

Ўқитувчи дарс ўтиш жараёнида ўз билим, тажрибасидан келиб чиққан ҳолда бутунлай ўзгача, ҳатто ноанъанавий усуллардан фойдаланишга тўла ҳақли.

Қайси усул-йўлдан боришдан қатъий назар, адабиёт дарсликларидаги мавзуларни ўтиш ўқитувчидан кучли илмий ва бадиий тайёргарликни; бадиий адабиёт, адабиётшунослик ва методикага оид назарияни пухта ўзлаштиришни талаб қилади.

Асар таҳлили жараёнида ўқитувчи ақл ўргатувчи, билим берувчи воиз эмас, балки билим олишга ундовчи, бутун синфни ҳаракатга келтирувчи, болаларни мустақил ишлашга, фикрлашга, баҳс-мунозарага бошловчи, ҳар бир ўқувчини дарс жараёнининг иштирокчисига айлантирувчи билимдон, моҳир, ташкилотчи, яъни фидойи бўлмоғи даркор.

## АДАБИЙ ТАЪЛИМНИ ФАНЛАРАРО БОҒЛИҚЛИҚДА ТАШКИЛ ЭТИШ

Она тили дарсида ўқувчи саводхон бўлишга йўналтирилса, адабиёт бошқа фанлар каби ўқувчиларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишларига ёрдам беради. Уларни меҳнатга онгли муносабатда бўлишга ўргатади, юксак ахлоқий сифатларни шакллантиради.

“Адабиёт” фан сифатида мураккаб ва кўп қирралидир. Адабиёт дарсида адабиётшунослик ўқитилмайди, адабиёт ўқитилади. Мактаб таълимидаги педагогик жараён жуда мураккаб ҳодиса бўлиб, бу жараёнда ўқитувчи берадиган таълим ўқувчиларнинг ўқув машғулотини бажариши билан ўзаро узвий боғланади. Шунинг учун ҳар бир фан, айниқса, ўз хусусиятига кўра бир-бирига яқин фанлар — адабиёт, тил, тарих, мусиқа, тасвирий санъат мактабда узвий бирликда ўрганилади.

Фанларни ўзаро боғлаб ўрганиш у ёки бу фан бўйича ўрганилаётган воқеа ва ҳодиса ҳақида ўқувчида жонли мушоҳада қилиш малакасини ўстиради, бу билан ўқувчи воқеа, ҳодиса ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлади. Ўқитувчи уларда ҳосил бўлган ана шу тасаввурни умумлаштиради.

“Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён” романларида адиб ижросида вафо, садоқат, уят, номус, андиша, меҳр-шафқат, инсоф, яхшилиқни қадрлаш, одамгарчилик туйғулари бениҳоя латиф тарзда; вафосизлик, хиёнат, уятсизлик, қаҳр-ғазаб, жаҳолат, ҳасад, иккиюзламачилик каби салбий иллатлар ҳам қаҳрамонлар характерида талқин этилган.

Юқоридаги туйғулар орасида Абдулла Қодирий урғу бериб таъкидлаган уят ва номус тушунчалари мавжудки, бу тушунчалар адиб назарида энг буюк, энг мукамал туйғулар ҳисобланади. Зеро, андиша, ор-номус, уят туйғулари ўзбек халқига хос бўлиб, бу хислатларсиз ўзбеклар турмушини, руҳий дунёсини, ички оламини, турмуш тарзини асло акс эттирмақ мумкин эмас. Адиб учун уят ва ор-номус туйғуларини ўз қаҳрамонлари характерида тасвирламасликнинг иложи йўқ эди. Отаси Раънони уришмоқ учун бисотидаги энг “салбий” жумла — “андишасиз” сўзини ишлатишининг ўзи кифоя эди. Офтобойим Кумуш ва Отабек бошига тушган шунча кулфатларга сабаб бўлган Ҳомидга қарата биргина “уятсиз” сўзини ишлатиш билангина кифояланади. Кумуш ажрашмоқ ниятида мактуб ёзган Отабекка қарата “уятсиз” жумласини қўлади. Адиб назарида уятсизлик, номуссизлик энг даҳшатли иллатлар эди. Нозик таъбли, юмшоқ табиатли адиб инсонларни ор-номусли, андишали, вафоли бўлишга чақиради, зеро бу фазилатлар инсон қалбида мисоли бир дур. Демак, дарсимиз этика ва эстетика фанлари билан боеланиб кетди.

## МАҚСАД – ПЕДАГОГИК САМАРАДОРЛИК

Бугунги таълим жараёнида жиддий ислохотлар, туб бурилишлар, унинг мазмунини янгилаш билан алоқадор бўлган катта салмоқдаги ишлар амалга оширилмоқда.

XXI аср адабий таълим олдига ҳам янги-янги вазифалар қўяётганлиги бежиз эмас. Дарс – мураккаб жараён. Замон талаби тил билиш, компьютер билан ишлашни талаб этмоқда. Шунингдек, ўқитувчи билимлар тизимига эга бўлиши керак. Яъни:

- ўз соҳасини яхши билиши;
  - кенг ва асосли билимга эга бўлиши;
  - жамиятда ижтимоий, иқтисодий жиҳатдан содир бўлаётган воқеаларга муносабат билдира олиши;
  - ўқитувчининг ўз касбига ижобий муносабатда бўлиши ва ҳ.
- Ҳозирги замон технологияси фикрлашга, тафаккурни ривожлантиришга асосланган.

Педагогик технология – натижа кафолатланиб, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳамкорликда ишлашнинг талаб этади.

Педагогик технология асосида ишлаш учун қуйидаги талабларни бажариш керак:

1. Ўқувчи(талаба)ларни ўқитиш билан бирга ўқишга ўргатиш;
2. Ўқувчи(талаба)нинг билим эгаллашнинг бевосита таълим жараёнига кўчириш;
3. Таълим жараёнида дастурнинг мазкур дарсга мўлжалланган қисмини тўлиқ ўзлаштиришга эришиш;
4. Таълим жараёнида ўқувчи(талаба)ларни тўлиқ фаоллаштириш;
5. Таълимда интерфаол методлардан фойдаланишни ташкил этиш;
6. Режалаштиришган мақсадга эришиш.

Она тили таълимини адабий таълимга, адабий таълимни она тили таълимига боғлашдан; ўқувчи(талаба)лар фикрлаш қобилияти ва тафаккурини ўстиришда сўз, сўз бирикмаси, гап ва матн яратишдан мақсад – самарадорликка эришишни кафолатлашдир.

Сўзлар иштирокида бирикма, бирикма воситасида гап ва матн тузишга киришилади. Бу ўқувчининг фикрлаш қобилиятини ўстиради.

Тил таълими адабий таълим жараёнига сингдирилиб, қатра, иншо, ҳикоя, новелла каби ижодий ишларни ёздириш ҳам бу жараёнда ижобий натижа бериши шубҳасиз.

## МАТН ЯРАТИШ ЖАРАЁНИДА ЎХШАТМАЛАР УСТИДА ИШЛАШ

Ўхшатмалар тилнинг бадиий-тасвирий ифода воситаси бўлиб, у сўзловчи нутқининг ўзига хослиги, бадиий бўёқдорлигини таъминловчи муҳим омил саналади. Бадиий адабиётда ифодаланаётган фикрнинг таъсирчанлигини ошириш мақсадида бу воситадан унумли фойдаланилади.

Матн яратишда ўхшатмаларни ифодалаб келган маъносига кўра, қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. **Ҳолатни** ифодаловчи ўхшатмалар (мас., тулкидай айёр, тошдек қаттиқ, “ўроқ”дай тўғри, айиқдек бесўнақай, ҳалимдай юмшоқ ва ҳ.);


2. **Характерни** ифодалаб келувчи ўхшатмалар (мас., чумолидай меҳнатқаш, қўйдаи ювош, мусичадай беозор, мушукдай чаққон, илондек совуқ ва ҳ.к.);

3. **Маза-таъмини** ифодаловчи ўхшатмалар (мас., болдай ширин, ғўрадек нордон, заҳардай аччиқ, қантдай мазали ва ҳ.);

4. **Белги-сифатни** ифодаловчи ўхшатмалар (мас., анордай қизил, сутдай оқ, ойдек гўзал, докадай оппоқ, кўланкадай жим ва ҳ.);

5. **Мавҳум тушунчаларни** ифодаловчи ўхшатмалар (мас., илк севгидек беғубор, ҳижрондек оловли ва ҳ.) каби.

Матн яратишга тайёрланишда сўз туркумларининг маъновий гуруҳларидан, “от+сифат”, “от+от” лисоний семантик қолиплардан унумли фойдаланиш, улардан турфа шаклдаги ўхшатмали бирикмалар ҳосил қилиш, бадиий бўёқдор гаплар тузиш ўта фойдали. Масалан:



— каби муайян уядаги ўхшатмалар рўйхатини тузиш, берилган ёки яратилган ўхшатмалардан фойдаланиб, янги гаплар ҳосил қилиш каби мустақил иш турлари ўқувчилар нутқини ўхшатмали бирикмалар билан бойитиш, улардан матн тилида фойдаланиш, гапларнинг бадиий бўёқдорлигини оширишда фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Она тили ва адабиёт ўқитувчиси ўқувчиларда матн яратиш кўникмаларини шакллантириш ва мустақкамлаш жараёнида сўз бойлигини ошириш, тилнинг бой ифода воситаларини пухта эгаллашга қаратилган бундай топшириқлардан унумли фойдаланиши ва уларни ўқувчиларнинг нутқий фаолиятига олиб кириши жуда зарур.

Матн яратиш жараёнида ўхшатмалардан унумли фойдаланиш, ўхшатма-ўхшалмиш қолипли сўз бирикмалари ва гаплар орқали матннинг бадиий бўёқдорлигини таъминлаш, ўқувчини “ижодий тафаккур соҳиби”га айлантириш, уни тилимизнинг бой ифода воситаларини пухта эгаллаш ва ўз нутқида ишлатишга ўргатишда муҳим аҳамият касб этади. Ўхшатмалар нутқ ва матннинггина эмас, балки бадиий адабиётнинг ҳам зарурий ифода воситаси ҳисобланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, матн яратиш жараёнида ўхшатмали бирикмалардан унумли фойдаланиш — ўқувчи нутқий кўникмаларининг ривожланишида, унинг сўз бирикмалари ҳосил қилиш ҳамда бадиий бўёқдор, тўғри, изчил ва услубий раван гаплар қуриш малакаларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, она тили таълимида энг долзарб, бир фикрга келиш қийин бўлган муаммолардан бири тил ва услубият масалаларидир. Она тилидан ЎТДА конференцияси муҳокамасига қўйилган “Таълим” дастури муаллифи И. Иминовнинг фикрича, услубият фани умумий ўрта таълим мактабларининг юқори синфларида ўрганилиши мақсадга мувофиқ, лекин биз бу догматик қарашга умуман кўшила олмаймиз. Бунинг сабаблари кўп. Масалан, матн устида ишлаш топшириқлари бошланғич таълимда 2-синфдан; матн, хатбоши ва гап мавзулари 3-синфдан бошланиши, дарслик топшириқларида эса, ўқувчиларга кичик матнлар яратиш тавсия қилиниши ҳисобга олинса, услубият тушунчасининг 5—9-синфлар дарслигига киритилишигина эмас, балки 3—4-синфлар она тили дарсликларига ҳам киритилиши зарур эканлиги аён бўлади. Услуб тушунчаси билан бола қанчалик барвақт танишса, гап қурилиши, унда сўзларнинг жойлашиш тартибини ўрганиш қанча эрта бошланса (масалан, 3-синфдан), шунча яхши самара беради, ўқувчидаги иждоий тафаккур ва мустақил фикрлаш даражасини ўстириш, матн яратиш кўникмаларини шакллантириш ва уни муайян меъёрга

солишнинг сезиларли даражада енгиллашиши илмий-тадқиқот юзасидан ўтказилган тажрибаларимизда кузатилди.

Ўқувчига матн яратиш жараёнида уядошлар, шакл-синонимлар (ва, ҳам, -иб, -ю, -да, -гач, -ганда), маънодошлар (кўхлик, гўзал, чиройли, ажойиб ва ҳ.), сўз бирикмаси маънодошлари (ақлли йигит, зийрак йигит, билимли талаба, истеъдодли талаба, талантили талаба), гап маънодошлари (тонг, тонг отди, тонг оқарди, тонг ёришди; ватанимнинг бетакрорлигини биламан; биламанки, бетакрор юртим ва ҳ.) ҳодисаларидан унумли фойдаланишни ўргатиш бениҳоя зарур.

Матн яратишга тайёрлаш жараёнида ўқитувчи ўз ўқувчиларида мустақил фикр ифодалашга интилиш туйғусини тарбиялаб бориши лозим: матн учун сўз-таянч материал тўплай билиш, воқеа-ҳодисаларни, белги-нарсани, ўқилган бадиий асарларни кузатиш ва чоғиштира билиш, тўғри ҳукм ва хулоса чиқариш, фикрни(натижани) ихчам, аниқ, тушунарли ифодалаш каби таҳлил унсурларини ўрганиш, оғзаки ва ёзма нутқни равон, сермахсул ва сермазмун қилади, бундай иш усулларини билиш ўқувчи учун ижтимоий ҳаётда энг муҳим, энг зарур ҳисобланган муомала, мулоқот маданиятининг юксалишига сабаб бўлади.

Ўқувчи ҳар бир она тили машғулотидан кейин ўз луғат захирасининг бойиб бораётганлигини, ўзига хос ўқиш ва матн яратиш кўникмаси шаклланаётгани, ўзида кейинги ҳаёт учун керакли нутқий билим, кўникма ва малакалар мустаҳкамланиб бораётганлигини ҳис қилиб туриши лозим.

Университет талабалари, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими ўқувчилари иштирокида бадиий ўқиш кечалари, ижодий матн (насрий ва назмий матнлар) яратиш бўйича кўрик-танловлар, баҳри-байт мусобақаларининг мунтазам ўтказиб борилиши талабада ўз она тилига, Ватанига садоқатни, миллий маънавиятни тарбиялайди. Моҳир сўз усталари, шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар ўтказиш, лирик шеърлар тинглаш ва уни муҳокама қилиш ўқувчида ўз истеъдоди ва қобилиятини ўзгаларга намоиш қилиш истагининг пайдо бўлиши ва кучайишига туртки бўлади. Хуллас, адабиёт ўқитувчиси ижодкор ўқувчиларни эртароқ кашф қилади ва барвақт тарбиялашни бошлайди. Бундай ўқувчилардан буюк ёзувчилар, улуғ шоирлар — даҳолар етишса, ажаб эмас. Ахир, бу ўқувчилар даҳолар етиштирган халқ ва заминнинг фарзандлари-да!

## МУНДАРИЖА

Жонкуяр.....	3
--------------	---

### МУСТАҚИЛЛИК ВА АДАБИЙ ТИЛ ТАДРИЖИ

Адабиёт – эзгулик, ҳақиқат, гўзаллик тарбиячиси сифатида.....	6
Бадиий асар таҳлили методист олимлар талқинида.....	13
Болалар китобхонлиги методист олим нигоҳида.....	18

### МУМТОЗ АДАБИЁТНИ ЎРГАНИШ САБОҚЛАРИ

Навоийни англаш йўлида.....	24
Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида бир сабоқ.....	28
Ижод оғушида.....	32
Увайсий сиймоси билан учрашув ( <i>ноанъанавий дарс сценарийси</i> ).....	34

### ТАЪЛИМ БОСҚИЧЛАРИДА АЛОҲИДА ИЖОДҚОРЛАРНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИНИ ЎРГАНИШ

Абдулла Қодирийнинг бадиий маҳорати.....	39
Умумий ўрта таълимда Усмон Носир ижод йўлини узвийликда ўрганиш .....	42
Ойбекнинг бадиий маҳорати.....	44
Абадият юлдузлари – қатағон қурбонлари.....	47
Мақсуд Шайхзода ҳаёти ва ижодини ўрганиш.....	50
Адабий таълим ва Абдулла Орипов ижоди. «Ватан ва истиқлол».....	54
Муҳаммад Юсуф – барҳаёт сиймо.....	59

### МУКАММАЛ ДАРС – ЯХШИ БИР КИТОБ

Отабек, Кумуш, Зайнаб ва ҳозирги ёшлар (театрлаштирилган мунозара-дарс).....	62
Бадиий асар тилини ўрганиш (Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романи мисолида).....	67
Умумий ўрта таълим мактабларида халқ оғзаки ижодини ўрганиш.....	74

Ноанъанавий дарс ташкил қилиш тажрибасидан.....	78
Ҳадисларни ўрганиш – ибрат.....	85
Адабий таълимда ўлкашунослик материалларини ўрганиш.....	88
Тўғарак машғулотларида Бобур рубоийларини ўрганиш.....	93
Адабий таълимда компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланиш.....	95
Адабий тилнинг шаклланишида бадиий адабиётнинг ўрни.....	98
Бир соатлик дарс жараёни.....	100
Бир соатлик дарс ишланмаси.....	102
Академик лицейларда мустақиллик даври адабиётини ўрганиш.....	107
Адабий таълимда узвийлик ва узлуксизлик.....	109
Дарсликларда замон талаби.....	111
Адабий таълимни фанлараро боғлиқликда ташкил этиш.....	113
Мақсад – педагогик самарадорлик.....	114
Матн яратиш жараёнида ўхшатмалар устида ишлаш.....	115

Туйғуной Ниязметова

## АДАБИЙ ТАЪЛИМ МУАММОЛАРИ

### Методик қўлланма

Муҳаррир	Шукур Қурбон
Техник муҳаррир	О. Ёқубов
Дизайнер	Б. Тўхлиев
Саҳифаловчи	Н. Раҳмонов

Нашриёт лицензияси: АI №159, 14.08.2009.  
Босишга 2012 йил 3 апрелда рухсат этилди.

Бичими: 60x84  $\frac{1}{16}$  Times гарнитураси.

Офсет босма. Шартли б.т.: 7,5.

Адади 500 нусха. Буюртма № 22

Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти  
Тел: (+99871) 239-40-56. e-mail: natlib.uz

"BAYOZ" МЧЖ матбаа корхонасида чоп этилди.  
100100, Тошкент. Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй.

500z



74



ISBN 978-9943-06-409-6



9 789943 064096